

Бахтиёр ИСОҚОВ

МУСТАҚИЛЛИК—  
МУАЗЗАМ  
МАСЪУЛИЯТ

НАМАНГАН ШАҲАР МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

НАМАНГАН ШАҲАР БЎЛИМИ

**Бахтиёр ИСОҚОВ**

# **МУСТАҚИЛЛИК – МУАЗЗАМ МАСЪУЛИЯТ**

*Энг улуг ва энг азиз байрам, халқимиз гурури ва ифтихори манбаи – “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун қўлланма*

Наманган – 2013



Маҳалла асли минглаб йиллик тарихга эга бўлган демократия дарсхонасидир. Маҳалла инсонни жамият билан ҳамжиҳатликда яшашга ўргатади ва уни бағрикенглик руҳида тарбиялайди. Шу боис, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳалладан олади. Унинг тафаккури кўпчилик орасида, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларда бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда одамларнинг бир-бирига эзгу орзу-тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир. Айнан маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари орқали биз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти сари одимламоқдамиз. Шу сабабга кўра биз ушбу қўлланма орқали маҳаллага, демакки ҳар бир оилага янада чуқурроқ кириб бориш мақсадини кўзладик.

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Наманган шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашининг 2013 йил 05 июлдаги 04/02-44-сонли йиғилиши қарори ижроси доирасида Наманган вилоят Маънавият ва маърифат ҳудудий кенгаши жамоатчилик тарғибот гуруҳи раҳбари, Наманган давлат университети доценти, «Ахборот гуруҳи» раҳбари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси – “Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик онгини шакллантириш мониторинги гуруҳи” раҳбари, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Исоқов томонидан тайёрланди.

## **Республика Маънавият тарғибот маркази Наманган шаҳар бўлими.**

*Қўлланма маънавият тарғиботчилари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), масъул котиблари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарларига бепул тарқатилади.*

1005 - 11111111

**NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI**  
Axborot-resurs markazi

## МУҚАДДИМА

Бу ёруғ оламда буюк тушунчалар, муқаддас миллий ва умуминсоний қадриятлар ғоят бисёр. Бирок, улар орасида уч улуғ тушунча – ХАЛҚ, ВАТАН, ДАВЛАТ алоҳида аҳамиятга молик. Уларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиш ғоят мушкул. ХАЛҚ бўлмаса, ВАТАН ва ДАВЛАТ атамаларига ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. ОНА ВАТАН – ОТА ЮРТ бўлмаса, ХАЛҚ қай маконда ДАВЛАТ барпо этади? ХАЛҚ ва ВАТАН мавжуд ҳолда ДАВЛАТ бўлмаса, бу эл-юртнинг бағри ҳам яримталиғича қолаверади.

Тарих мулкига айланиб улгурган XX аср сиёсий жиҳатдан дунёда миллий давлатларнинг ташкил топиш даври бўлганлигини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди. Ўтган аср интиҳосида Ўзбекистон ҳам бу оламшумул жараёнга қўшилди – истиқлолга эришди.

Тўғри, 1991 йилнинг 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. Қадимдан Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Ўзбекистон деб аталган ҳудуд мавжуд эди. Демак, ОТА ЮРТ – ВАТАН бор эди. Фақат ХАЛҚ қўлида миллий ДАВЛАТ йўқ эди. Бошида давлати йўқ халқнинг пешонаси шўр, бахти ҳам яримта. Ўз-ўзидан, нони ҳам бутун эмас.

Ахир, Ватан бўлса-ю, унга ўзинг эга чиқолмасанг. Халқинг бўлса-ю, юрак ютиниб “халқим” деёлмасанг. Юрт мадҳиясини ҳам аввал ўзингдан бошқа элга

“Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз,

Ассалом доҳиймиз Ленин жонажон,” – дея салом бериб, унга ялтоқланишдан бошласанг... Осмонун фалақдан пастга қаралса футбол тўпидек келадиган Замин – Ер деб аталмиш сайёранинг 7,2 миллиарддан зиёд аҳолиси 6909 тил, лаҳжа, шевада мулоқот қилади. Улардан бор-йўғи 254 этносгина ўзини ўз давлатига эга, деб ҳисоблайди. Лекин, 2011 йилнинг 14 июлида узок йиллар давомида истиқлол учун курашиб мақсадига эришган Жанубий Судан давлати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 193- аъзоси сифатида тан олинган. Қолганлари эса ҳозирча халқаро ҳамжамият таркибига тенг ҳуқуқли субъект сифатида киришга тинимсиз уринмоқдалар.

Ана шундай ғоят мўрт, мураккаб, таҳликали ва зиддиятларга тўла дунёда аҳолиси сони 31 миллионга яқинлашаётган Ўзбекистон халқининг ўз миллий давлатчилигига эга бўлишининг ўзиёқ қалбимизга алоҳида ғурур ва ифтихор бағишлайди. Чунки, бугун жаҳоннинг ўнлаб оловли нуқталарида “Агар бизнинг ҳам мустақил давлатимиз бўлсайди,

гуруч ўрнига супурги уруғини ҳам ейишга рози эдик”, – дея истиклол учун жон бериб, жон олаётганлар ўзбек номидаги давлатга хавас билан қараётганларини ўзингиз ҳам телеэкран орқали кўргансиз, радиода эшитгансиз, газеталарда ўқигансиз...

1991 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон учун тамоман янги ҳаёт, бутунлай бошқача замон бошланганини ҳаммамиз биламиз. Мустақилликимиз тарихи ҳақида ўйлаганда, беихтиёр 1991 йилнинг 31 августи ёдимизга тушади. Чунки, худди шу куни халқимиз ҳаётида оламшумул воқеа содир бўлди – Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламент минбаридан туриб: “Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман! Бу байрам, сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртдошларим! Бу байрам абадулабад бўлсин” – деган тантанавор сўзлари ҳамон кулоқларимиз остида жаранглаб турибди.

Лекин, мана, истиклол эълон қилинган, орадан йигирма иккинчи йил ўтаётган паллада ҳар ким ҳам мустақилликка эришиш оstonасида юртимизда қандай воқеа, ҳодиса, жараёнлар юз бергани-ю, нималар бир умр ёдда қолганини сарҳисоб қилиб ўтирмайди. Аслида 3000 йилдан зиёд давлатчилик аъёнасига эга, дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқимиз тарихи учун 22 йиллик давр бир лаҳза, холос.

Тоғнинг маҳобатини яқиндан туриб эмас, балки узоқдан кўриш мумкин бўлганидек, бу даврда истикболни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар аҳамияти йиллар ўтган сари ортиб бораверади.

Аммо, эришган ютуқларимизга махлиё бўлиб, бу муваффақиятлар қандай мураккаб кураш эъзизига қўлга киритилганини, улар халқимиздан, унинг етакчисидан нақадар улкан матонат талаб қилганини, жамиятни кулфат ва мусибатлар домига тортмоқчи бўлган қанчадан-қанча сурону тўфонлар, тараққиётни бутунлай бошқа бир йўлга буриб юборишга қаратилган таҳдиду хуружлар бартараф этилганини ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Кечагина биз ким эдик? Бошимизга қандай хўрлик ва кўргиликлар тушган эди? Қандай йўқотишлар берган эдик?

Бундай саволлар кулоғимиз остида мудом янграб турмоғи лозим. Неча юз минглаб ватандошларимиз мана шу ёруғ кунларни орзу қилиб, хўрлик, озодлик дея, армон билан дунёдан ўтиб кетгани, миллатимизнинг не-не асл фарзандлари қатағонга учрагани, эътиқодимиз, тарихимиз, муқаддас қадамжоларимиз, ота-боболаримизнинг хотираси, қабрлари оёқости қилингани, бу дориламон кунларга қачон ва ким томонидан, қандай тарихий шароитда асос солинганини унутишга ўзини шу

давлатнинг фуқароси деб билган, ўз тақдирини шу юрт тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрадиган ҳеч бир инсоннинг ҳаққи йўқ. Зеро, тарихий хотира халқни мудом уйғоқликка чорлайди, улуғвор мақсадлар йўлида бирлаштиради.

Фалсафада макон ва замон тушунчалари, яъни категориялари мавжуд. Уларни бир-биридан ажратган ҳолда талқин қилиш, англаш ғоят мушкул жараён. Зеро, ҳар қандай маконга муайян бир замонда туриб қаралади ва аксинча – ҳар қандай замон муайян бир маконда кечади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг маконимиз – Ўзбекистон, замонимиз – Мустақиллик. Шу макон ҳам, шу замон ҳам – ўзимизники. Чунки, ҳар биримиз, токи ҳаёт эканмиз, шу икки тушунчага бевосита дахлдормиз.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик азал-азалдан инсониятнинг ниятлари, орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этиб келган. Юртимиздаги 3 минг йиллик давлатчилик тарихининг илк даври мафқураси вазифасини адо этган бобокалон китоб «Авесто» бўйича, осмонда савоб мўл, замин остида армон кўп, ер устида эса орзу бисёр. Дарҳақиқат, ҳеч ким бу ёруғ оламдан армон билан ўтишни истамайди. Инсоният, ҳар бир инсоннинг энг улуғ орзуси бўлса — озод, фаровон, хотиржам яшашдан, эл-юрти, бола-чақаси орзу-ҳавасини кўриб, дунёда яхши, эзгу ном қолдириб, пировардида армонсиз, хотиржам кўз юмишдан иборат.

Инсон ҳамиша ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасиз, таҳдидларсиз турмуш кечиришга доимий эҳтиёж сезади. Айнан шу сабабга кўра башарият тарихи турли макон ва замонда озодлик, мустақиллик учун курашни, шаклан турлича, моҳиятан эса ҳурриятга интилиш ҳодисаларини жуда кўп кўрган. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсон ниятлари, орзу-умидлари ва иродаси орқали тарихий жараён мазмуни ва моҳиятини белгилаб беради.

XX аср интиҳосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган воқеа, ҳодиса, жараёнлар содир бўлди. Социализм деб номланган тоталитар тузум, коммунистик идеология деб аталмиш зўравонлик ва тазйиқ-таҳдидга асосланган мафқура ҳаёт синовларига дош бера олмай, таназзулга учради. Оқибатда, жаҳонга ҳокимни

мутлакликка даъвогар СССР жамият ва давлат сифатида парчаланиб кетди. Унинг таркибига зўрлаб киритилган, амалдаги мустамлакалар, иттифоқдош республикалар эса том маънодаги мустикал давлат мақомига эришдилар.

Аввалги тургун, гуёки сокин даврга нисбатан ҳаддан ташқари тезлашган тарихий жараён одамлар онги, тафаккури ва маънавий-руҳий ҳолатини кескин ўзгартириб юборди. Бундай пайтда тарихий жараён ва воқеалар мантики бевосида фукаралар онги ва қалбига ўтиб, яхлит мустикаллик ва уни мустаҳкамлаш зарурияти фалсафасини ўзида акс эттиради.

Ота юртимиз — Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли асариде «ўзбек миллати азалдан ўз фикри-зикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз», — деган вазифани кун тартибига қўйганда ана шу ҳолат назарда тутилган. Халқимизнинг узоқ тарих мобайнида ҳамиша озодлик, истиқлол учун тинимсиз курашганлиги таъкидланган.

Бугунги даврда ҳам ҳаётнинг, замоннинг ўзи эришилган мустикаллик ўз-ўзидан мустаҳкамланиб қолмаслиги, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун ҳам тинимсиз интилиш, кураш зарурлигини кўрсатмоқда.

XXI аср ибтидосида ҳамон нотинч, таҳликали, мўрт бўлиб турган хатарли вазиятда тинчлигимиз ва барқарор тараққиётимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимиздаги ёвуз, разил мақсадлар билан бизга яна кўз олайтираётган, қўпоровчилик ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо огоҳ бўлиб, хушёрликни сақлаб, истиқлолни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Шу боисдан ҳам биз бугун «мустикаллик», «эркинлик», «қадрият», «бурч», «номус», «масъулият»нинг ўзи нима эканлигини яхши англаб, билиб олмоғимиз даркор. Чунки одам, одатда ўзи теран англамаган, билмаган, яхши кўрмаган нарсасини чин дилдан, онгли равишда ҳимоя қила олмайди.

Шахс, жамият, давлат мустикаллиги, эркинлиги энг бебаҳо неъмат эканлигини теран англаб, билиб олган инсонларгина масалага, мавжуд муаммоларга лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик, ўзибўларчилик нуктаи назаридан қарашдан воз кечадилар. Эркин, мустикал, масъулиятли шахсларгина кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади, оғиримизни енгил қилиб беради деган тушунчалардан холи бўладилар.

Ота Макон истиқлолини фақат эркин, мард, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил шахсларгина мустаҳкамлай оладилар.

Бугун юртимизда суверен Ўзбек давлатчилиги асослари изчиллик билан барпо этилмоқда. Биз мустақилликка бир тарихий тасодиф орқасида осонгина ҳеч қандай курашсиз, табиатнинг гўёки бир эҳсони сифатида эришганимиз йўқ. Тарихимизнинг ёрқин кунлари билан бир қаторда оғир ва машаққатли саҳифаларини, турли тарихий босқичлардаги мустамлакачилик, чет эл босқинчиларининг ҳукмронлик йиллари сабоқларини унутмаслигимиз даркор. Аммо, ўзининг ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли аجدодларимиз, халқимиз ҳеч қачон эрксизликка, мустабидликка кўнмаганлиги, доимо ҳуррият, озодлик ва эрк сари интилганлиги ёдимиздан кўтарилмаслиги лозим. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги пойдеворига буюк бобокалонларимиз, аجدодларимиз, элнинг беғуноҳ қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйганлар. Шу боисдан ҳам мустақиллик, озодлик, ҳуррият халқимизга жуда қимматга тушган.

Ислом Каримов томонидан ҳақли равишда таъкидланганидек: «Шунинг учун мустақилликнинг кадрини ҳали тўла тушуниб етмаган (агар шунақа инсонлар ҳали-бери мавжуд бўлса), ханузгача эски совет пайтидаги ҳаётни қўмсаб турадиган одамлар шуни яхши билиб олсинки, собиқ тузум даврида жар ёқасига келиб қолган Ўзбекистон, ўзбек миллати мустақиллик туфайли тараққиётнинг катта йўлига чикди, ўзининг тили ва динига, миллий кадриятларига қайтадан эга бўлди. Буни тушуниш, англаш учун тарихни яхши билиш, уни доимо ёдда тутиш лозим. Тарихни унутган халқ келажагини йўқотади».

## **БУГУНГИ ДУНЁНИНГ СИЁСИЙ ВА МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ**

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг истиқлолини мустаҳкамлаш, дунёда ўзига мос ўрин эгаллаш жараёни, табиий равишда, жаҳон миқёсида кечаётган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир фуқаро дунёнинг ҳозирги даврдаги сиёсий ва мафкуравий манзарасини ўзига яққол тасаввур этган ҳолда, энг аввало, Ўзбекистон миллий манфаатлари нуқтаи назаридан фаолият юритмоғи лозим.

Инсоният тарихининг 99 фоиз даври ибтидоий жамиятга тўғри келади. Курраи Заминда дастлабки давлатлар, жумладан, уларга мутаносиб равишда сиёсат шаклланганига эса бор-йўғи 6 минг йил бўлди, холос. Шу давр мобайнида Ер юзиде давлатлараро муносабатлар



ва кучлар нисбати 3 марта кескин ўзгаришга дуч келган. XX аср интиҳосига келиб инсоният аввалгиларидан мутлақо фарқ қиладиган бутунлай янги даврга қадам қўйди.

Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган давлатлараро муносабатлар тарихи мазмунан бир кутбли дунёга асосланган эди. Унинг моҳияти: бирорта кудратли давлат шаклланади (М: Аҳамонийлар салтанати, Македония империяси...) ва ўзидан заифроқ давлатларни босиб олиб, енгилганлар моддий ва маънавий ресурслари ҳисобига янада кучаяди. Кейинчалик бошқа бир минтақада ундан-да кудратлироқ салтант шаклланади (М: Араб халифалиги, Усмонийлар султонлиги...). У давлат ҳам ўз иқтисодий, сиёсий, мафкуравий манфаатларига асосланган ҳолда (давлатларнинг доимий дўсти ёхуд рақиблари бўлмайди, уларни доимо ўз манфаатлари ҳаракатга чорлайди), аввалги давр сиёсатини юритиб, иқтисодий салоҳиятини кучайтиришга, худудини кенгайтиришга интилади. Ўзбекнинг «тегирмон ҳам навбати билан», деган ажойиб нақли бор. Курраи Замин тарихида Иккинчи жаҳон урушига қадар маълум бир даврда дунё сиёсатини амалда ўз измига юритиб (М: Чингизийлар, Габсбурглар сулоласи...), тарих сахнасидан туширилгач, яна қайтадан аввалги мавқеини тиклай олган давлатни учрата олмаймиз. Қисқаси, биринчи даврнинг моҳияти ўзгаларни «босиб олиш, бўлиб ташлаш, бошқаришдан» иборат бўлиб келган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунё кескин ўзгариш палласига кирган. Курраи Заминда янги — икки кутбли дунё шаклланган. Икки кудратли давлат АҚШ ва СССР ўз иттифоқчилари билан ҳамкорликда амалда дунё миқёсидаги барча жараёнларни ўз назоратлари остига олганлар. Ўша замонларда Америкадаги Никарагуа ёки Африкадаги Камерун давлатида юз берган қандайдир воқеа, ҳодиса, жараёнлар хусусида оммавий ахборот воситалари хабарига асосланиб, ундан бохабар этилган аҳоли ҳақиқатан ҳам содир бўлган ҳодиса ўша маконнинг маҳсули, деб ҳисоблар эди. Лекин, амалда ўша воқеалар ортида турган, режиссёрлик қилаётган АҚШ ёки СССРни кўриш анча мушкул эди. «Икки кўчкорнинг боши бир қозонда қайнамайди», деганларидек, узоқ вақт мобайнида икки кутб ўртасида дунёга якка ҳукмрон бўлиш мақсадидаги шиддатли иқтисодий ва мафкуравий кураш давом этди...

XX аср интиҳосига келиб социалистик лагерь деб аталган кутб турли ички ва ташқи сабабларга кўра тарих сахнасини тарк этди. Унга қадар дунёнинг тинчлиги, хавфсизлик тизими шу икки блокнинг ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган эди. Дунёда «совуқ уруш» сиёсати ҳукмронлик қиларди. Бутун инсоният ядро уруши хавфи остида яшарди. СССР пароканда бўлиб, социалистик тизим ҳалокатга учрагач, XXI аср

бўсағасида янги — кўп кутбли дунё шакллана бошлади. Энди бирорта ҳам давлат узоқ вақт мобайнида ўзга юртни ўз назорати остида ушлаб тура олмайди. Курраи Заминда харбий ҳукмронлик даври ўзининг интиҳосига етди, ҳозир биз иқтисодий ҳукмронлик учун кураш замонида яшаймиз, келажак эса маънавий ҳукмронлик даври бўлади. Кўп кутбли янги дунёнинг асосий моҳияти барча воситаларни ишга солган ҳолда кудратлироқ давлатнинг заифроқ мамлакатни ўз таъсир доирасига тортиб олиш учун доимий иқтисодий, сиёсий, мафкуравий курашидан иборат бўлиб қолди. Мустақилликка эришганига бор-йўғи 22 йил бўлган Ота Маконимиз — Ўзбекистон давлати ҳам истиқлол даврида бир неча бор айнан шундай таҳдид ва хуружларга дуч келди...

Жаҳон миқёсидаги вазиятда туб ўзгаришлар содир бўлиши ва «совук уруш» сиёсати барҳам топишига қарамай, дунё ҳамон мўрт, мураккаб ва муаммоли бўлиб турибди. Дунё тинчлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар, зиддиятлар сақланиб қолмоқда.

Халқаро вазиятнинг қалтислиги биринчидан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро муносабатлар тизимида қарор топган мувозанатнинг бузилишида намоён бўлди. Юқорида қайд этилганидек, кучлар маркази илгари асосан икки жойда — Вашингтон ва Москвада тўпланган, дунё икки кутбдан бошқарилган, бўлса, энди вазият кескин ўзгарди, дунё кўп кутбли бўлиб қолди, уни назорат қилиш эса янада мураккаблашди.

Иккинчидан, турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар янада ўсиб бормоқда. Кудратли куч марказларининг (АҚШ, Европа, Хитой, Россия...) ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланган табиий, энг аввало, углеводород, энергия, ресурсларини ўз қўлига олишга, уларни назорат қилишга интилиши ҳаддан ташқари кучайди. Дунёнинг катта қисмида иқтисодий заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар мавжуд. Мамлакатлар ўртасида илмий-техникавий билимлар, илғор технология, эркин сармояларни тўплаш ва жойлаштиришда тафовут катта.

Учинчидан, кўпгина мамлакатларда ижтимоий осойишталикка қарши хавф-хатарлар ўсиб бормоқда. Бой ва камбағаллар ўртасидаги мулкий тафовут кучайди, ишсизлик, қашшоқлик янада авж олмақда. Тараққий этган давлатлар аҳолиси ривожланаётган мамлакатлар аҳолисига нисбатан сайёрамиз ресурсларини 20 марта кўп истеъмол қилмоқда. Бундай нотенглик жаҳон миқёсида ижтимоий адолатни таъминлашга бевосита таҳдид солувчи жиддий муамолардан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан, «Совук уруш» барҳам топганидан кейин янги хавфсизликка асосий таҳдидни этник, минтақавий, маҳаллий можаролар

ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизм (айирмачилик) солмоқда. Айниқса, бундай карама-қаршилиқлар айрим давлатлар қўлида уларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ёки стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш мақсадидаги қудратли сиёсий таъсир воситасига айланмоқда. Ҳар бир минтақанинг (М: Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Болкон...) ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор. Ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Дунё аҳлининг тараққийпарвар қисми ўзбекистоннинг «Хўкизнинг шоҳига урсанг, туёғи зирқирайди», «Кемага тушганнинг жони бир» мақолларининг асл маъноси, моҳиятини англай бошлади. Бошқачасига ифодалаганда, XXI аср ибтидосига келиб дунё амалда ягона организмга айланиб қолди.

Бешинчидан, умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм ҳам таҳдид солмоқда.

Фундаментализмнинг кучайишига, бир томондан, бир қатор Осиё ва Африка мамлакатларида мулкӣ тенгсизлик ва табақаланишнинг кучайиши, ўз даромад манбаидан маҳрум бўлганларнинг шаҳарларга оқшининг ўсиши, ишсизлик ва қашшоқликнинг кўпайиши сабаб бўлди. Иккинчи тарафдан, ривожланган давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган мустамлакачилик ва неоколониализм (янги мустамлакачилик) сиёсати, маҳаллий аҳолига қарши зўравонлик, иқтисодий камситиш каби иллатлар ҳам диний ва бошқа турдаги экстремизмни вужудга келтиради, пировардида Дунё тинчлигига, миллатлар ўртасидаги тоғувликка, толерантликка раҳна солади.

Олтинчидан, умумий хавфсизликка, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка, айрим давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик сиёсати ҳам таҳдид солмоқда. Бундай сиёсат хавфи халқаро, давлатлараро, миллатлараро, элатлараро карама-қаршилиқни можароларини келтириб чиқаришга уринишлар орқали намоён бўлмоқда. Шовинистлар кичик мамлакатларнинг, эндигина истиқлолга эришган давлатларнинг халқаро ҳуқуқ ва ички давлат суверенитетини рўёбга чиқаришига қаршилиқ кўрсатиб, уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга ва камситишга уринадилар.

Халқаро вазият қалтислигининг еттинчи белгиси шундан иборатки, «совуқ уруш» сиёсатига чек қўйилиши натижасида ялпи ядро уруши хавфи камайган бўлсада, бу турдаги оммавий қирғин қуролининг кўп миқдорда сақланаётганлиги, бундай қуролга эга бўлаётган давлатлар сафининг кенгайиши дунё аҳлини жиддий ташвишга солмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов БМТ Бош

Ассамблеясининг 48- сессияси минбаридан туриб сўзлаган нутқида Марказий Осиёни ядро кулолидан холи зонага айлантириш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистоннинг бу ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди...

Саккизинчидан, жаҳон миқёсида атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, носоглом экологик вазият, жумладан, Марказий Осиёдаги экологик танглик, биогенетик бузилишлар инсоният бошига хавф солиб турибди. Тўбора кучайиб бораётган коррупция, уюшган жиноятчилик, террорчилик, одам савдоси, гиёҳвандлик, яширин кулол олди-соттиси бугун дунё аҳлини ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Буларнинг барчаси дунё хали ҳам мўрт бўлиб турганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб олган олам ғоят мураккаб, муаммоли ва таҳликали бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда бутун инсониятнинг тақдири, ижтимоий тараққиёт истиқболлари халқаро муносабатларга қай тарзда кечишига боғлиқ бўлиб қолди. Халқаро майдондаги ҳар бир сиёсий танглик, можаро барча мамлакатлар ва халқлар манфаатига бевосита дахлдор бўлиб қолди. Ҳатто айрим олинган мамлакат ичкарисидаги низоли жараёнларни, урушларни бартараф этиш ҳам жаҳон ҳамжамиятининг вазифасига айланди.

XXI асрнинг муҳим хусусияти аҳоли талаб ва эҳтиёжларининг ғоят даражада ўсганлиги билан белгиланади. Алоҳида олинган бир мамлакат ресурслари билан унинг аҳолиси талаблари, эҳтиёжларини тула қондириб бўлмайди. Ҳатто ривожланган мамлакатлар учун ҳам бошқа давлатлар билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш объектив зарурат бўлиб қолди. Ҳозирги дунёда бирон-бир мамлакатга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасига ҳам бошқалардан мутлақо ажралган ҳудуд сифатида қараб бўлмайди.

Бугун Ўзбекистон — фақат жуда бой табиий хом-ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, салоҳият, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта геосиёсий ва геостратегик кизиқиш уйғотмоқда.

Френсис Фукуяма ва Жон Макиндер Халфорд каби дунёга таниқли мутахассислар фикрича, XXI аср ўрталарига келиб Марказий Осиё минтақаси умумжаҳон миқёсидаги барқарорлик ва ривожланиш «ўчоғи»га айланади. Шу боисдан ҳам узок давргача режалаштирилган миллий, мафкуравий, иқтисодий манфаатларини кўзлаб юрган турли-

туман сиёсий кучлар бугунданок минтақамизга кириб келиб, бу ҳудудда «чуқур идлиз отишни» мўлжалламоқдалар.

Бугун дунёнинг жуда катта майдонидаги кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан юришларига боғлиқ бўлиб қолди. Осиё субконтинентининг юраги ҳисобланган Марказий Осиё тарихан Ғарб — Шарқ, Шимол — Жануб йўналишлари чорраҳасидаги транспорт-коммуникация бўғини, ҳаётий муҳим ресурслар оқимининг маркази, шарқий (мусулмон) ва ғарбий (христиан) цивилизациялар ўртасида мунтазам ривожланиб бораётган мулоқот-ихтилофнинг «филтри» ва «бўғини» ҳисобланади. Бу минтақа бутун амалда дунёвий сиёсатнинг «калити»га айланиб қолди. Лекин, Марказий Осиё минтақаси ушбу ҳудудда барқарорлик ва геосиёсий мувозанат сақланиб қолгандагина собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади.

Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ривожланишни таъминлаш ва можароли вазиятларнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда ички ва ташқи мувозанатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашгина бирдан-бир мақбул тамойил ҳисобланади. Минтақада энг аввало, геосиёсий мувозанат ва барқарорлик сақлаб турилган тақдирдагина мавжуд муаммоларни тезроқ ҳал этиш имкони туғилади.

Юртбошимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида “ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилиқ ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блокларидан узоқ бўлиш ҳақида;

Ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Куролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва худудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия – бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш” масаласи кун тартибига бежиз қўйилмаган.

Дунё харитаси ўзининг шаклу шамоилига эгаллигини билмайдиган мактаб ўқувчисини кўз олдимизга келтиришимиз анча мушкул. Хусусан, сиёсий харитада давлатлар, уларнинг чегаралари акс этса, табиий харитада қитъа ва минтақалар, қазилма бойликлар, дарё ва кўллар, ўрмон ва денгизларни тасвирлашга алоҳида эътибор берилади. Этник харитада эса турли этнослар, яъни халқларнинг жойлашган ўрни кўрсатилади. Аммо, хариталардаги чегараларни тан олмайдиган умумбашарий аҳамиятга молик универсал технологиялар, ахборот тармоқлари, жаҳоншумул муаммолар ҳам ўзини яққол намоён этмоқда. Улар кўп ҳолларда халқаро сиёсат, давлатлараро муносабатларни белгилайди, халқларнинг тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, ундаги гоёлар кураши, мафкуравий полигонларнинг бутун-бутун халқлар тақдирига таъсири билан боғлиқ масалалар ана шундай оламшумул аҳамиятга эга. Бу борадаги муаммоларни билиш, англаш, бегона, ёт бузгунчи гоёлар таҳдиди ва хуружидан доимо огоҳ бўлиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Ҳозирги даврда аксарият ривожланган давлатлар мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик гоёлари устувордир. Бу тамойилларга асосланган эзгу, бунёдкор гоёлар умуминсоний манфаатлар, башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмаг қилади.

Шу сабабга кўра, миллий мафкура кўпинча компасга қиёсланади. Бунда чуқур мажозий маъно бор. Кўҳна мозий шундай далолат берадики, кўп ҳолларда поёнсиз океанларда, беҳудуд кумликлардан иборат саҳроларда, бир ранг, бир тусдаги кенгликларда кема-ю карвонлар манзилни йўқотиб, йўлдан адашиб, фожеаларга учраганлар. Охири-оқибатда, бундай адашув ва ҳалокатларга барҳам бериш мақсадида илм-фан намояндалари томонидан компас кашф этилган. Компас билан куролланган кемалар ва карвонлар манзилга элтувчи йўналишларни аниқ белгилаб олган ҳолда беҳавотир, эсон-омон мақсадга эришганлар.

Мафкура ҳам, моҳиятан, худди ана шу инсоният томонидан яратилган мўъжизага ўхшаб кетади. Яъни, ўз мақсад-муддаоларини аниқ-равшан намоеън этувчи мафкурасига эга жамият, халқ, миллат истиқболга томон ишонч, эътиқод билан олға кадам ташлайди. Шу маънода, мафкурани жамият маънавияти, ички дунёсидаги компасга қиёс қилиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу компас воситасида ёвуз ниятлар, мақсадларни амалга ошириш манзили томонга ҳам борса бўлади.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, диний экстремизм, ирқчилик каби сиёсий, мафкуравий кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайриинсоний, бузғунчи ғоялар турли халқларга сўнгсиз қулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли бало-қазоларни ёғдирмоқда.

Аслида, бундай мафкуралар ўз ҳукмронлик даврларини ўтаб бўлган. Уларнинг асл мақсадлари бугунги кунда кўпчиликка аён. Ҳозирги даврда уларнинг найранги, очигини айтганда, ўтмайди. Аксарият кишилар уларнинг ғаразли мақсадларини, пинҳона ниятларини у ёки бу даражада билдилар. Аммо, бузғунчи ғоялар эндиликда кўпроқ билим, малака, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, миллати тарихидан, аجدодларининг кимлигидан беҳабар, соддадил, ишонувчан ёшларни ўз тузоғига илинтириши мумкин.

Бугунги кунда турли ахборот технологиялари воситасида инсон, айниқса ёшлар онги ва қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Курраи Заминнинг турли мунтақалари халқлари онги ва қалби турли-туман ғояларни синаш майдонига, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Ҳозирги давр — дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, амалда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Бугунги кунларда, юқорида қайд этилганидек, инсоният тарихидаги ҳарбий ҳукмронлик даври амалда поёнига етиб, ўз ўрнини иқтисодий ҳукмронлик учун кураш даврига бўшатиб берди. Сиёсатшунослар луғатида ҳатто «иктисодий фашизм» деган ибора ҳам пайдо бўлди. Келажак эса маданий ҳукмронлик учун кураш даври бўлади. Шу боисдан ҳам, яъни давр моҳиятини англаган баъзи бир сиёсий кучлар ва ҳаракатлар турли мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринмоқдалар. Бу борада миллион, миллиард доллар, евро сармоя ва бошқа воситаларни ҳам аямаптилар.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган бузғунчи ғоялар бизнинг Ота юртимиз —

Ўзбекистон барқарорлиги ва тараққиётига ҳам таҳдид солмоқдалар. Уларнинг энг асосий шакллари ва йўналишлари президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб, асослаб, моҳияти изоҳлаб берилган.

Тараққиётга нисбатан жиддий хавф-хатарлардан бири буюк давлатчилик шовинизмидир. Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, уни «Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро минтақавий муносабатларга унга интилиш деб таърифлаш мумкин».

Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувлик сусайган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор манфаатларини устун қўядиган, ўзаро келиша олмаётган, ҳокимиятга даъвогар сиёсий гуруҳларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замонавий тарих ҳам кўрсатиб турибди.

Бизни ўз таъсир доирасига тортмоқчи бўлган кучлар ОАВ орқали психологик таъсир кўрсатишнинг янгидан-янги усулларида фойдаланмоқдалар. Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очиқдан-очиқ қоралаш, ерга уриш ёки айрим буюк тарихий воқеа-ҳодисалар, жараёнларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму фанига улкан ҳисса қўшган алломаларимизни, аждодларимизни бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд.

Эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатлар ҳам тобора кучаймоқда. Диний ақидапарастлик айнан шулар жумласидандир. Ислом ақидапарастлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан ҳам боғлайдилар. Бундай ёндашув, турган гап-ки, ўта хавфли. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши кутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

## **МУСТАҚИЛЛИК ТУШУНЧАСИ**

1991 йилнинг 31 августида халқнинг азалий орзуси, яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ота юртимиз



тинч, парламент йўли билан ўзининг хақиқий миллий давлатчилигига эришди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда республикадаги кўп миллатли аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми бунга тасдиқлади. Мустақил Ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Мустақилликка эришиш Ўзбек халқи ҳаётидаги буюк ҳодисадир.

«Истиклол» атамаси озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш, инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифода этувчи тушунча ҳисобланади. «Истиклол» истилоҳи «мустақиллик» сўзи учун ўзак бўлиб, унга нисбатан бирламчи асос вазифасини ўтайди. Ўзбек тилига арабчадан кириб келган бу атамалар асрлар мобайнида қўлланиб, халқ онги, қалби, тафакқурига сингиб кетган. Аслида мустақилликка эришиш истиқлолнинг тўла маънода воқеликка айланганини, яъни ўзгаларга тобе ва қарам бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини ўзи бошқариш, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилларининг тўла-тўқис амалга ошганини билдиради.

Истиклол, кўп ҳолларда, сиёсий жихатдан эркин бўлишни англатади, мустақиллик эса барча соҳаларда озодликка эришилганини, ихтиёри тўлиқ ўз қўлида эканлигини ифодалайди.

Миллий Истиклол мафқураси бўлса мустақилликка эришилгунча орзу-ният, мақсадни ифодалаш, кейинроқ шу мустақилликни мустаҳкамлаш омилидир. Ҳар икки ҳолатда ҳам унинг халқни уюштириш, буюк мақсадлар сари сафарбар этишдан иборат асосий вазифалари ўз аҳамиятини сақлаб қолади...

Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов томонидан бутун халқ орзу-умидлари, мақсад ва интилишларини ифода этиб, шундай бунёдкор ғоя илгари сурилди: «Мустақил Ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаган олий мақсаддир».

Истиклолнинг моҳияти, унинг тарихий аҳамияти миллий уйғониш, тикланиш ва тараққиёт жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Халқимиз миллат сифатидаги беқиёс кадриятларини, минг йилликлар мобайнида шаклланган маънавий-руҳий бойликларини нечоғлик теран англаса, миллий уйғониш ҳисси шунчалик кучайиб бораверади. Инсон онги ва қалбида Ота Макон, аждодлар олдидаги бурч, масъулият туйғулари қанчалик чуқур ўрин олган бўлса, у ўзлигини англашга, ўз миллий кадриятларини тиклаш ва тараққий эттиришга шунчалик кучли эҳтиёж сезиб бораверади. Бундай инсонда фидойилик, курашчанлик, ташаб-

бускорлик, ўзини, ўз уйини, демакки, миллати ва Ватанини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ҳисси беқиёс бўлади. Шу боисдан ҳам биз истиқлол учун курашнинг бутун мазмун-моҳиятини шахс маънавий баркамоллиги, унинг ҳар томонлама етуқлиги билан боғлиқ ҳолда англамоғимиз даркор. Ана шундагина мустақилликнинг тараққиёт йўллари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, ғоявий-ахлоқий асослари янада мустаҳкам бўлади.

Мустақиллик моҳияти, унинг миллат ва юрт тақдирида тутган ўрни, истиқболдаги вазифалар юртбошимиз Ислом Каримов томонидан шундай изоҳланган: «Биз учун мустақиллик — энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий кадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз кудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-этибори, шон-шавкати янада баланд кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун — миллати, ирки ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир».

Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимиз, маданиятимизни ҳолисона англаб, билиб олиш даври сифатида биз учун ғоят кадрлидир. Бу йиллар — жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифаларимизни аниқ белгилаб олиш даври ҳам ҳисобланади. Бу давр бой имкониятга эга бўлган республикани оғир аҳволга солиб қўйган турли-туман сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, мавжуд тангликни тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йилларидир.

Мустақиллик, энг аввало, бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан халос этди. Ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналари, кадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.

Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имконият яратди.

Мустақиллик улкан табиий, минерал-хомашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурсларимиздан эл-юрт манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга шароит вужудга келтирди.

Мустақиллик иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий соҳаларни, жамият ҳаётининг жами жаҳдаларини ривожлантиришга, ислох қилишга катта туртки берди.

Мустақиллик — бу энг аввало ҳуқуқ ҳисобланади. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, аждодларининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Ўтган даврнинг энг муҳим сиёсий сабоғи шундан иборатки, бизда ҳар жиҳатдан мустақил шахслар нечоғлик кўп бўлса, ҳуқуқий демократия ҳамда етук сиёсий муносабатлар учун шунча мустақкам шарт-шароит юзага келади. Ўзбекистон Президенти фикрича, «Янги мафқуранинг асл мазмуни янгича фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи мустақил инсонни тарбиялашдир. Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини тўла ҳис этадиган шахс бўлиши даркор».

Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир инсонгина мавжуд зиддиятларни оsonлик билан енгади, дунёнинг шиддатли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий, ахборот-технология муаммолари бўрони, довули, тўфони қаршисида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни бемалол давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин. Шахс эркинлиги, давлат мустақиллиги ва дахлсизлиги бевосита фуқаро онги ва қалби орқали ҳукмрон сиёсат моҳиятига айланган тақдирдагина қадриятга айланади.

Мустақиллик мустақлақчиликнинг ҳар қандай шаклини, унинг ажралмас таркибий қисмлари, яъни у тақозо этадиган тўсиқлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз ривожини, раванқининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демақдир. Агар у ҳамкорликни, ўзаро ҳамжиҳатлик, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топирмасе, ўз қобиғида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмай қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тажрибасидан ўтган тамойиллари доимо ўз долзарблигини сақлаб қолаверади. Чунки, у инсон онги ва қалби орқали домий равишда ривожланиб, ўзини ўзи бойитиб, такомиллаштириб, онг ва тафаккурни ўстириб, ўткирлаб борадиган воқелиқдир.

Мустақилликнинг ўтган 22 йили мобайнида «истиклол», «хуррият» сўзлари ўзининг буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини, бекиёс қудратини намоён этмоқда. Бунга дунё аҳли ҳам тан бермоқда. Мустақиллик дунёқарашимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. У воқеалар ривожини бутун мазмун-моҳияти билан англашни, дунёга кенгрок назар билан қарашни, бу оламда шўро системасидан ҳам адолатли тузумлар ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик идеологиядан бошқа ҳаётни, инсон кадр-қимматини, кадриятларни ҳимоя қиладиган ғоялар ҳам мавжудлигини яққол кўрсатиб берди.

Мустамлакачилик, колониализм, истибдоднинг башарият тарихига офату бало, кулфатлар ёғдирган фожеаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқтидоридан, буюк бойлигидан маҳрум этганида эди. Истиклол бизга ана шу инсоний фожеанинг аччиқ мазмунини яққол очиб, кўрсатиб берди.

Дунё ва тарих тажрибаси шундан далолат берадики, фуқаро, шахс мустақил бўлмаган жойда давлат, юрт мустақиллигини тасаввур қилиш анча мушкул. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, кулликдан қутилмаса, инсон тўла, том маънода мустақил бўла олмайди.

Мустақиллик яхлит тушунча. Инсон, оила, миллат мустақиллиги орқалигина Ватан мустақиллигига чиқилади. Ҳар қандай шахснинг энг бебаҳо хусусияти, сифати унинг мустақиллиги ҳисобланади. Ички эркинлик, ички ўзига ҳослик, бошқаларга ўхшамаслик, ўзлигини намоён этишга уриниш каби характер ва феъл-атвор белгилари мустақиллик тушунчасининг янада ёрқинроқ намоён бўлишига кўмаклашади.

Бу ёруғ оламда фақат кимнингдир етовида юришни, нукул биров иш буюрса уни амалга оширишнигина орзу қиладиган бола ҳам бўлмаса керак. Ҳатто эндигина юришни ўрганиб олган болакайни ҳам кўлидан етаклашга уринсангиз, агар унинг тили чикқан бўлса, «ўжим йуяман», дея хархаша қилади. Эркин, хур яшаш истагининг ўзи одамзод онгу тафаккури, жисму жонига она сути билан кирган. Эсини эндигина таний бошлаган болакай дастлабки онгли ҳаракатини эркинликка интилишдан, барча ишни ўзи мустақил бажаришга интилишдан бошлайди. Агар боланинг табиий интилишлари, эркинлик хоҳиши кўпол равишда топталса, унга ҳеч қандай эрк бермай, унинг ўзи уддалай олиши, бажариши мумкин бўлган энг оддий ишни ҳам бошқалар қилса, пировардида бундай болалардан иродасиз, ношуд, буюрилганидан бошқа ишни бажаришга ярамайдиган ноқобил кимса етишиб чиқади. Бундай қонуният миллат ҳаётига ҳам ҳосдир.

Агар «дўппини бошдан олиб», чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, мустақиллик шахс хусусияти сифатида, биринчидан, эркинликни

(у англаб олинган заруриятдир, фаолиятда эса ўзгалар эркига дахл қилмасликни англатади), ўзганинг йўл-йўриғисиз (албатта, кенгаш, маслаҳат, машварат натижасида) муҳим қарорга келиш ва уни амалга ошира олиш қобилятини: иккинчидан, масъуллик, ўз хатти-харакатлари учун жавоб беришга тайёрликни; учинчидан, феъл, хулқ-атворнинг реаллиги, ижтимоий жиҳати ва маънавий тўғрилигига бўлган эътиқодни ўз ичига олишини англаб етамуз.

Юқорида қайд этилган жиҳатларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Улардан бирортасининг заифлиги ёхуд бўлмаслиги, табиий равишда, шахс мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, эркинлик ва характер қатъийлиги ижтимоий масъулиятсизликка қўшилиб кетгудек бўлса, у ўзбошимчаликка, инжикликка, «тизгини» бўлмайдиган, шахсиятпарастлик, худбинлик сингиб кетган бебошликка олиб келади. Туппа-тузук одамларни айнан шундай оқибат эшигига етаклаб келган ҳолатларни тасдиқловчи ўнлаб мисолларни ўзингиз ҳам келтира оласиз.

Ижтимоий масъулиятни англамай ёки англаса-да, писанд қилмай, ўзини барча мавжуд қонун-қоидалардан мустақил деб ҳисоблаб, бебошлик кўчасига кириб қолганлар ўзгаларни ҳам жаҳолат ботқоғига ботиришлари мумкинлигини ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб турибди. Масъулиятсизлик оқибатида жамоа режасини барбод қилган, юртфурушлик, сотқинлик кўчасига кириб қолганларни аслида кўр ҳам кўриб турибди, қар ҳам эшитмоқда, соқов ҳам бу хусусда гапирмоқда. Қуйида юз бераётган салбий ҳолатларнинг юқорига чиқиб, барчага намоён бўлишига эса кўпинча халқимиз руҳиятида минглаб йиллар мобайнида шаклланган андиша, истиҳола каби хусусиятлар ҳалал беради (андиша аслида ўзбекнинг ҳам бахти, ҳам бахтсизлигидир). Фақат қалбан, руҳан кўр, қар, соқовларгина оксоч мозий сабоқларини инкор этиб бебошлик қилишлари мумкин ҳолос.

Жамиятнинг мустақиллиги унинг ҳар бир аъзосининг эркинлиги эвазига амалга ошади, бошқачасига айтганда, миллат тўда-тўда бўлиб озодликни қўлга киритмайди, балки унинг ҳар бир вакили узоқ давом этадиган ақлий, маънавий-маърифий кураш натижасидагина навбатма-навбат эркинликка, мустақилли эришиб боради.

Халқимизга ҳос ғалати хусусиятлардан бири шундаки, «Биз» «Мен»га йўл беришни хохламайди, одамлар ҳам камдан-кам ҳоллардагина тўдадан, жамоадан ажралишга журъат этадилар. Биз бу ерда ХХI аср ибтидосидаги жамиятимизга ҳос, ҳали илмий жиҳатдан жиддий, теран ўрганилмаган индивидуализм ва жамоавийлик ўртасидаги рақобатни кўришимиз мумкин. Мустақил қадам ташлашга журъат эта олмайдиганлар бўлса бу ҳолатни «андиша» деган туйғу билан пардалаб оладилар. Аслида, «андиша» ўтмишда ўзбекнинг ўзлигини белгилаб

берувчи ажойиб хислатлардан бири бўлган. Ўзбек ўзидан каттага гап қайтармаган, турган гап-ки, каттанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлган. Бу ўтмиш маданиятининг нафис кўриниши эди. Зеро, тобе киши ҳокимга ўз устидан ҳукм чиқариш имтиёзини берар экан, унинг адолатпарварлиги ва ростгўйлигига буткул ишонган. Ўз навбатида ҳоким ҳам тобенинг, элнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилган. Ва икки томонлама ўзаро ишонч туйғуси остида «андиша» деган мураккаб психология шаклланган. У асрлар мобайнида эл онги, қалби ва руҳиятига аста-секин сингдириб борилган.

Афсуски, Шўролар ҳокимияти даврида шундай ҳолат юзага келдики, бунинг натижасида ҳокимият тепасига чиқиб олган компартия азалий ўзаро ишонч талабларини бажармай қўйди, тобеларни, элни алдаш йўлига ўтиб олди. Бирок, халқнинг руҳида ҳамон «андиша» психологияси сақланиб турибди. Бу эса ўз навбатида унинг адолатсизликка қарши курашига маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Ислом Каримов фикрича: «Биз андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик деган эзгу тушунчаларни ўзига ниқоб этган... қусурлардан бутунлай холи, бутунлай холис бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон, энг аввало, журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиз, тузатишимиз, бу ҳар кунлик одатимизга айланиши зарур»...

Мустақиллик тушунчаси доимо характер қатъийлигини талаб қилади. Борди-ю, шахсий масъулиятнинг кучайиши қатъиятсизлик асосида давом этгудек бўлса, у ҳолда шахснинг ҳаракат қобилияти сусая бошлайди. Масъулиятли, лекин, қатъиятсиз шахс турли ташқи ва ички сабабларга кўра бажара олмай, урдасидан чиқолмай қолган ишлари учун доимо ўзини айбдор деб ҳис қилади ва бу азобдан қутулолмай юради. Шахснинг ўз қўлидан келадиган ишни бажара олишига ишончсизлик туйғуси ундаги ижтимоий фаолликнинг ўсишига тўғанок бўлади. Унда ўзига, ўз қобилиятига, мавжуд имкониятига бўлган ишончнинг ҳасталашуви оқибатида эса «Фақат бошлиқ буюрганини бажариш керак», «Ташаббус кўрсатсанг, уни амалга оширишни ўзингга юклаб қўйишади», «Менга нима?», «Эл қаторидан чиқмаслик лозим», деган тушунчалар гуркираб ривожлана бошлайди.

Шу ўринда аждодлардан мерос бир ривоятни ёдга олсак, масалани англаш бироз осонлашган бўларди:

Қадим ўтган замонда касби дурадгор бўлган бир кишининг танҳо ўғли бўлган экан. Ўғил ақл-одобда барчани лол этар даражадаги йигит бўлиб балоғатга етибди. У айниқса чавандозлик ва ҳарб санъатини мукамал эгаллабди. Шунга қарамай отанинг ўз ўғлидан кўнгли унчалик

тўлмас экан. Кунлардан бир кун ота эрта тонгда шаҳар марказига ўғлини етаклаб келиб, одамлар гавжум паллада уни қамчилай бошлабди. Отанинг бундай ҳаракатидан ҳайрон бўлган одамлар:

— Нега шундай алпкомат ўғлингизни уряпсиз? — деб сўрабдилар.

— Бу аҳмоқ фақат айтганимни қилади холос, — дея жавоб қайтарган ота ўғлини янада қаттиқроқ савалашда давом этибди.

Одамлар бу уста умуман эсини еб қўйибди, деб бошларини сарак-сарак қилганча афсус-надоматлар билан йўлларида давом этишибди. Уста эса уч кунга қадар ўғлини савалашдан тўхтамабди. Бу ҳолни ҳар куни кузатган одамлар бечора йигитга юраги ачишиб, «ох» тортсалар, бешафқат отанинг қилиғидан нафратланиб, уни «тартибга» чақирар эканлар.

Ва ниҳоят, тўртинчи куни пешинга яқин ўғлини савалаётган уста олдига ўн етти ёшлар атрофидаги бир гўзал қиз яқинлашибди.

— Отахон, ўғлингиз қандай гуноҳи туфайли бундай жазога лойиқ топилди?

— Кўрмайсизми, кизим, — уста ҳаракатдан тўхтабди, — бу ўғлим фақат айтган, буюрган ишимни қилади.

— Ота, бундай ўғилнинг боридан йўғи яхши. Уни аямай, янада қаттиқроқ жазоланг.

Қизнинг бу гапини эшитган одамлар «бу қиз бунча бешафқат», дея кичкира бошлабдилар. Оломонни тинчитган катта ёшдаги бир киши киздан оҳиста сўрабди:

— Кизим, нега бундай қарорга келдинг?

— Отахон, — мулойимлик билан жавоб бера бошлабди қиз, — асл инсон биров иш буюришини кутиб ўтирмасдан мустақил равишда ҳаракат қила билмоғи лозим. Итнинг итлиги шундаки, у айтганингизни қилади, «ёт!» десангиз ётади, «тур!» десангиз туради. Инсоннинг инсонлиги эса мустақил фикрлаб, ўзи билиб қилишида.

Одамлар қизнинг жавобидан қониқиб, унга тасаннолар ўқишибди. Уста эса кейинчалик ўғлини айнан ўша қизга уйлантириб, кўнгли хотиржам бўлибди.

Ҳар қандай ақли расо киши ушбу киссадан ҳиссани ўзи чиқара олади. Лекин, атрофимизни баъзи мустақил кишилар билан бирга бировнинг чилдирмасига муком қиладиган, ўзгалар ашуласини гўё ўзиникидак айтадиганлар ҳам қуршаб олганлар. Уларнинг айримлари бўлса, ўзлари бировларнинг етовида юришлари етмагандек, яна унинг устига сизу бизни ҳам қаёққадир, ўзлари тасавуридаги «ҳақиқат» томонга етаклашга тинимсиз уринадилар. Носоғлом маҳаллийчилик, юртдошлар ҳаққига хиёнат қилиш, порахўрлик, коррупция, мол-дунёга ортиқча хирс қўйиш, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик,

бокимандалик ва ўзга иллатлар инсон ва юрт мустақиллигига бевосита ички иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий таҳдидлар ҳисобланади...

«Эл нима дейди?», «Жамоа танкид қилсачи?», «Қариндош-уруғлар хафа бўлишсачи?» сингари саволлар занжири билан кишанланган кишининг мустақил фаолият юритиши ҳам осон кечмайди.

Инсоннинг инсонлиги, унинг жамиятдаги, жамоадаги ўрни, мавқеи, мартабаси ва нуфузи маълум маънода унинг эътиқоди билан ҳам белгиланади. Айрим инсонлар бутун умри мобайнида фақат бир нарсага эътиқод қиладилар. Масалан, «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилган франциялик машҳур сайёх Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни кўрмаган киши бўлмаса керак. Бир қарашда у бутун ҳаётини океан, денгиз ҳаёти ва ундаги сир-асрорлар, ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлагандек, ундан ўзга умрни кечирмагандек туюлади. Океан ва денгиздан жуда узоқда умргузаронлик қиладиган, ундан бевосита манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадқиқотчининг ҳаёти ва ишлари кераксиз бир нарсасдек бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Лекин, бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё аҳли, соғлом фикрловчи инсонлар юксак қадрлайдилар. Кусто каби шахсларнинг бошқа соҳалардаги хизмати унча катта бўлмаслиги мумкин, аммо, башарият уларни юксак эътиқоди учун ҳурмат қилади.

Демак, эътиқодсизликдан кўрқиниш керак. Агар ҳеч нарсага ишонмайдиган, мақсади номаълум, дунё беҳабар, нуқул бугуннинг пойида, тирикчилик ғамидагина ғимирлаб юрган кишига дуч келсак, унга кўмак беришимиз лозим. Чунки, бундай одамдаги эътиқодсизлик фақат унинг ўзигагина эмас, унинг атрофидагиларга ҳам, умуман жамиятга ҳам зиён еткази.

Сиз кўз олдингизга бизнинг бирор кишлоқ ёхуд шаҳар маҳалласида таваллуд топган Жак Ив Кустони келтира оласизми? Менинг назаримда, агар у бизда туғилиб, умрини «аллақандай» китлар, акулалар, океан оламини ўрганишга сарфлаганида, албатта, баъзи бир маҳалла аҳли маломатига қолган бўларди. «Қудасиникига тоғора юбормади!», «Куёвини ҳайитлик билан сийламади!», «Қизига хорижнинг мебелидан олиб бермади», «Неварасига тўй қилиб бермади!», «Маҳаллага ҳеч қўшилмайди!»... сингари гап-сўзлар бошланарди.

Жамоа ва шахс муносабатлари азалий, энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Кўпинча «Биз» «Мен»нинг эркин ҳаракат қилишига имкон бермайди. «Мен»нинг «Биз»га қарши фикр билдириши эса одатда кўпчилик томонидан маъқулланмайди ва ўзбошимчалик. «бетгачонарлик» сифатида баҳоланади. Натижада, баъзи ҳолларда вазият тақозосига кўра мустақил, функциясини, вазифасини, бурчини



масъулиятни англаган ҳолда бажариб келаётган шахс ўз эркидан воз кечиб, кўпчиликка бўйсунушга мажбур бўлади.

Кўпчилик эса ҳар доим ҳам ҳақ бўлавермайди. Кўпчилик кўпинча ҳақ бўлгани учунгина эмас, айнан кўпчиликнинг фикрини ифодалагани учун «ютиб чиқади». Кўпчиликнинг фикри дегани эса адолат ўлчови, албатта тўғри фикр дегани ҳам эмас. XX аср ибтидосида юртимиздаги фидойи маърифатчи, янгиликлар, тараққиёт тарафдори жадидларга кўп одамлар қарши бўлганлар. Шўро замонида эса кўпчилик тараққиёт асоси бўлмиш хусусий мулкчиликни инкор этарди. Шундай қилиб, кўпчилик, оломон хоҳиш-истаклари кўпинча тарихда ғам-алам, талотўп, катағонларга, қонли инқилобларга туртки берган. Ўтмиш донишмандларидан бирининг таъбири билан айтганда, «Инсоният озчиликнинг донолиги туфайли мавжуд, кўпчиликнинг нодонлиги боис у доимо зор қакшайди ва кулфат чекади»...

Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кўриниб турганидек, «мустақиллик» тушунчасининг ўзи шунчалик ноаниқки, беихтиёр «Мустақиллик шахснинг бутун ҳаётий фаолияти, умрининг барча босқичларида намоён бўладиган барқарор хусусиятми ўзи?» деган савол олдимизда қўндаланг бўлади.

Психологлар томонидан мустақиллик моҳияти ва у билан боғлиқ бўлган руҳий ҳодисаларни ташкил этувчи қатор хусусиятлар белгилаб берилган. Ўзлигини намоён этишга, «Мен»ининг барқарорлигини сақлаб туришга қобиллик; ўз-ўзини назорат қилиш; ўз ҳаётида кечган энг муҳим воқеалар учун бошқаларни айбдор қилмай, барча масъулиятни ўз зиммасига олишга мойиллик сингари хусусиятлар шахс мустақиллиги моҳиятини ташкил этади.

Америкалик руҳшунослар Жером Каган ва Говард Мосс 89 кишини туғилганидан то 24 ёшга киргунича психология илми нуқтаи назаридан кузатиб, шундай хулосага келганлар: танг, мураккаб вазиятларда мавжуд воқеликдан қочишга мойиллик ва оилага, катталарга ортиқча тобелик сингари болаликдан кўзга ташланган белгилар ўспиринлик даврида ҳам маълум даражада сақланиб қолади. Бу хулоса бошқа мамлакатлар олимларининг тадқиқотлари натижасида ҳам тасдиқланган.

Д. Фандер бошчилигидаги бир гуруҳ руҳшунослар ҳам 3, 4, 5, ва 11 ёшли 59 ўғил ва 57 киз болани маълум бир вақт мобайнида психологик жиҳатдан кузатиб борганлар. Кузатув натижаларидан маълум бўлишича, 4 ёшлигида ўз хоҳишларини назорат қила билган, турли-туман жалб этувчи, қизиқтирувчи нарсалардан ўзини тийиб тура олган ўғил болалар 7 ёшга етганда ўзгалардан зийраклиги, ҳиссиётларини жиловлай билиш, диққатни тўплай олиш, эркин фикрлашга мойиллик каби хислатлари билан ажралиб турганлар. Аксинча, 3 — 4 яшарлигида ўзини ўзи назорат

қилишда укуви бўшроқ болалар уч — тўрт йилдан кейин ҳам бесаранжом, ҳовлиқма, жанжалкаш, жиззаки, беқарор бўлиб қолаверганлар.

Одатда зиддиятли ва кескин вазиятларда юриш-туриш, хатти-ҳаракат услуби ҳам юксак барқарорлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, қийинчиликка дуч келган бир инсон уни куч-ғайрат билан енгилса, ўзига унчалик ёқмаган, маъқул келмаган вазиятни ўзгартиришга интилади. Бошқа одам бўлса, ҳатто хулқ-атворини, мақсад ва одатини ўзгартириб бўлса ҳам мавжуд вазиятга осонликча мослашиб кетаверади. Учинчи бир киши эса, нохуш аҳволни енгиб ўтиш ёхуд унга мослашиш ўрнига шу вазиятдан ўзини четга олиб, ўз бошини гўёки бекорчи нарсалар билан оғритмасликни маъқул кўради.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, атроф-муҳитдан, оила, маҳалла, жамоа, жамиятда кечаётган жараёнлардан бутунлай, мутлако «мустақиллик» тамойили фақат руҳий хасталикка дучор бўлган (шизофреник)ларга хосдир. Аксинча, атроф-муҳитга, маиший қулайликка, бошқачасига айтганда, нафсга мутлако тобелик ҳам руҳий кемтикликдан далолат беради. Бундайлар одатда «Менга нима?», «Сенга нима?» тамойилига асосланиб, масъулиятни зиммаларидан соқит қилиб, ҳамма нарсани мавжуд воқеликка тўнкаб, фақат ўз хузур-ҳаловатлари ўқи атрофида занжирланган фил сингари айланиб юрадилар. Ўғри, порахўр, коррупция ботқоғига ботган, фоҳишалик йўлига ўтиб олган кимсалар кинғир ишларининг қийиғи чиқиб, кирдикорлари фош бўлган пайтда «Ҳамма ҳам шундай-ку!» ёхуд «Мени шайтон йўлдан урди» қабилдаги баҳоналарни сабаб сифатида кўрсатадилар. Ҳолбуки, уларнинг бундай аҳволга етиб келишлари сабаб эмас, қилмишлари оқибати ҳисобланади.

Ақли расо шахс эса тажриба жараёнида ҳам, ҳаётда ҳам ўз, жамият, давлат манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритади. Яъни, у юқоридаги кимсалардан фарқли равишда мавжуд носоглом муҳит қулига айланмай, ўзгалар эркига даҳл қилмаслик, бошқаларга зарар етказмаслик тамойили асосида иш кўради. Бошқачасига ифодалаганда, барча шахсий белгилар каби мустақиллик хусусияти ҳам мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар ва шахсий фаолият мазмуни билан чамбарчас боғлиқ, яъни баъзан керак бўлганда, зарур ҳолларда «бўйсунмиш илми»дан бохабарликни ҳам талаб қилади. Акс ҳолда эркинлик ва мустақилликнинг анархия — бошбошдоқликдан фарқи қолмайди.

## ЭРКИНЛИК ҲУҚУҚИ

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши либерализм гояларининг янги тамойиллар билан бойганини яққол кўрсатиб турибди. Президент Ислоҳ Каримов

томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг дунёга манхур беш тамойилнинг ҳаётга жорий этилиши Ўзбекистондаги либерализм (эркинлик) гояларининг миллий хусусиятларини намоён қилди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион (тадрижий, босқичма-босқич) ривожланиш йўлини эътироф этувчи ҳамда асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим биргина лотинча «либерализм» атамаси билан ифодаланади. Либерализм ғояси, ўзининг маъно-моҳиятига биноан, муроса фалсафаси бўлиб, волюнтаризм, субъективизм, догматизм, радикализм ва абсолютизм (мутлақлик)нинг ҳар қандай кўринишларини рад этади.

Шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, умуминсоний ахлоқий қадриятлар ва миллий-маънавий асосларга таяниш, ғоялар эркинлиги тамойилларининг тарихий тараққиётга мос равишда ўзгариши, ижтимоий-сиёсий системада кескин зиддиятга бормаслик либерализмга хос хусусиятлар ҳисобланади. Либерализм учун ягона андозадаги, аввалдан қатъий белгилаб қўйилган ақидапарастларникига ўхшаш ахлоқий меъёр ва қонун-қоидалар мавжуд эмас. Шу сабабга кўра либерализм ғояси жамият сиёсий тизимини динамик ўзгартиришни зўравонликларсиз амалга оширадиган куч ва имкониятларни топишга интилиш билан ҳарактерланади.

Шу ўринда ўз-ўзидан «Сиёсий, иқтисодий тизимни, мавжуд тартиботни ўзгартириш албатта шартми?» деган савол тугилади. Дунё ҳам, жамият ҳам, шахс ҳам мудом ҳаракатда, ўзгаришда бўлади. Шўро тузумининг вайронкор гояларидан халос бўлишимиз, мустақилликни мустаҳкамлашимиз учун жамият ҳам, ҳар биримиз ҳам ижобий томонга ўзгаришимиз шарт! Бундан бир неча аср муқаддам «Абулмаъоний» («Маънолар отаси») номини олган Мирзо Абдулқодир Бедил (1644 — 1721 йй.) қаламидан қоғозга шундай ғоя кўчган эди:

*Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат, кўрдир,*

*Ҳар луқма, агар бермаса лаззат, шўрдир.*

*Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас у кафан,*

*Ҳар хонаки, бирдек тураверса, зўрдир.*

Шўро замонининг аксарият катта ёшли кишилар танаси ва онгига ёпишиб қолган эски тўнини оғриксиз, ларзаларсиз ечиб олиш, бузғунчи ғоялар ифлослантирган хонамизни чанг-тўзонсиз тозалаб олишда бизга либерализм ғояси кўмак бериши шубҳасиз.

Либерализмнинг асосий тамойили — ҳуқуқлар, имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинликни таъминлашдан иборат. Либерализмдаги эркинлик рақобатлашаётган

ғояларнинг барчасига ривожланиш имкониятини яратиб беради. Демак, либерализм, бир томондан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига, иккинчи тарафдан, жамиятнинг маънавий-ахлокий меъёр ва кадриятларига асосланиши билан ўзининг умуминсоний мазмун-моҳиятини намоён этади.

Жамият ривожини билан ҳамоҳанг равишда либерализм ғоялари ҳам ўзгариб бормоқда, уларнинг вазифа, мақсад-муддаоларида ўзига хос ички бирлик вужудга келмоқда. Бу ҳолат ҳозирги замонда неолиберализм шаклида ўзини намоён этмоқда. XX аср сўнгги ўн йиллигида дунёнинг қарама-қарши тизимларга бўлиниш жараёни барҳам топиши туфайли либерализм ғояларида ҳам ўзига хос йўналишлар шаклланди.

Замонавий либерализм инкилобий ўзгаришлардан, сиёсий қарашлардаги радикализм (мақсад-муддаоларни кескин, мурасасиз воситалар кўмагида амалга ошириш)дан воз кечиш, муқобил ғоялар мавқеини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, халқаро муносабатларда сиёсий плюрализм тамойилларига амал қилиш, сайлов системасини демократик принциплар асосида ташкиллаш, турли шаклдаги ҳокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг фуқаролар томонидан назорат қилинишига эришиш сингари мақсад, вазифаларни қамраб олади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтган даврида бу вазифаларнинг изчил амалга оширилишида либерализм ўзининг ижобий, ҳаётий мазмун-моҳиятини намоён этмоқда. Зеро, ғоялар эркинлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, бинобарин, шахс эркинлигининг асоси ҳисобланади.

Эркинлик — бу инсоннинг объектив заруриятни англаш, ўз асосий мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир. Соҳибқирон Амир Темур таъбири билан айтганда, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Бу ёруғ оламда ҳар биримиз эркин бўлишни хоҳлаймиз, фақат кўнглимиз йўриғига юриб ўзимиз истаганча, ҳузур-ҳаловатда фаровон яшашни орзу қиламиз. Эркинлик дегани эса ўзгаларга зарар, халақит бермайдиган ҳар қандай ҳаракатни қилиш демакдир. Бошқачасига айтганда, эркинлик — англаб олинган заруриятдир. Англаш эса «онг» тушунчаси билан боғлиқ. Инсоннинг ўзини ҳайвонот олаmidан ажратиб турувчи энг асосий хусусият ҳам онг билан, англаб етиш билан чамбарчас боғлиқ.

Француз мутафаккири Ш. Монтескье фикрича: «Эркинлик — бу қонунлар йўли қўядиган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро мазкур қонунлар тақиқлайдиган нарсаларни қила олганда эди, унда унинг эркинликлари бўлмас эди, чунки худди шу нарсани бошқа фуқаролар ҳам қилган бўлардилар».

Ҳар қандай дарёнинг икки қирғоги, қушнинг икки қаноти бўлганидек, ҳар биримиз ҳам муайян эркинлик ва бурчларга эгамиз. Дарё бемаврид тошиб, фалокатга олиб келиши учун қайси қирғок ўпирилишининг аҳамияти йўқ. Худди шу каби эркинлик ва ҳуқуқнинг бузилиши ёхуд бурчнинг адо этилмаслиги оқибатида жамиятда ўз-ўзидан янги муаммолар туғилади.

Одатда, бурчни ҳис қилувчи кишилар фаол ва серғайрат бўладилар. Бурч туйғуси ривожланмаса у кишини интизомсиз қилиб, саботли, системали ҳаракатларга яроксиз қилиб қўяди. Бурч туйғусига эга бўлмаган киши ё ҳиссиётлар ҳузур-халоватида яшайди, ёки бўлмаса мавжуд вазиятга осонгина мослашиб, оқимга қараб сузиб кетаверади. Аслида бурч деганлари фақат эркин одамда бўлади. Муте, қул, манқурт эса амалда жонзот сифатида бурч тушунчасини мутлақо англамайди. Фақат ёлғон сўзламайдиган инсонгина эркиндир. Эркинлик — баланд чуққидаги ҳавога ўхшайди, маънавий жиҳатдан заиф кишилар бундай бошни айлантиргувчи соф ҳаводан осонгина воз кечадилар ва юқоридан берилган кўрсатмаларнигина адо этиш билангина чекланиб, ташаббус кўрсатишга мойил бўлмайдилар.

Одатда яхши қонунлар урф-одатлардан туғилади. Қонун нима ўзи? Буни ҳар ким ҳар хил тушунади. Қонун — умумий қилиб айтганда, бизнинг ихтиёримиздан ташқари амалда бўлган куч. Табиат қонунлари айнан шундай. Биз унга сўзсиз бўйсунамиз. Қаҳратон қиш қиличини қайраб келса, ўйлаб-нетиб ўтирмай иссиқ кийимларимизга бурканиб, йил бўйи дам олиб ётган чопону телпақларимизни кийиб оламиз. Жазирама ёзда эса иложи борича енгилроқ либосларга ўтамиз. Табиатга қаршилик қилиш бефойда эканлигини англаган ҳолда унинг қонунларига итоат этмасликни ҳаёлимиз кўчасига яқинлаштирмасликка ҳаракат қиламиз. Бўйсунмаслик эса қандай ёмон оқибатларга олиб келишини ҳам яхши биламиз. Жамият қонунлари ҳам, гарчи инсон гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни акс эттирсада, бевосита ҳар биримизнинг ўй-фикрларимиз, хоҳишимиз билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

Демак, табиат ва жамият қонунлари биздан ташқари амал қилар экан, биз — инсонлар уларни фақат ўзимизга фойда келтирадиган қилиб, мослаштириб олишдек хом ҳаёлга берилмай, аксинча, шу қонунларни пухта ўзлаштиришга ва ҳатти-ҳаракатларимизни ўша қонунларга мослаштиришга уринмоғимиз даркор. Чунки, қадимги юнон файласуфи Эпикур таъбири билан айтганда «Ҳатто энг бўлмағур қонун ҳам инсонлар учун зарурдир. Акс ҳолда одамлар бир-бирларини ғажиб ташлайдилар».

Демак, мустақил бўлишнинг энг биринчи шарти мавжуд қонун-қоидалар талабларининг қули бўлишдан иборат. Бундай «қуллик»ни

янглаш учун исбот қидириб узоққа бориб ўтириш шарт эмас. Масалан, мен ўзимни эркин ва мустақил деб ҳисоблайман. Хоҳлаган ишни қилишим, истаган ерда юришим мумкин деб ўйлайман. Энди мен, ўзимча танлаб олган бетизгин, бебош, нотўғри тамойилга асосланиб, катта йўлнинг ўртасидан юра бошласам ва автомобиллар, умуман транспорт ҳаракатига ҳалал берсам, милиционернинг хуштаги ёки ҳайдовчининг сўқиниши янграйди. Асаби чатоқроқ, жаҳли тезроқ ҳайдовчи бўлса тарсаки ёки мушт тушириши ҳам ҳеч гап эмас. Бу ҳолатда мен мустақилликнинг энг муҳим белгиларидан бири — масъулиятни инкор этиб, ўзгалар эркинлигига таҳдид солган бўламан...

Чунки, илмий тилга мурожаат қиладиган бўлсак, эркинлик — кишилар фаолияти билан табиат ва жамиятнинг объектив қонуниятлари ўртасидаги ўзаро муносабатни уларни ўрганиш асосида фаолият юритиш ва ҳаёт кечириш зарурлигини ифодаловчи тушунча эканлигига амин бўламиз. Юқорида келтирилган мисолдан ҳам кўриниб турибдики, эркинлик — инсоннинг ҳаётдаги масъулияти, ҳамма қилган ишлари учун ўзи шахсан жавобгар бўлишидир. Теварак-атрофда қилинаётган, юз бераётган барча ишлар учун айбни сезиш, масъулиятни ҳис этиш — бу эркин инсонгагина хос бўлган хиссиётдир.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг биринчи моддасидаёқ «Ҳамма одамлар ўз кадр-киммати ҳамда ҳуқуқлари бўйича эркин ва тенг бўлиб туғилдилар...», 18- моддасида эса «... ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълим олиш, тоат-ибодат қилиш ҳамда диний расм-русум ва маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади», деб таъкидланган.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, унга туғилганидан бошлаб тааллуқли бўлади. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра, уни индивидуал равишда қониқтирувчи, шахсий эркинлиги дахлсизлигини чекламайдиган хатти-ҳаракатларни танлаш ва содир этиш имконияти берилган. Бирок, шуни ҳам ҳам назарда тутиш жоизки, шахс эркинлиги жамиятда умумэътироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун асосида амалга оширилиши керак, яъни, шахс қонунлар ва қонуний актлардаги ҳуқуқий кўрсатмаларга зид бўлмаган ҳар қандай қилмишларни содир этиши мумкин. Бинобарин, шахсий эркинлик дахлсиз бўлиб, шахс дахлсизлиги давлат ва ҳокимият тизимлари томонидан қафолатланадиган шахсий эркинлик сифатида тушунилиши керак. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25- моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий

дахлсизлик ҳуқукига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»лиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги Конституция билан кафолатлаб қўйилган. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га тўла-тўқис мувофиқ келадиган «Эътиқод эркинлиги» ибораси инсоннинг бирор-бир динга эътиқод қилишида Ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. У инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари орасида марказий ўринда турувчи қадриятлардан бири ҳисобланади. Инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал сифатида хизмат қилувчи ақл, ҳис ва ирода воситасида англонадиган билимлар, ғоя ва тасаввурлар умумлашмаси бўлган тушунча «эътиқод» атамаси орқали ифодаланди.

Эътиқод инсоннинг вояга етиш жараёнида аста-секин шаклланиб боради. Лекин, билимларнинг ўзлаштирилиши ва тўпланиб бориши ўз-ўзидан кишининг ижодий, аниқ мақсадни кўзловчи фаолиятига олиб келавермайди. Ҳар қандай киши, одатда, бирор ишни бошлашдан аввал аниқ мақсадни белгилаб олади. Бу эса эҳтиёжлар, манфаатлар ва тўпланган тажриба билан боғлиқ ҳолда кечиб, ўзлаштирилган билимларнинг амалда қўлланиши имкониятлари билан баҳоланади. Айнан шу тарзда инсон эгаллаган билимлар, эҳтиёж ва манфаатлар, ҳаёт тажрибаси асосида ҳаракат қилиш заруриятини англаши жараёнида муайян эътиқод шаклланади. У, ўз навбатида, инсон фаолиятининг изчил, мазмунли, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.

Эътиқод ижтимоий жиҳатдан инсоннинг фаолиятга бўлган муносабатини (алоқадорлик ҳолатини) ҳам ифодалайди. Билим ва ғоялар инсон томонидан ҳам ақл, ҳам қалб орқали ўзлаштириб олингандагина, муайян хатти-ҳаракатларга чорлаган, ундаган, даъват этгандагина эътиқодга айланади.

Инсон маънавиятининг шаклланиши давомида, одатда барча билимлар ҳам тўлиқ қабул қилиниб, ўзлаштирилавермайди. Чунки, ҳар бир шахс ўзига хос қарашлар, ғоялар, ҳис-туйғуларга эга бўлгани, қалби билан ҳам қабул қилгани туфайли баъзи билимларни хазм қила олмайди. Шу сабабли, у ҳар қандай янги билимларни ўзи қайта баҳолайди, уларни, ўзида шу соҳага дахлдор маълум даражадаги билимлар бўлгани боис, такроран танқидий ўзлаштиради ва англайди. Бундай мураккаб жараёнда кишиларнинг манфаатдорлик даражаси, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишлари доираси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дунёни англаш жиҳатидан қараганда эътиқод онгнинг зарур элементи ҳамда инсон фаолиятининг муҳим ҳолати ҳамдир. У кишиларнинг турли ҳодиса ва жараёнларга, ғоя ва мақсадларга, ҳиссиёт ва туйғуларга бўлган қатъий ишончига таянади. Бундан ташқари, эътиқод

шаклланиши учун баъзан ҳис-туйғулар билимдан ҳам кўра кўпроқ роль ўйнайди. Эътиқод шаклланишида кишининг турмуш тарзи ва яшаш шароити, ижтимоий мавқеи ва дунёқарашининг ҳам улкан таъсири бор.

Ҳаёт ҳодисаларига иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, бефарқлик, лоқайдлик, боқимандалик киши эътиқодининг заифлиги ёки ҳатто унинг эътиқодсизлигидан далолат беради. Одатда, бундай кишилар кўпинча ўзгаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Натижада, уларнинг аниқ кадрият мезонлари ва мақсадлари шакллана олмай қолади. Оқибатда, бундай кишилар мавжуд шароит, ҳолатдан келиб чиқиб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғиб юрадилар. Улар фаолиятида мантиқ ва изчиллик етишмаганлиги туфайли эътиқодий бўшлиқ пайдо бўлади. Эътиқодий бўшлиқ илллати бўлса, муқаррар равишда, тараққиёт йўлига ўзига хос тўсиқ кўяди. Айнан шу сабабга биноан кишиларда ижтимоий кадриятларга, келажакка, тараққиётга нисбатан ишонччи, озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишга бўлган эътиқодни шакллантириш масаласи энг муҳим долзарб вазифалар қаторига киради.

Агар эътиқод экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билангина чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик, вайронкорлик, беқарорликка хизмат қилиши ва тараққиётга ғов бўлиши муқаррар. Тараққиёт, ҳурлик, эркинликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, ёлғончи, адаштирувчи, алдамчи «эътиқод»ни бир-биридан фарқлай олиш ҳар қандай киши ҳаёти ва фаолиятида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Эътиқоднинг сиёсий, ахлоқий, илмий, диний сингари қатор хилма-хил турлари бор. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирига ёки бир нечасига ихлос қўйиши, уни ўз турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгиловчи тамойил сифатида қабул қилиши мумкин. Лекин, унинг танлаб, ихлос қўйиб, ҳаракат асоси сифатида англаб олган эътиқоди соғлом бўлиши, тараққиётга зид, экстремистик бўлмаслиги лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20- моддасига биноан, «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

«Виждон эркинлиги» тушунчаси бўлса муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилишини ёки умуман эътиқод қилмаслигини англатади. У дунёвий ёки диний билимлар, ғоялар тарафдори бўлиши мумкин. Кимнинг нимага эътиқод қилиши унинг ўзининг ихтиёрида. Бирок, юқорида қайд этилганидек, бу тамойил жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни ва фуқаролик бурчларини тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун кадрият ҳисобланган нарсаларни менсимасликни англатмайди.



Миллий истиклол мафкуриси, энг аввало, шахс эркинлиги ғоясига таянади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, айна пайтда шахсий, жамият ва эл манфаатларини уйғунлаштира оладиган эркин инсонгина миллий ғоя тамойилларини ҳолисона, тўғри баҳолай олади. Жамият ҳаётининг барча жиҳатларини эркинлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний кадриятларга риоя этиб яшаш асосий мезонга айланиб боради.

Эркинлик — бу юксак масъулиятни ҳис этиш ва унинг ҳимоясига доимо шай турмоқликдир. Эркисиз оломонга ҳос хусусият шундаки, унинг бирорта аъзоси ҳам масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Кимки масъулиятни чуқур ҳис этса, у шахс сифатида бошқалардан ажралади. Шахс билан оломон ўртасидаги фарқ шундаки, шахс масъулият туйғуси билан яшайди, жамоада эса шахсий масъулиятдан қочиш истаги кучли бўлади.

Эркинлик тушунчаси замон руҳига мос равишда ўзгариб, ривожланиб боради. Жамиятни эркинлаштириш инсон эркинлиги ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш масаласи билан узвий боғлиқ. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамиятга боғлиқ бўлгани сингари, жамият тараққиёти ҳам унда яшайдиган эркин, мустақил шахсларнинг амалий фаолиятига чамбарчас боғлиқдир. Коммунистик идеологияга асосланган Шўро жамиятига шахснинг умуман кераги йўқ эди. Шахс фақат рисоладагидек, нормал жамиятлардагина фаолият кўрсата олади. Немис файласуфи Ф. Ницше таъбири билан айтганда «Эркинлик кўпчиликнинг қисмати эмас, балки кучли кишиларнинг устунлигидир».

Эркинлик масаласида Ғарб ва Шарқ кишининг қарашлари бири-биридан биров фарқ қилади. Ғарб демократияси бу борада қонунларга асосланиб иш кўради, яъни алоҳида бир шахс ва жамият эркинлиги масаласи, муаммолари қонун-қоидалар асосида тартибга солинади. Ғарб кишиси И. Кантнинг «Менинг эркинлигим бошқаларнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди», — деган фикрига амал қилади. Бирок, шуниси ҳам борки, ҳаётда юзага келадиган барча муаммолар, ҳолатларга ҳар доим ҳам мавжуд қонунлардан жавоб топиб бўлмайди. Бундай ҳолларда Шарқда минг йиллар синовидан ўтган ахлоқий-маънавий кадриятлар кўл келади.

Жамиятни соғломлаштириш ва эркин, мустақил шахс тарбиясида бу ҳар икки омилдан уйғун ҳолда фойдаланиш эркинлик, ҳурлик ва ўз кадр-қимматини, инсоний ғурурини барча нарсдан устун қўядиган озод, мустақил, қурашчан янги баркамол авлод дунёга келишининг кафолатидир.

Шу ўринда қадимги юнон файласуфи Эпиктетнинг бугунги кунда ҳам биз мазмун-моҳиятини англашга уришиб кўраётган муаммога бевосита дахлдор бир фикрига эътибор қаратсак: «Дерларки, Инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат — унинг озод ва ҳурлигидир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсоннинг бахтсиз бўлмоғи мумкин эмасдир. Агар сен бахтсиз одамга дуч келсанг, қайғу-ҳасратда ёнаётганига гувоҳ бўлсанг, билки у ОЗОД ЭМАСдир. У шубҳасиз, ким ёки нима томонидан эзилгандир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аблах бўла олмайди. Агар сен бир одамнинг бошқалар олдида паст кетаётганини, лаганбардорлик қилаётганини кўрсанг билки, у озод эмасдир. У бир қулдир. У бўйинини қуллик сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб, ёки шунга ўхшаш бирон нима ундирмоқ истайди. Кимки озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса, катгароқ бойликка эришади.

Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эгалик қилиш мумкин? Фақат ЎЗ-ЎЗИГА! Агар сен одамнинг ўз-ўзига эгалик қилмай бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм ўтказганини кўрсанг билки, у озод эмасдир. У бошқаларга ҳокимлик қилишни истадими, у ўз истаги, нафси қулидир...»

Биз эркинликка интилар эканмиз, у тўлалигича ўзга одамлар эркига ва ўзгаларнинг эрки бизнинг эркимизга боғлиқ эканлигини кўрамиз. Тўғри, эркинлик, инсоннинг белгиси сифатида, бошқаларга унчалик боғлиқ эмас, бироқ, ҳаракат бошландими — бас, мен ўз эрким билан биргаликда бошқаларнинг эркинлигини ҳам хоҳлашим шарт: мен фақат ўзгаларнинг эркини ҳам ўзимга мақсад деб билганимдагина, ўз эркимни мақсад сифатида қабул қилсам бўлади.

## МАСЪУЛИЯТ НИМА ДЕГАНИ?

Одатда масъулият деганда, четдан юкланган, яъни одамга бошқа кишилар, жамият ва ҳоказолар томонидан таклиф этилган, ўқтирилган ёки мажбуран бўйнига қўйилган қандайдир бир нарса тушунилади. Аслида, масъулият моҳиятан инсон қалби, кўнглининг хоҳиш-истаги билан боғлиқ эмин-эркин ҳолатдир. Масъулиятни ҳис этиш, бу — жамият, жамоа, ўзга шахснинг эҳтиёжи ва талабига «лаббай» деб жавоб беришга тайёр туришдан иборат. Шундай қилиб, масъулият кимгадир ёки нимагадир ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат билан боғлиқ. Ҳурмат қилиш дегани эса қўл қовуштириб туриш ёки кўрқув дегани эмас, у инсонни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишни талаб этади. Энг асосийси, масъулият одамнинг ҳар бир амали, фаолияти оқибатини тўлиқ тасаннур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун қандай наф келтиришини англай олиш қобилиятидир.

Масъулиятни чукур хис қилган инсонгина кўзланган ишни пухта режалаштириб, зарур натижага эришиш мақсадида бутун куч ва салоҳиятини унинг ижросига сафарбар этишга қодир бўлади. Масъулиятсиз кишига берилган хурлик, эркинлик эса гўёки сўқир қўлига тутқазилган чироққа ўхшайди. Гарчи унинг қўлида чироқ бўлса ҳам, сўқир кимнидир етаклашга уринса, ўзгани ҳам ўзи билан бирга жарга қулатади. Чунки, чироқ кўзи очиклар учунгина чироқ ҳисобланади.

Масъулият шахсни ўз эркинлигини бошқалар эркинлиги билан мувофиқлаштириб яшашга ундаб туради. Бу ўринда биз, кўчма маънода, эркинликни бемалол пичоққа ўхшатишимиз мумкин. Ундан омилкорона фойдаланилса, пичоқ воситасида катта тўй-тантана учун палов тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Пичоқ катталарнинг эҳтиётсизлиги оқибатида ёш бола қўлига тушиб қолса, у ҳали укувсизлиги туфайли ўз қўлини кесиб олиб, ўзгаларга олдиндан режалаштирилмаган ишни орттириб қўйиши мумкин. Агар пичоқ бирорта маст ҳолдаги бебош, безори, жиноятчи қўлига тушиб қолгудек бўлса, унга бемаврид тўкнаш келиб қолган киши ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳам мумкин. Айнан ўша пичоқ моҳир жарроҳ қўлида оғир ҳолатдаги, ўлим ёқасидаги беморни ҳаётга қайтариш воситаси сифатида хизмат қила олади.

Шахсий масъулият биринчи навбатда, кишининг ўз манфаатини назарда тутса, фуқаролик масъулияти бевосита жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ. Фуқаролик масъулиятини ҳис этган шахс энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа, таълим олаётган даргоҳ, маҳалласи, юрти равнақини уйлаган ҳолда фаолият юритади. Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ягона мақсади Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш бўлса, фуқаролик масъулиятининг мазмунини эса ана шу бунёдкор, эзгу гоъларни амалга ошириш ташкил этади.

Масъулият туйғуси шахс маънавиятининг бош белгиси ҳисобланади. Масъулият туйғусининг турли жиҳатлари, даражалари мавжуд. Уларнинг энг асосийси ва бугунги кун воқелигидаги энг муҳими Шахснинг иқтисодий мустақиллик масъулиятидир.

Ўзликни англашнинг қатор поғоналари мавжуд. Шахснинг ўзлигини англаши унинг ўз инсонлик моҳиятини аста-секин англай бориши билан белгиланади. Инсон моддий вужуд экан у, аввало, ўзининг моддий маконсиз мавжуд бўла олмаслигини англаб етса ва унга нисбатан кўнглида масъулият уйғонса, ушбу масъулият маънавият деб аталмиш қувватга дастлабки туташувни ҳосил қилади. Одамни Шахсга айлантирувчи маънавий камолотнинг биринчи поғонаси шудир.

Инсон ўз моддий мавжудлигини умр бўйи, узлуксиз таъминлаб боришга мажбур, бусиз у ўзга ҳеч қандай вазифани бажара олиш

имконини топа олмайди. Авлодлар ворислигини таъминлаш ҳам инсон буйнидаги буюк қарзидир. Шу боисдан ҳам уч минг йиллик тарихга эга бобокалон китоб «Авесто»да шундай ғоя илгари сурилган: «Кимки емиш эмаса имонда ва эзгу ишларда собит бўлолмайди. У на ерни парвариш қила олади, на чорвага астойдил қарай олади. Ўздан зурриёт қолдиришга қодир бўлолмайди. Борликнинг борлиги емиш биландир. Емиш бўлмас экан, ҳаёт ҳам йўқдир» (Видевдот, 3-фрагард, 32-банд).

Маълумки, бу икки эҳтиёж бошқа жонзотларда — ўсимлик ва ҳайвонларда ҳам мавжуд Улар ҳам ўз моддий мавжудлигини таъминлаб, ўздан кейин насл қолдиришга уринади. Лекин, ҳайвон топганини ейди. Унинг учун «Ўзга ҳаққига хиёнат», «ҳалол» ва «ҳаром» тушунчалари йўқ. Ўзлигини англаб етган инсон эса ҳалол меҳнат билан ризку рўз яратади. У хоҳ деҳқон, хоҳ қосиб, хоҳ тижоратчи-тадбиркор бўлсин, тирикчилик гамида уринар экан, бир ўзи ва оиласигагина эмас, бутун жамият, ўзи сингари кишиларга ҳам қандайдир моддий ёки маънавий манфаат келтиради. Агар ҳар бир ҳайвон зоти ўзи учун буюрилган доирада кўкатлар ёки ўзга жониворларни тутиб еб, ўз нафсини қондирса, инсон биринчи навбатда, яратувчи. У ер ҳайдаб, уруғ тикади, ниҳолни парваришлаб ҳосил ундириб, ўз ризқини меҳнати билан ҳалоллаб истеъмол қилади. «Авесто» буйича (Видевдот, 3-фрагард, 30-банд): «Ким дон экиб парвариш қилса, у имон уруғини эккан бўлади. ... У егиштирган галланинг доналари сон-саноксиз дуоларга айланади». Агар инсон ушбу энг биринчи вазифасини юксак мавқега мувофиқ бажармаса, фақат ўз роҳатини ўйлаб, ҳар қандай йўл билан бўлсин, нафсини қондириш пайида бўлса, у тезда ҳайвондан ҳам тубанлашиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ҳайвонот ва наботот оламида ҳар бир жинс ва тур ирсият томонидан белгиланган вазифасини бажаради, яъни кучук ва ҳутикни қанча тарбия қилинмасин, у барибир охир-оқибатда ит ва эшакдан бошқа жониворга айлана олмайди. Инсон ҳайвонот оламидагилардан фарқли равишда ирода эркинлиги туфайли ҳаётдаги вазифасини имон-этикодидан келиб чиқиб ўзи ихтиёрий равишда белгилайди. Айни шу ирода эркинлиги инсондан ўз хатти-ҳаракатига онгли ёндашувни такозо этади. Ўзлигини англашга уринмаса, нафсига эрк берса, одам учун нафақат мечкай, ароқхўр ва нашаванд, шу билан бирга ўғри ва муттаҳам-каззоб, фоҳиша ва қотилга айланиш хавфи доимий равишда таҳдид солиб туради. Шундай разолат, жаҳолатлардан эса инсонни фақат ҳаё ва андиша, инсоф ва ор-номус сингари соф инсоний хислатларгина сақлаб туради.

Демак, барча жонзотлардан фарқли равишда инсоннинг ҳар бир қадами маънавий ўлчамларда баҳоланади. Инсоннинг моддий эҳтиёж ва интилишларининг ҳам маънавий мезонлари мавжуд бўлиб, моддий

ҳаётни давом эттириш мақсадида ейдиган бир бурда нони ҳам «ҳалол-ҳаром»лик жихатидан баҳо олади ва унинг тақдирига таъсир кўрсатади.

Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ никоҳ, оила, унда вояга етаётган ёш авлод камоли, ота-оналарнинг жамият ва фарзандлар олдидаги бурчи, масъулияти каби масалаларга ғоят катта эътибор қаратила бошланди. Бутун бир йиллар «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили» сингари номлар билан аталиб, жамиятнинг ўзаги, асоси, таянчи ҳисобланмиш оиланинг давлат муҳофазасига олингани эътироф этилди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» масаласига дахлдор ҳуқуқий нормалардан иборат бўлиши ушбу масалани нечоғлик муҳим аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради.

Ўз келажаги, тараққиётини кўзлаётган ҳар қандай жамият ўзининг бош бўғини, пойдевори — оилани мустаҳкамлаш, оила аъзоларини маънавий-ахлоқий жихатдан соғломлаштириш, уларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатни барқарорлаштириб ва такомиллаштириб бормоғи даркор.

Оила — бу эр ва хотиннинг ўзаро ихтиёрий иттифоқидан пайдо бўлган ижтимоий бирлик ҳисобланиб, унинг асосини ташкил қилувчи эр ва хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин қариндошларидан иборат кишилар гуруҳи оила аъзоларини ташкил этади. Ҳар қандай оилада унга мансуб бўлган одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги мавжуд. Табиий муносабат — эр-хотинлик, иқтисодий муносабат — мулкӣ муносабатлар, яъни уй-рўзғор, ҳовли жой ва бошқаларни англатади. Ҳуқуқий муносабат эса никоҳни давлат йўли билан қонуний қайд этиш; никоҳ расмий тус олганда, эрнинг хотин, хотиннинг эр олдидаги, уларнинг фарзандлари, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги масъулияти ва бурчи тушунилади. Маънавий муносабат дейилганда, эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, оқибат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия каби инсоний туйғулар ва талабларга асосланган муносабатлар назарда тутилади.

Демак, оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкӣ, ҳуқуқий, руҳий жихатдан боғланидилар ва ўзаро ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Оилавий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларига нисбатан мустақил ҳодиса бўлиб, оиланинг ички ишларига ҳеч ким худа-беҳуда аралашшига ҳақли эмас. Айнан шу сабабга биноан оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Бошқачасига, ҳар бир оилани ўзига хос кичик бир мухтор давлатга киёслаш мумкин.

Оилавий муносабатлар ҳар қандай замон ва маконда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий муносабатлар билан белгиланиб, улар таъсирида ўзгариб боради. Оилавий муносабатлар қадим-қадимдан жонли, ўзгарувчан жараён бўлиб келган. Шунга кўра, ҳар бир жамият ўзига хос ва ўзига мос оила турини танлайди ва уни шакллантиради. Оиланинг вазифаси эса биринчи навбатда насл-насабни давом эттириш, фарзандларини мавжуд жамият талаблари, қонун-қоидалари, ахлоқи асосида тарбиялаш, оила аъзолари тирикчилиги, бўш вақтини қўнғилли ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Ҳар қандай жамият мустаҳкам, жисмоний, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оиладан ғоят манфаатдордир. Шу боис жамият оилани мустаҳкамлаш ва ижтимоий вазифаларни бажаришда, болаларни тарбиялашда оиллага кўмаклашиши, болали оилалар ҳамда келин-куёвларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш чоратадбирларини кўришга масъулдир. Юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришда эса аёллар зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган ҳозирги даврда оилада болаларга берилажак иқтисодий билим, шакллантирилажак малака масаласи энг долзарб муаммолардан биридир. Эндиликда болалар республикамиз пул бирлиги, ота-оналарнинг нима учун меҳнат қилиши, ишлаб топилган пулни қаерда сақлаш ва нима учун либосларию пойафзалларини, ўйинчоқларини асраб-авайлашлари кераклигини оилада, мактабгача таълим муассасаларида билиб олмоқдалар.

Болаларга ёшлигидаёқ тўғри ва керакли иқтисодий масъулият туйғусини шакллантиришда қуйидаги қоидалар ҳам жуда асқотиши мумкин.

### **1. Кўникиш**

Боламиз биз берган пулнинг барчасини сарфлаб келгудек бўлса, унинг бу ҳаракатини молия борасидаги «уқувсизлик» деб баҳолашга шошилмаганимиз маъқул. Ундан кўра, бундан кейинги хатти-ҳаракатлари учун, ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, болага тўғри йўналишни кўрсатмоғимиз лозим.

### **2. Мажбурият**

Боланинг кундалик овқатланиши, дам олиши ва бошқа қўшимча қизиқишлари, эҳтиёжлари учун сарфланадиган харажатлар чиким дафтарига киритилмаса, маблағни сарф қилаётган болада «эртани ўйламаслик» ҳисси шаклланиб қолиши мумкин. Шу сабабга кўра бола томонидан сарфланаётган маблағ оила харажатларининг бир қисмини

ташқил этишини англаши учун унга берилаётган сумма «харажат лафтари»га қайд этиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

### **3. Самимият**

Оилада юзага келадиган молиявий муаммолар туфайли болаларга кундалик харажатлар учун аввалдан бериб келинган пул миқдори қисқартирилганда уларнинг айримларида «Ота-онам энди мени яхши кўрмайди», деган хулоса тугилиши ҳам мумкин. Нотўғри хулосанинг олдини олиш мақсадида, бундай вазиятларда, юзага келган молиявий аҳволни болага тўғри изоҳлаб, тушунтириб, кейинчалик оила иқтисодиёти ўнгланиб кетган пайтда муаммо ҳал этилишини айтиш лозим. Фақат шундагина, бола, гарчи ёнида зарур миқдордаги пулни олиб юрмаса-да, ўзини хотиржам ҳис этиб, иқтисодий аҳвол ҳар доим ҳам бир хил бўлмаслигини англаб боради. Ва, муаммо туғилган пайтларда тўғри йўлни танлашга ўрганади.

### **4. Қатъиятлилиқ**

Агар бола унга берилган пулни беҳуда сарфлаб келса, табиий равишда қайгурамиз ва йўқотилган маблағ ўрнини тўлдиришни хоҳлаймиз. Лекин, боланинг бундай номақбул хатти-ҳаракатини оқламаслигимиз лозим. Сабаби, бундай йўл тутилгудек бўлса, бола ота-она ҳамёнига «қўшимча захира»дек қараб, кейинги сафар ҳам ҳеч қандай ташвишсиз, хоҳлаганича маблағ сарфлашга ўрганиб қолади. Болада ота-онанинг ишлаб топаётган жамғармаси сугурта компанияси эмас деган тушунчани шакллантирмоқ даркор.

### **5. Танлаш ҳукуки**

У ёки бу буюм, нарсани харид қилиш масаласига дахлдор кенгаш, муҳокамаларда ота-оналар фикри бола учун таклиф-мулоҳаза шаклида бўлиши керак. Агар биз муносабатимизни каттиқ, қатъий талаб шаклида билдирсак, болага эркинлик, мустақиллик, масъулият хусусида бериб келаётган ўғитимиз, билимимиз бекор кетиши, натижада ўз самарасини бермай қолиши ҳам мумкин. Чунки, бола ёшлигидан ўзи тўғри хулоса чиқаришга ўргана бориши лозим. Албатта, танлаш эркинлиги бола ўзи хоҳлаган нарсани қилиши мумкин деган маънони англамайди. Бироқ, бу ўринда ҳам хатоларсиз ғалаба бўлмаслигини ёдда тутмоғимиз даркор.

Агар боланинг табиий интилишлари, эркинлик хоҳиши кўпол равишда топталса, унга ҳеч қандай эрк бермай, унинг ўзи бажара олиши мумкин бўлган энг оддий ишни ҳам бошқалар қилса, пировардида ундан иродасиз, ношуд, буюрилганидан бошқа ишни бажаришга ярамайдиган ноқобил кимса етишиб чиқади. Бу қонуният миллат ҳаётига ҳам хосдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64- моддасига биноан «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар». Фарзандларни боқиш деганда уларнинг яшаши, улғайиши ва жамият учун фойдали ишларни амалга ошириши учун озиқ-овқат билан таъминлаш тушунилади. Ота-она конституцион мажбуриятни бажаришдан бош тортиб ўз фарзандига қарамаса, ташлаб кетса, жиноят йўлига кириб масъулиятни унутиб, бурчларини бажармаса оталик ва оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилишлари мумкин. Оталик-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган кимсалар кейинчалик ўзлари дунёга келтирган фарзандларидан нафақа олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўладилар. Оилада фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, уларни умуминсоний кадриятлар, ахлоқий нормалар руҳида тарбиялаш эрхотиннинг муҳим шахсий ҳуқуқ ва вазифаларидан ҳисобланади.

Ўз навбатида 66- моддага мувофиқ «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар». Демак, ота-она ҳам фарзандлар ҳам бир-бирлари олдидаги юксак масъулиятни адо этганлари тақдирдагина, ўзаро ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ҳар бир инсон зиммасида иқтисодий мустақиллик масъулияти бор. Ҳеч ким ўзга бир киши мени боқиши (иқтисодий жиҳатдан таъминлаши) керак деб ҳисобламаслиги керак. Лекин, бунинг баъзи шартлари ҳам мавжуд. Ҳар бир инсон ўз иқтисодий мустақиллигини таъминлаши учун мулкни эркин тасарруф этиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Шўро даврида ҳар бир инсоннинг мустақил Шахс сифатида шаклланишида энг муҳим омил бўлган иқтисодий мустақиллик масъулияти туйғуси қаттиқ зарбага учради.

Минг йиллар мобайнида тажрибадан ўтган, исбот талаб қилмайдиган ҳаёт ҳақиқатларидан бири шуки, меҳнат қилган одам ўз меҳнатининг самарасини кўрмоғи лозим, меҳнатига яраша ҳақ олмоғи керак. Шу боисдан 3 минг йиллик тарихга эга ўзбек давлатчилиги ибтидосида мафкура вазифасини адо этган бобокалон китоб - «Авесто»да ҳам «Ҳақ йўлида кимки ерни сидқидилдан парвариш қилса, унинг хизматига лойиқ қилиб Ернинг эгаси ҳаққини бериши лозимдир... ер эгаси муносиб ҳаққини бермаса, бундай ер эгасини (Ер ҳомийси) Спента Армаити зулмат багрига туширади», деб ёзилган. Борди-ю, шахс меҳнатига яраша маош, ҳақ олмаса, берилган маошга яраша меҳнат қила бошлайди. Натижада, меҳнат ўрнига кўзбўямачилик авж олади, бир-бирини алдаш, ўғрилик, ташмачилик каби иллатлар оддий ҳолга айланиб қолади, эл маънавий жиҳатдан занглай бошлайди, инсоф, диёнат, виждон деган муқаддас, эзгу кадриятлар ўрнини ёвузлик, шафқатсизлик, жиноят эгаллаб олади.



## МАЪНАВИЯТНИНГ БОШ БЕЛГИСИ

Маънавият кўп қиррали бўлиб, ахлокий (одоб, бурч, масъулият туйғулари), илмий, эстетик-ижодий, амалий малакалар (меҳнат, ижодкорлик, истеъдод, қобилият) диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлигидан иборат. Бу қарашлар алоҳида-алоҳида олинганда эмас, балки бир бутун, яхлит ҳолдагина маънавиятни ташкил этади. Ҳақиқий маънавият — бу эзгулик ва меҳр-муҳаббат, улуғворлик, ва гўзаллик, виждонийлик ва меҳр-шафқат, билимга, бошқа кишилар ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш ғояси ва туйғуларига садоқат йиғиндисидир.

Маънавиятнинг шаклланиши ва ривожини одатда уч таркибий бўғинда намоён бўлади. Мафкура кўринишидаги биринчи бўғин маълумот, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, ибрат, ғоя ва назариялар даражасида ифодаланади. Инсон маънавий мерос, кадрятлар билан танишади ва уларни ўзлаштиради, янгиликни дунёқарашига сингдиради. Бу — ишонч бўғинидир.

Иккинчи бўғин — инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлокий кадрятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан бирлигини, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада, унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу бўғин — имон бўғини. Шу боисдан ҳам аждодларимиз томонидан «Ватанни севмоқ имондандир» ғояси илгари сурилган.

Учинчи бўғин — билим, ижодий изланиш, фахм-фаросат билан ифодаланади. У бизнинг тафаккуримизда маърифат, дунёвий маънавият тимсолида намоён бўлади. Буюк алломаларимизнинг қудрати ана шу дунёвий маънавиятни илоҳий маънавият билан узвийликда камолга етказганликларидир.

Агар биринчи бўғин янгиликларни қабул қилиш, иккинчиси кадрятларга, аждодлар руҳига таяниш бўлса, учинчи бўғин — Янгиликларнинг ижодий раънақидир. У аждодлар меросига ҳақиқий ворис бўлиб, уларнинг ҳаммасини эмас, фақат кадрятга айланиб кетган қисмини ижодий ривожлантиришни назарда тутди.

Ҳар доим манфаатларни ифодаладиган маънавият ва мафкура турли замон ва маконда ўзини турлича намоён этади. Тоталитар-мустабид тузумлар мафкураси жамиятнинг асосий устун — давлат деб ҳисоблаб, инсон омилини инкор этади. Фашизм мафкураси ўзга этносларга, коммунизм мафкураси бўлса ўз халқига, бой-бадавлат кишиларга, хусусий мулкка, динга қарши қаратилган эди. Шу ғояга

асосланган ҳолда йиллар мобайнидаги агитация-пропаганда (тарғибот-ташвиқот) орқали камбағалларга ижобий, бойларга эса салбий муносабат шакллантирилган. Бундай муносабат асоратлари ҳанузгача баъзи катта ёшлилар онгида сақланиб келаётганлиги боис улар иқтисодий тафаккурининг янги даврга мослашиши анча қийин кечмоқда. “Оч қорним, тинч қулоғим”, “Эртанинг гамини егунча...”, “Қўнинг кўр бўлса, кўзингни қис!”, “Камбағаллик – айб эмас”, деган гаплар энди эскирди. Камбағаллик – айб! Ҳа, катта айб! Тадбиркор учун, ижодкор учун, ишлайман деган одам учун ҳамма шароит яратилган замонда имконияти, иқтидори бор одам учун уят бу.

Меъёрлаш таксимоти ҳукм сурган, бошқарув қатъий марказлаштирилган шўролар жамиятида ночор-ногиронлар ҳаётини таъминлаш масаласи асосий ўринга қўйилиб, қобилиятли, тадбиркор ва идрокли кишиларни салоҳиятига муносиб тарзда тақдирлаш имконияти қидирилмаган. Бундай тузумда ҳалол ва фидойи, бор куч-қуватини жамият ривожига сарфлаган, ўз шахсий манфаатини камроқ ўйлаган инсон камбағаллигича қолаверган. Оқибатда, бундай кишилар ҳалол ва хокисор одам тимсолига айланган.

Камбағалнинг жамиятга келтирган нафи, айтайлик, 80 фоиз, бойники эса 20 фоиз. Ташқаридан караганда ва мавжуд рақамга асосланилса, камбағал жамиятга кўпроқ наф келтирган бўлиб чиқади. Аммо, бу хизматни миқдор нуқтаи назаридан баҳоласак, бойдан давлат хазинасига тушган 20 фоиз фойда бир неча миллион сўм бўлиб, камбағалникидан анча салмоқли эканлиги яққол намоён бўлади. Шахсий манфаатни кўзлаган одам жамиятга лозим даражада фойда келтиргани учун бойдан мудом норози бўлади. Шу боис, одамлар ижтимоий онгига жонни жабборга бериб ишлаб, фақирона кун кечириш олижаноблик, шахсий манфаат йўлида бойлик орттириш эса — хасислик, ёмонлик деган ақида коммунистик тарғибот-ташвиқот машинаси орқали муттасил сингдириб борилган.

Шўролар даври сиёсати иқтисодиёт қонунларини назар-писанд қилмай, уни большевистик мафкурага, сиёсатга бўйсундириб олган эди. Мавжуд сиёсатдан норози бўлганлар эса қатағон қилиниб, аҳолига «халқ душмани» сифатида таърифланарди.

Совет давлати шаклан ва моҳиятан тоталитаризмга асосланган эди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб этиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсий гоялар тизими ва улар асосида шаклландиган давлат тузуми «тоталитаризм» атамаси орқали ифодаланади.

Тоталитар бошқарув шакли жорий килинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошқора ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти каттик назорат қилинади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Бундай ғоя тарафдори бўлган фашистик тузумлар, собиқ Совет иттифоқи ва уларнинг иттифоқчилари ўта марказлашган ҳокимият тизими ўрнатилган кучли давлатни барпо этиш, мамлакатни бошқаришда яқкаю ягона куч ёки партиянинг ҳукмронлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганлар. Тоталитар тузумда барча давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти ва омма ҳаёти устидан тўла назоратни ўрнатиш, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ягона марказдан белгилаб берилиши, давлатга раҳбарлик яқка шахс қўлида тўпланиши сингари ғоялар устуворлик қилади.

Америка адабиси Эйн Рэнд таъбири билан айтганда, «Инсонни фикрсиз қулга айлантирган ёки унинг меҳнат самарасини тортиб оладиган, эркин тафаккур қилишдан маҳрум этадиган ёки ақлга зид ҳаракатларга ундайдиган жамият, мавжуд қонунлари билан инсоннинг табиий талаб-эҳтиёжлари ўртасидаги қарама-қаршилиқни келтириб чиқарадиган жамият аслида жамият деб аталишига ҳам арзимаيد. У — жиноятчилар тўдаси ёки оломондир. Барча инсоний кадриятларни нест-нобуд этадиган бундай жамият фаолиятини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Бундай жамият фаровонлик манбаи эмас, балки инсон ҳаётига хавф солувчи офатдир. Шу сабабдан ҳам, Совет иттифоқида ёки фашистлар Германиясидек мамлакатда яшагандан кўра кимсасиз оролда истиқомат қилмоқ инсон учун минг қарра хавфсизроқдир».

Мафқура яққаҳоқимлиги туфайли социалистик жамиятда ёлғончилик давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. Оммавий аҳборот воситалари, турли тарғибот-ташвиқот органлари эрта тонгдан қаро тунга қадар социализмни мактаб оғиз кўпиртирар, ёлғон гапларни тақрорлаб, эл қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирарди.

Коммунистик партия ўтказган тажриба оқибатида ҳаётга лоқайд, бефарқ одамлар тоифаси яратилди. Лоқайд одамлар оламга шунчаки бефарқ қараш билан чекланмайдилар, уларнинг ҳам ўзига хос фалсафаси шаклланиб боради. Бу фалсафага кўра, дунёга ўт кетса кетсин, лекин айнан шу оловдан уларнинг қозони қайнаса бўлди. Жамоа манфаати, кўпчилик ғамида ёниб-қуйиш, ожизлар ва заифларга меҳр-муҳаббат, хайр-саховат деган тушунчалар уларга бегона бўлиб қолади. Шўро тузумидан ханузгача мерос сифатида сакланиб келаётган иллатлар шунчаки одам баданига ёпишган кир-чирлар эмас, агар шундай бўлганида, яхшилаб ювиниб олиш орқали улардан тезда холи бўлиш мумкин эди. Афсуски, у қонимизга сингиб улгурган, табиатимиз,

характеримизга таъсир кўрсатган, анча-мунча кишиларни ташаббускорликдан, ижоддан, яратиш, бунёдкорлик иштиёқидан маҳрум қилишга улгурган. Шўролар замонида ҳалол меҳнат қилганлар эмас, «йўлини топганлар» айшини сурганлар ва одамлар онгида бу вазият жуда оғир асорат қолдирди. Ҳаромдан кўркмайдиган кимса жамият учун ўта хавфли кишидир. Ҳаромдан кўркмаслик ёки жаҳолат, ёки мунофиқликдир.

Инсон иқтисодий мустақиллик масъулиятини ҳис қилмаса, ҳалол ризқ изламаса, ундаги бошқа барча яхши хулқлар, гўзал одоб ўз-ўзидан тароватини, самимиятини, қийматини йўқотади. Аммо, инсон топганини уйга ташигани, фақат бола-чақасининг қорнини тўйдириш дардида юргани билан ҳам маънавий юксаклик касб этмаслиги аниқ. Ҳар қандай ишда меъёр бўлгани тузук, чунки ҳар қандай фаолиятнинг меъёри, мезони, низоми бўлади.

Ўзидан, оиласидан орттириб, миллат хизматини гарданга олиш чинакам мардоналик белгисидир. Фақат унинг бир шarti бор. Мен миллат тараққиётигага хизмат қиляпман, шу сабабга кўра меннинг тирикчилигимни давлат таъминлаб қўйиши керак, деб даъво қилиш, ҳатто кўнгилдан ўтказиш ҳам маънавий ожизликка ишорадир.

Шахс ва миллат маънавияти бир-бирини ўзаро такозо этувчи ҳодисалардир. Президент фикрича ҳар бир шахс «Ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшаётганини маънавият билан туташади». Бошқачасига айтганда, шахс маънавияти воқелиқда миллат маънавиятидан ташқарида бўлмайди. Ҳар бир алоҳида шахс ўз мустақил маънавий дунёсига эга, миллат маънавияти эса, мутлақ маънода ушбу миллатга мансуб барча шахслар маънавияти асосида минг йиллар давомида шаклланиб боради. Шу билан бирга, воқеан ҳар бир шахс маънавиятининг шаклланивида миллат маънавиятининг таъсири етакчи мавқе эгаллайди. Миллат ўз маънавий бойлигини, аждодлар мероси ва кадриятларини қанчалик унутиб борса, вояга етиб келаётган янги авлод ҳам шу даражада манқуртлашади, ўзлигини танимайдиган, ўзгаларга таклид қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган даражага келади.

Миллий маънавиятнинг келажак авлодларга тўлақонли, мукамал етказилиши учун бош омил миллатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигидир. Миллатнинг йўлбошчилари — унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги етакчилари руҳиятидаги уйғун баркамоллик, Ватан ва халқ олдидаги масъулият ҳисси қай даражада эканлиги ҳам кўп нарсани белгилайди. Миллатнинг ўзлигини таниши унинг умумбашарий миқёсда ўз ўрни, мақом ва мавқеини, бурч ва масъулиятини қанчалик англаб етиши билан чамбарчас боғлиқ.

Маънавият дунёсида яратувчилик учун энг аввало эрк лозим. Қулликдан, қарамликдан озод бўлиш жараёни одатда руҳ эркинлигидан

бошланади. Руҳ эркинлиги эса ўзликни англашдан келиб чиқади. Инсон том маъноси билан шахс деб аталмоғи учун мустақил маънавиятга, яъни ўзи томонидан эркин белгилаб олинган мустақил камолот йўлига эга бўлмоғи керак. Аммо, шу билан бирга, дунёда ҳеч бир инсон ёлғиз ўзи мавжуд эмаслиги ҳам кундек равшан ҳақиқат. У табиат билан, ўзга кишилар билан чексиз боғланувчи ҳалқалар орқали туташ. Шу сабабли шахс эркинлиги ва мустақиллигини бурч билан уйғунлаштирмай, ҳар қандай мутлақлаштиришга уриниш эса гумроҳликка олиб борувчи йўлдир.

Ҳар бир инсоннинг табиатда ҳам, жамиятда ҳам муайян ўз ўрни, шунга яраша вазифаси бор. Фақат инсонга уларни танлашда мълум бир эркинлик берилган. Ирода эркинлиги ана шу ўз йўлини ўзи танлай олиш ва ўз маънавий дунёсини мустақил ярата билиш имконида намоён бўлади.

Ҳар бир инсоннинг мустақил маънавий дунёси нисбий тушунчадир. У ҳар бир оиланинг ўз яшаш жойи, хонадони ёки кўргони бўлгани кабидир. Бу кўргон ичида ҳам ҳамма жойдаги каби ҳаво, сув, одамлар, озиқ-овқатлар ва жиҳозлар мавжуд. Аммо, уларнинг жойлашуви, таомнинг тайёрланиши, ўзаро муносабат ва бошқаларда ўзига хослик, бошқа хонадонлардагига ўхшамаган жойлари, жиҳатлари бор. Бир хонадонда оддийроқ, одмироқ нарсаларни кўрсак, бошқасида сифатлироқ, ноёброқ ёки ғаройиброқ жиҳозларга кўзимиз тушади. Хонадон ва кўргонлар маҳалла ва мавзеларни, улар ўз навбатида катта бир шаҳарни ташкил қилганидек, турли шахслар маънавияти ўзаро уюшиб муайян тоифалар маънавиятини, булар эса охири бориб миллат маънавий дунёсини ташкил этади.

Давлат ва миллат тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бунга ҳамма билади. Аммо, ҳеч бир давлатда ягона миллат яшамайди. Шу сабабли давлат ва миллатнинг ўзаро боғлиқлиги доимо нисбийдир. Шу нисбийликда давлат мустақиллиги кўпроқ иқтисодий омил билан, миллат мустақиллиги эса маънавий омил билан туташдир. Мустақил маънавият миллат мустақиллигини, мустақил иқтисод эса давлат мустақиллигини таъмин этувчи кучдир.

Миллат маънавияти бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда ҳам тугал яралмайди, агар алоҳида фавқулудда чоралар кўрилмаса бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳам қийин. Шу сабабли сиёсий мустақилликнинг бой берилиши бирданига миллатнинг йўқ бўлишига олиб келмайди. Бироқ, шундай хатар мавжуд, муайян шароитларда баъзан ўта жиддий хавф туғилиши ҳам мумкин. Ўзбек миллати кейинги бир асрдан зиёд вақт мобайнида худди шундай жиддий хатар, таҳдид тазйиқида яшади...

Маънавий эътикод, илм, меҳр билан бўлади. Аммо, у, энг аввало, масъулиятдир. Илм ва эътикод инсонга маълум бир масъулият юкини юклайди. Шахснинг нафақат ўз оиласи, юрти, шу билан бирга ўзи ўқиган, ўқиётган, фаолият кўрсатаётган жамоа олдида ҳам масъулияти мавжуд.

Буюк аждодимиз Абу Наср Форобий «Фозил шахар ахлининг қарашлари» китобининг 26- бобида шундай ёзганди: «Ўз табиатига кўра ҳар бир инсон шундай тузилганки, у ўз мавжудлигини таъминлаш ва комил мартабага эришиш учун жуда кўп нарсаларга эҳтиёжи бор. Бу нарсаларни унинг бир ўзи ҳосил қила олмайди ва уларга эришиш учун муайян бир кишилик жамоасига эҳтиёж сезади. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзига ва ўзгаларга зарур бўлган бирон-бир маҳсулот, ашё ёки хизматни таъминлайди ва натижада ҳар бир кишининг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиш имкони пайдо бўлади». Шу маънода бундай жамоанинг ҳар бир аъзоси бир-бирига нисбатан бурчлидир.

Инсон барча мавжудотлар орасида хатти-ҳаракатларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Меҳнат ана шу хатти-ҳаракатларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган қисмидир. Тўғри, меҳнатга ўхшаш хатти-ҳаракатларни қалдирғочнинг ин қуришида ҳам, поллопонига балиқ тутиб келтираётган чорлоқда ҳам, ер қовлаётган юмронқозикда ҳам кўришимиз мумкин. Лекин, бу хатти-ҳаракатлар инстинккга асосланган.

Инсон меҳнати эса, ақл воситасида амалга ошади, у ўзи, яқинлари, ўз жамияти ва келажак авлоднинг яхши, фаровон яшашини учун меҳнат қилади. Меҳнатсевар инсон жамият аъзолари томонидан эъзозлангани баробарида, дангаса одам ижобий шахс сифатида қабул қилинмайди.

Буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба қор» («Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган машҳур ҳикмати бугун мустақил Ўзбекистон шароитида алоҳида аҳамият касб этмоқда. У юз талабаларни мадрасага қабул қилиш чоғида «Бирон касбнинг борми?» — деб сўраганлар. Хунарсиз одам ўқишга қабул қилинмаган. Бунинг сабабини Нақшбанд шундай изоҳлаган: «Агар киши хунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, бордию касби бўлмаса, билимни кун кечиришга сарфлайди, ҳалол меҳнатни унутади».

Баҳоуддин Нақшбанд, Жалололдин Давоний каби алломалар доимо меҳнатни улуғлаб келганлар ва ўз фарзандларига шундай насиҳат қилганлар. «Эй фарзанд, ўз насабингга, ота-бобонгнинг мартабасига, мансабига ғурурланиб илму хунар ўрганишдан зинҳор ору номус қилма, ота мансабига мағрур бўлиб, меҳнатдан қочма, илму хунар ўрганмай қолиш жоҳил ва нодон кишилар ишидир. Оқил ва донолар меҳнатдан қочмайдилар, илму хунар ўрганадилар. Шуни яхши бил, олий насаблик бўлсангу, ақл- донишинг ва хунаринг бўлмаса, ундан нима фойда?»

Маълумки, меҳнатдан асосий мақсад — эҳтиёжни қондириш. Лекин, бу эҳтиёжни қондиришнинг қай тарзда, қандай маънавий-руҳий шароитда амалга ошуви муҳим аҳамият касб этади. Фақат тор манфаатпарастлик нуқтан назаридан меҳнат қилиш, тинимсиз тиришиб-тирмашиш, меҳнатга пул топиш воситаси сифатидагина муносабатда бўлиш, табиийки, кишига маънавий қониқиш, ҳузур бахш этмайди; бундай «тиниб-тинчимас» одамда хушомадгўйлик, торлик, асабийлик, нолиш сингари ҳолатлар кўзга ташланади. Ўз касбини ёки меҳнат соҳасини севиб, чин дилдан ҳаракат қилган одам мажбурийлик эмас, ихтиёрийлик асосида иш кўради, меҳнатининг натижасигина эмас, жараённинг ўзи ҳам унга қувонч, қониқиш бағишлайди. Зеро, бундай ҳолларда меҳнатсеварлик замирида ўз манфаати билан биргаликда Ватанга, халққа, яқинларига хизмат қилишдек олижаноб мақсадлар ётади; ана шу мақсадлар инсонни «чумолилик» доирасидан кенгликка ва юксакликка олиб чиқади.

Болада меҳнатга муносабат даставвал оилада шаклланади. Табиийки, бу жараёнда ота-онанинг ўзи фарзандига намуна бўлмоғи лозим. Шунингдек, оиланинг ҳар бир ёш аъзосига муносиб юмуш буюриш, уни бажаришда кўмаклашиш, бажарилган иш ижросини текшириш, назорат қилиш билан бирга унинг аҳамиятини ҳам тушунтириш, болани ўз вақтида маънавий рағбатлантириш зарур. Шундагина болалар ишдан бўйин товламайдиган, ҳар қандай меҳнатдан қочмайдиган бўлиб вояга етадилар. Ота-онанинг фарзандлари таълим-тарбия олаётган таълим ўчоқларида тез-тез бўлиб туриши, уларнинг ўқиши, умумфаолияти билан кизиқиши, ўқитувчилар билан фикр-мулоҳазалар алмашиб туриши ўта муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнатсеварликни тарбиялаб боришда, уни кучайтиришда бугунги кунда рақобат алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, рақобат фақат моддий устунликнигина эмас, балки маънавий устунликни ҳам тақозо этади, яъни унда моддийлик ва маънавийлик тенг иштирок этади. Биз бошдан кечирган «социалистик» деб аталган тузум шахс меҳнатини кадрламаслик, меҳнатсевар билан дангасани тенглаштириш — уларга бир хил умумий ҳақ тўлаш, «ҳеч кимни камситмаслик» шиори остида иш кўриш сингари моҳиятан инсон табиатиغا зид қоидалар ва меъёрларга асосланган эди. У даврда ишламаган, дангаса одам аслида тиним билмай ишлаётган меҳнатсевар инсонни “еб” кун кўрарди.

Ўзбекистон истиклоли туфайли меҳнат яна эркин шахснинг ўзига ва атрофидагиларга индивидуал муносабатга айланди, моҳиятан «беш қўл баробар бўлсин» деган иқтисодий жиҳатдан тенглаштириш сиёсати барҳам топди.

Демак, оёқ-қўли бутун, эс-хуши жойида, меҳнатга лаёқатли кишилар ўз арваларини ўзлари тортмоқлари лозим бўлади. Бу хусусда Бобокалон китоб «Авесто»да (Видевдот, 3-фрагард, 28-банд) шундай қилган: «Эй, Спитама —Заратуштра! Кимки бу муқаддас Ерни соғу (ўнг) сўл қўллари билан, сўлу соғ қўллари билан (кўш қўллаб, астойдил) парвариш қилмаса, унга ер бундай дейди: «Эй, одам! Сен мени соғу сўл, сўлу соғ қўлларинг билан парвариш қилмаяпсан. Сен то абад бировлар остонасида емиш тилаб турасан. Худо ҳаққи шундоққина оғзинг ёнидан емишларни олиб ўтиб, (меҳнатига яраша) тўқ фаровон яшаётганларга беришади». Бугунги даврда нафақа, кўмак ижтимоий химояга ҳақиқатан муҳтожларгагина берилишини яхши англаб олмоғимиз даркор.

Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раванқ топишининг асосий шартидир».

## ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ ВА БУРЧИ

Бу ёруғ оламда ҳар бир инсоннинг ҳалол-поқ умр кечирishi учун атроф воқелик, яъни ижтимоий муҳит нисбатан мувофиқроқ ўқи номувофиқроқ бўлиши мумкин. Ҳалол ризқ топиш, ўзи ва оиласи иқтисодий мустақиллигини таъминлаш инсоннинг Шахс сифатидаги энг биринчи вазифаси бўлса, унинг иккинчи муҳим вазифаси ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш ишида иштирок этишидир. Ижтимоий ҳаёт бугунги шароитда ягона давлат худудида кўпчилик томонидан қабул қилинган ўз қонун-қоидаларига эга. Ана шу муайян мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида умуммиллий фаровонлик ва юксалиши йўлида фаол иштирок этиш вазифасини фуқаролик масъулияти дейиш мумкин.

Фуқаролик масъулияти ибораси мазмунини кенгроқ изоҳлашдан аввал фуқаролик тушунчасининг ўзи қандай жиҳатларни қамраб олишига эътибор қаратсак, муаммони англаш анча енгилроқ кўчган бўларди.

Шахснинг муайян давлат қарамоғида бўлиши, мамлакат ичиде ва ташқарисиде шу давлатга мансуб эканлиги, айнан шу мансубликни ҳуқуқий ҳужжатлар асосиде тасдиқланганлиги фуқаролик тушунчаси орқали ифодаланеди. Фуқаролик деганда, инсоннинг сиёсий ўқи сиёсий-ҳуқуқий томондан химояланиши ва қонуний манфаатларининг давлат ичиде ва ташқарисиде химояланиши англанади. Ҳар қандай жамиятнинг



демократик, ҳуқуқий давлат томон ривожланишида катта йўлни босиб ўтган фуқаролик тушунчаси башариятнинг улкан ютуқларидан бири ҳисобланади. У ёки бу мамлакатда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг муайян ҳуқуқлари, жамиятдаги ўрни Конституция, махсус қарор ёки қонунда белгиланганлиги ва уларга риоя қилиш барчадан талаб қилиниши фуқароликнинг жамият тараққиётидаги ижобий жиҳатидир. Шундай ҳолдагина фуқаролик ҳақидаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар — жамиятда бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, зўравонлик, қонунсизликка ўрин қолдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мавжуд жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги ижтимоий қоидаларга асосланади:

— мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар тили, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги;

— хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

— фуқароларнинг шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги;

— фуқароликни қай тарзда қабул қилинганлигидан қатъи назар, улар ҳуқуқий ҳолатининг бир хил белгиланганлиги;

— бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги;

— «икки давлат фуқароси» бўлиш қонун билан ман этилганлиги;

— фуқароликни олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал этилганлиги;

— ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда, болалар фуқаролигининг ўзгариши тартиби аниқ белгиланганлиги;

— фуқаролик масалалари бўйича ҳуқуқий актларни қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;

— фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартибининг аниқ-равшанлиги;

— фуқаролик бўйича халқаро шартномалар турлари, характери қонунда аниқ белгиланганлиги...

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришгач, фуқароликка дахлдор масалаларни аниқлаш жараёнида жиддий асослашни талаб қилган муаммолардан бири «икки давлат фуқароси» ёки «икки фуқаролик» мавзуси бўлганди. Яъни, ўзбек миллатига мансуб бўлмаган, аммо Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган баъзи шахслар ўзлари ёки аجدодлари аввал яшаган давлатнинг ҳам фуқаросига айланиш мақсадида шахсий, жамоавий хат, илтимослар билан турли давлат идораларига мурожаат қила бошладилар. Бундай аризаларга бошиданоқ рад жавоби берилди. Чунки, халқаро қонун-қоидалар ва анъаналарга биноан фақат истисно

тарикасида айрим шахсларга «икки фуқаролик» берилади. Кишининг ватани ва фуқаролиги аслида битта бўлади.

Ушбу масалага дахлдор яна бир муаммо шундан иборат эдики, «фуқаро» атамасининг этимологияси «фақир» сўзига бориб тақалади. Ва, шу сабабга кўра ушбу тушунчани тўла ифодалай олмайди, деган даъво, иддаолар билан боғлиқ эди. Лекин, жаҳондаги турли тиллар тарихи шундан далолат берадики, минглаб сўзлар замонлар мобайнида бутунлай бошқача, янги маъно касб этади (масалан, жунгли сўзининг дастлабки маъноси «хеч бир гиёҳ ўсмайдиган сахро», кибернетика — «денгизда кема бошқариш санъати» маънони англатган ва хоказо). Шу сабабга кўра ҳозир ўзбек тилидаги «фуқаролик атамаси рус тилидаги «гражданство» маъносида қўлланади.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш жараёнида эришган галаба, ютуқ ва муваффақиятларига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол иштирок этиш «фуқаролик масъулияти» тушунчаси орқали ифодаланади. Ушбу тушунча қадим замонларда давлатлар шаклланишига мутаносиб равишда пайдо бўлган. Аммо, фуқаролик масъулияти янги даврга қадар ҳамма макон ва замонларда кишиларнинг синфий, иркий, миллий, жисий, диний, ҳудудий ҳолатларига боғлиқ равишда, турли чекланишлар ёки имтиёзлар билан боғлиқ бўлган. Фақат XVII—XVIII асрларга келибгина Европа мутафаккирлари томонидан Курраи Заминдан бarchа кишилар ирқи, дини, миллати, жинси, яшаб турган ҳудудидан қатъи назар тенглиги, тенгсизлик эса инсон ҳаётига четдан, турли ижтимоий кучлар, ҳукмрон мафкура ва сиёсий система томонидан киритилганлиги асосан берилган. Кейинги асрлар мобайнида тенглик ғояси учун кураш ғояда кескинлашган. У, айниқса, Буюк француз инқилоби (1789 — 1793 й.)нинг «Озодлик, тенглик, биродарлик» шиорида ўз моҳиятини намойён этган.

Фуқаролик масъулияти — жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисмидир. Чунки, жамият ўз демократик тараққиётида фуқароларга тенглик, озодлик, биродарликни ҳаётий воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билангина чекланиб қолмайди. Жамият фуқаролардан мавжуд ҳуқуқлардан ижодий, жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда фойдаланишни ҳам талаб қилади. Айнан шу сабабга кўра жамият қанчалик демократик бўлса, уни ташкил этган фуқаролар масъулияти ҳам шу даражага мувофиқ жиддий ва кен камровли бўлади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистонда фуқаролик масъулиятини аниқлаш чоғида бу борадаги энг илғор халқаро тажриба ва назарияларга таяниб иш кўрилди.

Фуқаролик масъулияти масаласи ҳар бир даврда ўзига хос энг жиддий эътиборни талаб қиладиган вазифалардан бири ҳисобланади. Аввалги, шўролар давридаги фуқаролик масъулияти тушунчаси аввало социалистик жамият, марксча-ленинча идеология (мафкура), жаҳон социалистик системаси, ҳукмрон коммунистик партияга садоқат, хусусий мулкчиликни инкор этиш, жанговар атеист бўлиш, мустабид тузумнинг ижрочи солдатига айланиш сингариларни қатъий, сўзсиз талаб қиларди. Табиийки, ўша даврда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақида фикр билдириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, корхоналар ва мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги мулоҳазанинг ўзиёқ мавжуд системани ағдаришга қаратилган жиноят даражасидаги фикр деб баҳоланар ва зудлик билан тегишли чора-тадбирлар кўриларди. Демак, собиқ иттифок давридаги фуқаролик масъулияти ўз-ўзидан истибдод ва мафкура яккаҳоқимлигини мустаҳкамлашга ҳамда эркин тадбиркорликни бўғиб ташлашга йўналтирилган эди. Чунки, ЎзССР Конституциясининг 1- моддасидаёқ Ўзбекистон «социалистик умумхалқ давлатидир», 6- моддасида эса «Марксча-ленинча таълимот билан қуролланган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболлини ... белгилаб беради, совет халқининг ... фаолиятига раҳбарлик қилади ...» деб белгилаб қўйилганди. 10- моддага биноан «Ишлаб чиқариш воситаларининг давлат ва колхоз-кооператив мулки формасидаги социалистик мулклиги Ўзбекистон ССР иқтисодий системасининг негизидир... Социалистик мулкдан шахсий бойлик орттириш мақсадларида фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деган нормага амал қилинарди.

70 йилдан кўпроқ давом этган изчил ва мукамал ташкил қилинган коммунистик иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий тарбия ўз самарасини бермаслиги мумкин эмасди. Натижада, чоризм даврида босиб олиниб, мустахлаккага айлантирилиб, эзилган, деярли йўққа чиқарилган мустақиллик, озодлик, эркинлик ҳисси, тадбиркорлик шижоати совет замонида кишилар фикри ва фаолияти доирасидан янада узоқлаштирилди. Яқин ўтмишдан «мерос» мафкура, катта ёшлилар онги, турмуш тарзи, фаолият йўналишларига жиддий таъсир кўрсатган ва унинг баъзи бир асоратлари ҳамон янги истиқлол даври талабларига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш жараёнини сезиларли равишда сустрлаштириб, ижобий ўзгаришларни амалга оширишни секинлаштираётган салбий омиллардан бири кўплар томонидан фуқаролик масъулияти тушунчасининг янги маъно ва мазмунини англаб етмаслик ёки бу ўта жиддий масалага эътибор бермаслик, бепарқлик, лоқайдлик, боқимандалик, аввалги даврлардагидек юқоридан кўрсатма берилишини кутиб ўтиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ўрта ва кичик тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган фаолият, биринчи навбатда, ўтмишдан мерос нуксон ва сарқитларни бартараф этиш, фуқароларда янги жамият, мустақилликка нисбатан масъулият ҳиссини уйғотиш ва шакллантиришга йўналтирилган. Истибод даврида ҳукмрон социалистик тузум фуқароларнинг ҳуқуқий соҳада саводли бўлишини ортиқча даҳмаза деб ҳисобларди. Чунки, ўша даврда нима тўғри-ю, нима нотўғрилигини Конституцияда «Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги» сифатида белгиланган коммунистик партия ўзининг «инкилобий виждони» асосида ҳал қилиб қўя қоларди.

Мустақил Ўзбекистон фуқаролари ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англаган ҳолда яхши билишлари — таракқиётнинг зарурий шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий масъулиятларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яхши билган ва англаган ҳолда унга оғишмай риоя қилиш;

— қонунларга амал қилиш ва уларни бажариш;

— меҳнат интизомини сақлаш;

— жамоат бурчига виждоний муносабатда бўлиш;

— бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий негизи бўлмиш мулкнинг хилма-хил шаклларини мустаҳкамлаш;

— бошқа мамлакат фуқаролари эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, ўзлиги, ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

— ижтимоий бурчни ҳалоллик билан адо этиш;

— Ўзбекистон фуқароси деган юксак номга муносиб бўлиш.

II. Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масъулиятлар:

— Ватан қудратини ошириш ва уни ҳимоя қилиш;

— қонун асосида ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ.

Мустақилликнинг ўтган 22 йили мобайнида Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ўз масъулиятларини тўғри англаб, онгли, ихтиёрий равишда адо этмоқдалар. Албатта, бу хусусиятни ижобий жараён сифатида эътироф этмоғимиз даркор. Аммо, юқорида кайд этилган фуқароларнинг конституциявий масъулиятлари деярли шундай мазмунда собиқ СССР Конституциясига асосланган Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳам белгилаб қўйилганди. Масалан, 57- моддада «совет граждани деган юксак номга муносиб бўлиши шарт», 59- моддада «Ватанга

хиёнат қилиш — халқ олдидаги энг оғир жиноятдир», 66- моддада «Тарихий ёдгорликларни ва бошқа маданий бойликларни саклаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Ўзбекистон ССР гражданларининг бурчи ва вазифасидир» деган қоидалар белгилаб қўйилганди. У даврдаги фуқаролик масъулияти бутунлай бошқа, ҳатто бугунги ҳаётга мутлақо зид иқтисодий асос ва сиёсий системага хизмат қилишни талаб этарди. Буни юқорида иктибос келтирилган. 1, 6, 10- моддаларнинг ўзиёқ яққол исботлаб турибди. Бундан ташқари «Давлат мулки бутун совет халқининг умумий бойлиги, социалистик мулкнинг асосий формасидир» (11- модда), «Ўзбекистон ССР экономикаси СССР территориясидаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, тақсимот ва айирбошлашнинг барча бўғинларини ўз ичига олган яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисмидир» (16- модда) сингари конституциявий нормалар ҳукмронлик қилар эди.

Бугунги даврдаги фуқаролик масъулияти масаласининг янги жиҳатларига шунинг учун ҳам эътиборни жалб этмоқ лозимки, аҳолининг талайгина қисми собиқ СССР замонида шаклланган фикрлар, тушунчалар, эътиқодлар, таассуротлар таъсиридан халос бўла олмай, мустақиллик бу борада туб ўзгаришларни талаб этаётганини англашга қурби ёки хоҳиши етмай қолмоқда.

Мустақиллик шароитида фуқаролик масъулиятининг ҳар бир шакли ва соҳаси янги маъно-мазмун касб этмоқда. Истиқлол даврида Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг саъй-ҳаракати, меҳнати, интизоми, мулкка муносабати ва ҳоказолар СССР деб аталмиш тағ-тубсиз, бепоён бўшлиқда йўқ бўлиб кетмай, ўз Ота маконимиз, ягона Ватан — Ўзбекистон хазинасига қўшилади.

Одатда, кўпчилик ҳалол ризқ топиш ва оила ташвишларини ҳал қилиш вазифасини ўз гарданида деб билади. Аммо, фуқаролик масъулиятига кўп ҳам эътибор беравермайди. Бу ёруғ оламга келган барча болаларга унинг гўдаклик чоғлариданоқ аммаси, холаси, тоғаси, амакиси, хуллас барча қариндош уруғлари, кўни-қўшниси таништирилиб борилади. Лекин бизда негадир болаларга кичиклигиданоқ унинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги доимий равишда таъкидлаб турилмайди. Шу сабабдан бўлса керак, аксарият одамлар, кимдир жамият тараққиёти учун бош котирияптими, демак, бизга иш қолгани йўқ, деб ҳисоблайдилар. Давлат бошлиғи (у шоҳми, султонми, президентми — қатъи назар), турли даражадаги амалдорлар, қозилар (судьялар), яъни давлат ва жамият ишларини бажариш бевосита мансаб вазифасига қирувчи шахсларга жамиятни такомиллаштириш масъулияти ҳам тўлиқ юклаб қўйилади-да, жамиятнинг бошқа аъзолари «ўз бола-чақа ташвиши, рўзгор ғамида» юраверадилар. Бу ҳам бир жамият.

Бирок, фукарлар руҳида ижтимоий фаоллик, масъулият бўлмаса, — бу жамиятнинг комиллик даражаси Форобий орзу қилган «Фозил одамлар шаҳри» ва бугунги идеал «фукаролик жамияти» талабларига мутлақо жавоб бера олмайди. Бундай жамиятда сайловлар ўтказилиши, парламент ташкил топиши, давлат ва ҳукуматнинг турли даражадаги арбоблари сайлаб қўйилиши мумкин. Лекин, бундай жамиятнинг оддий сайловчиси сайловда номзоди қўйилган бир неча арбобдан қайсиси ўзи даъвогарлик қилаётган ўринга энг муносиб эканлиги ҳақида воқеликка мос ва мантиқий далилланган ўз хулосасига эга бўлмайди. Демак, бундай шароитдан давлатнинг масъул макомларига кимлар сайланиб қолиши кўпинча тасодиф орқали ҳал этилади. Бу натижага турли сиёсий уйинлар орқали ҳам эришиш мумкин бўлиб қолади.

Агар яхши ва муносиб киши сайловда ютиб кетса, элнинг омади, аммо шундай бўлмаса-чи? Яна кўпчилик, «ўз бола-чақаси ғамидан, турмуш ташвишидан» бошқасини ўйламаган одамлар бошларига кулфат тушса, у ёки бу амалдорнинг «адолатсизлигидан» шикоят қиладилар, замондан, раҳбарлардан нолийдилар, кимлардандир нажот кутадилар. «Мен шу кунгача фақат ўзимни ўйладим-ку, жамият қаёққа кетаётгани билан бир пуллик ишим бўлмади-ку, энди биров мени ўйлаши керак деб даъво қилишга нима ҳақким бор?» — деб ўзларига савол бермайдилар.

Охириги беш аср давомида бошимизга тушган савдоларнинг сабаби ҳам айни шу ҳолатда яшириндир. Маҳдуми Аъзам, Хожа Аҳрор сингари аждодларимиз маънавий етук кишининг сиёсатга фаол аралашувини жоиз топган эдилар. XVII — XVIII асрларда, яъни Европа ва Америка халқлари ижтимоий-сиёсий соҳада фаоллашган даврда Ўрта Осиё халқлари «ижтимоий-сиёсий танбаллик»ка, ҳаракатсизликка берилганлар. Ўз болаларини ҳам сиёсатга аралашмаслик руҳида тарбиялаганлар. Натижа эса маълум. Шу сабабли ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг юрт истиклолини мустаҳкамлаш, миллат тақдирига куюнчаклик билан муносабатда бўлишига эришиш орзусида тиниб-тинчимаган Юртбошимиз ҳар бир маъруза, ҳар бир суҳбатида бизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаолликка, ижтимоий ҳамкорликка ундамоқда.

Кейинги йилларда Ғарбда кенг тарқалган бир назарияга кўра одамлар масъулият нуқтаи назаридан икки тоифага бўлинадилар. Биринчи гуруҳга ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар сабабчиси, масъули деб фақат ўзларини тасаввур қиладиганлар киради. Улуғ аждодимиз Сулаймон Боқирғоний таъбири билан айтганда:

*«Сенинг ёдинг агар кетса тилимдан,  
Вужудим қақшаюр, вайрондин ортиқ.  
Маним хор бўлмишим ўз гафлатимдан,  
Агар қилсанг назар, эҳсондин ортиқ».*

Халқ ибораси бўйича эса, «Бошингга не бало келса, бировданмас. Ўзингдан кўр». Шу сабабдан ҳам бу тоифага кирадиган шахслар «Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, шу боис ўзим, оилам ва юртим учун ўзим жавобгарман» тамойилига асосланиб фаолият юритадилар. Иккинчи гуруҳдагилар барча воқеа, ходисалар сабабчиси ташқи омиллар, ўзгалар — ота-оналар, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, кўни-кўшни ва бошқалар деб ҳисоблайдилар.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи шаклдаги масъулият кўпроқ ўсмирларга хос экан, уларнинг деярли 84 фоизи масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойиллик билдирадилар. Америкалик олим Ж. Роттер ана шу асосда «назорат локуси» (жойи) тушунчасини илмий асослаб берган. Унинг фикрича, масъулиятни ўз зиммасига олишга ўрганган болаларда хавотирлик, нейротизм, асабийлашув, жаҳолат сингари салбий сифатлар кам учрайди. Улар ҳар кимнинг фикрига асосланиб, унинг ортидан эргашиб кетавермасдан кўп нарсани ўз карашлари асосида ҳал этадилар.

Яна шу нарсани қайд этмоқ лозимки, Ғарбда шахсий, Шарқда жамоавий масъулият кўпроқ тарқалган. Шу боисдан ҳам ўзингиз Эшматга бирор топшириқ берилса, «шу ишни Тошмат иккаламиз бажарамиз» деган эътирофларга кўп бора дуч келгансиз. Жамоавий жавобгарлик, масъулият кенг тарқалган жамоада аниқ, конкрет иш учун масъул шахсни топиш кўпинча анча мушкул бўлади. Аслида шахсий ва жамоавий масъулиятни бир-бирига қарама-қарши қўйиб ҳам бўлмайди. Бу ҳолатни янада аниқроқ англаш, тасаввур қилиш учун аксарият севиб томоша қиладиган футбол ўйинини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Керакли, қулай вазиятда ҳимоячи ҳужумга ўтиши мумкин, зарур ҳолларда эса ҳужумчи ўз жойини ташлаб, ҳимоячилар ва дарвозабонга кўмакка қайтади. Шахсий ва жамоавий масъулият бирлашган ҳоллардагина умумий мақсадга яқинлашилади.

Шахсий масъулиятни ҳис қилган болалар ҳаётга тайёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўладилар. Уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур, қадр-қиммат, эришилган ютуқлардан фахрланиш туйғулари ҳам юксалиб боради. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида ёшларда Ота Макон олдидаги бурч, ўз тақдири учун масъулият, оила, маҳалла, жамоа ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бурч, моҳиятан жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбуриятни англатади.

Конституцион бурч — Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган, фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган мажбурият-

лардир. Ўзбекистон фуқароларининг конституцион бурчлари қуйидагилардан иборат:

— барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар;

— Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур;

— фуқаролар Ўзбекистон халқининг, тарихий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар;

— фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;

— фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар;

— Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш мамлакат ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир;

— фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар...

Конституцион бурчлардан ташқари ноконституцион бурчлар ҳам бор (масалан, ота-онага ҳурмат, фарзандларга ғамхўрлик, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ва ҳоказо).

Бурч виждон, эътиқод, масъулият сингари тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Умуман олганда, инсоннинг ҳаётдаги ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси — бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Унинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи, зиёлилик бурчи сингари кенг камровли, барча замонлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, шифокорлик бурчи, журналистлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд.

Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан бири — унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти ҳисобланади. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собик Шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи мустақил Ўзбекистон шароитида ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳарбийлашган ва ўта мафқуралашган, яъни ягона мафқура ҳукмронлик қилган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожеий ҳодисага айланади. Ўта усталик билан йўлга қўйилган тарғибот-ташвиқот натижасида бундай жамиятлар аъзоларининг кўпчилиги «фуқаролик бурчи»га асосланиб оқни — қора, қорани — оқ деб қабул қиладилар. Бундай ҳолатни умумбашарий ва миллий қадриятларни



оёкости қилган бешафқат шўролар социализми ёки Германия фашистларининг миллий социализми яққол исботлаб берди. Бу жамиятларда бир-бирини пойлаш, ота-онаси ёки кўни-кўшнилари устидан чақимчилик қилиш, у ёки бу ҳолатдан норози бўлганлар хусусида тегишли органларга зудлик билан маълумот етказиш бурч даражасига кўтарилган эди.

Шўролар даврида бола-чақаси очдан ўлмаслиги учун режадан ташқаридаги бир қоп галлани давлатга топширмай яшириб қўйган ўз отасининг «жинояти»ни фош қилган кўрнамак, оқпадар Павлик Морозов деган бола миллий қахрамон сифатида улуғланган. Бошқалар эса ундан ўрнак олишга чақирилганди. Большевизм ва фашизмнинг бузғунчи ғояларга ишониб, алданган миллионлаб одамлар узоқ йиллар мобайнида виждон азобида яшадилар.

Демак, жамият қурилиши соҳасида волонтаризм, маъмурий-буйруқбозликка, тоталитаризмга йўл қўйилиши ўша жамият аъзолари томонидан бурчнинг нотўғри тушунилишига ва бунинг оқибатида баъзи ҳолларда беихтиёр, омилик туфайли, баъзан эса ихтиёрий-мажбурий равишда юз берадиган оммавий ахлоқсизликка олиб келади.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бундай вазиятда бурч туйғуси шахснинг кўпгина орзу-хоҳиш, майл-истакларига қарши ҳодисага айланади: уни ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этади. Масалан, Фурқат рус мустақиллашчилари мафқурасига хизмат қилганида, унинг ҳаёти роҳат-фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин, у Ватан олдидаги, миллат олдидаги бурчи деб муҳожирликнинг аччиқ қисматида дучор бўлди. Баъзи кишилар бурч туфайли ўз севгисидан, яхши кўрган нарсасидан ҳам воз кечишга мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги энг «қаттиққўл», энг «шафқатсиз» ҳисобланади.

Бурч билан бир тарафдан, кадр-қиммат билан иккинчи томондан боғлиқ номус тушунчаси ҳам бугунги кунда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шўролар даври қонунлари бекор қилиниб, янги мустақиллик даври қоидалари ҳали мустаҳкам бўлмаган ўтиш даврида айрим кимсалар қадимда юксак кадрланган ва қатъий амал қилинган номус туйғусига панжа орасидан қарай бошлайдилар. Мустақиллик — юртдаги беномуслар сонининг камайиб бориши натижасидагина мустаҳкамлана боради. Номус тушунчаси моҳиятан шахснинг ўз кадр-қиммати аниқлаб етиши, шу кадр-қимматининг жамият томонидан тан олинishi ёки олинмаслигига нисбатан бўладиган муносабати билан белгиланади.

Бирок, бу — номус кадр-қиммат тушунчаси билан бир хил маънога эга, дегани эмас. Чунки, кадр-қиммат шахснинг ўзидан бошқа одамларга

нисбатан ҳам камситилмаслигини, атрофдагилардан барча инсонлар тенг ҳуқуқлиги тамойилини ўзига нисбатан ҳам қўллашларини талаб қилади.

Президентимиз Қарорида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини бутун мамлакатимизда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган **“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилди.

Ушбу ғоят таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахру ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда.

**“Қадр-қиммат”** тушунчаси **“қадр”** ва **“қиммат”** деган иккита сўздан ташкил топган бўлиб, нафақат маънавий, балки юридик мазмунга ҳам эга. Яъни, Ўзбекистон фуқароларининг кадр-қиммати қонун ҳимоясида.

Шу икки сўз бирлашиб, **“жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин”**, **“ўзгалар томонидан бўлган ҳурмат”**, **“ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган, яъни баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз”** деган тушунчаларни англатиб келмоқда.

Номус эса ўз кадр-қимматини билишдан ташқари, ҳар бир шахснинг жамиятда алоҳида, ўзига хос тарзда эгаллаган манқеи ва шу манқени унга доғ туширмай сақлаш-сақламаслиги билан боғлиқ. Бу манқе эса, шубҳасиз, ўша шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, касби, ёши ва унга нисбатан бериладиган ахлоқий даража билан муайянланади. Масалан, уйимизга бир кун келиб оддий ишларни бажариб кетадиган мардикор билан донғи кетган машҳур бинокор-устанинг, вазир билан котибанинг, бобо билан набиранинг номус ҳақидаги тушунчалари турлича. Шу маънода кадр-қимматни номус тушунчасининг дастлабки босқичи, ибтидоси деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳоҳида номусни ор тушунчаси билан чалкаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин, аслида, ор, номусга нисбатан анча тор камровдаги, нисбатан залворсиз тушунча. Масалан, ориятли инсон деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, унга садақа тарзида қилинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам — ўз шаънига нисбатан айтилган қаттиқ-қуруқ гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаверадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган, сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир у — ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли тушунча. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан воз кечиши мумкин. Мустақил, эркин шахсларгина ўз номуси, оила номуси, миллат, юрт номуси деб қурашадилар. Номус ўзини ҳурмат

қилиш, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг хурматини йўқотмаслиги учун ўзини ўзи назорат қила олиш ҳиссидан келиб чиқади...

## ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ

Юқорида қайд этилганидек, айнан мустақиллик Ўзбекистондаги улкан табиий, минерал-хом ашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурслардан эл-юрт манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишга шароит вужудга келтирди. Айнан мустақиллик совет даврига мослаштирилган, янги давр тараққиёти талабларига мос келмай қолган иқтисодиётни ислоҳ қилишга улкан туртки берди.

Ҳар қандай мамлакатнинг шу юртда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши — иқтисодий мустақиллик тушунчаси орқали ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий мустақиллиги умумжаҳон цивилизацияси, давлат ва жамият қурилишининг халқаро тажрибалари, миллий анъаналар, ижтимоий кадриятларга асосланган ҳолда мустаҳкамланмоқда.

Иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг асоси — мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, унинг бир маромда мувозанатни сақлаган ҳолда тараққий этишидир.

Иқтисодий барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш бўйича қонунлар билан белгиланган муқаррар жараён ҳисобланади. У, биринчи навбатда, танглик ҳолатига барҳам беришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги мувофиқлик, мутаносибликка қонунлар орқали эришилади. Шундай ҳолда бозорда талаб билан тақлиф ўртасида қулай мувозанат юзага келади.

Жаҳон тажрибасида иқтисодий барқарорлаштиришнинг бир неча қўринишлари мавжуд:

1) монетар ёндашув пулнинг кадрсизланиш даражасини пасайтириб туришга, пул ҳажмини кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланади. Бундай ёндашув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, ишлаб чиқариш моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади;

2) ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, таркибий ўзгаришларни амалга оширади, иқтисодий номутаносибликларга барҳам беришга асосланиб ёндашади.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгач иқтисодий тарқатилган барқарорлаштиришнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл қуйидагилардан иборат:

- макронқтисодийда мувозанатни сақлаш;
- таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида давлат таъсирини мувофиқлаштириш ва юксак меҳнат интензивлигини таъминлаш;
- аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш;
- пулнинг қадрсизланишини тўхтатиб қолиш чораларини кўриш;
- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳолини барқарорлаштириш имкониятини яратиш;
- тўлов баланси ва давлат валюта резервлар ҳолатини яхшилаш, сўм курсининг барқарорлигини таъминлаш.

Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида шахс, миллат, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, руҳият, анъана ва қадриятлар тизими «миллий манфаат» тушунчаси орқали ифодаланади. Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар билан бирга, уларни яратиш, таъминлашни белгиловчи ижтимоий тизимга муносабатлар ва тамойилларга асосланган бўлади. Улар муайян миллат ва халққа мансуб алоҳида кишилар ёки бирор бир давлат фуқароси бўлган кишиларнинг шахсий манфаатлари билан узвий, ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода, у умумий манфаатлар мажмуидир.

Ҳар қандай фаолиятдаги кураш, рақобат ёки ҳамкорлик асосида манфаатлар туради. Манфаат барча кучларни доимий ҳаракатга ундовчи омил вазифасини адо этади.

Ҳар қандай жамиятда ҳар қандай одамни, биринчи навбатда, «манфаат жаноби олийлари» бошқаради, ҳаракатга чорлайди. Манфаат ўртага тушган жойда кўпинча «бир қориндан талашиб тушганлик» ҳам иш бермай қолади. Очигини айтганда, одамзодни, ҳар бир инсонни улар ҳаётининг барча босқичларида ахлокий ваъзхонлик, оила, мактаб, маҳалла, кенг жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот идоралари эмас, балки уларнинг ўзларини ҳам муайян изга солувчи кўзга кўринмас куч — жамиятнинг ҳаёт тарзи тарбиялайди. Бошқача қилиб айтганда, кишилар ўзларининг ҳаётий фаолиятларини ташкил этиш, уни йўналтиришда нималарга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлсалар, шундан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар. Демак, юқорида қайд этилганидек, бу ёруғ оламда барча одамларни фаоллаштирадиган ҳам, кишилар орасини «қил ўтмас»

киладиган ҳам, улар орасига «қора мушук» қўйиб юборувчи ҳам... хуллас, ҳамма нарсанинг ўқ илдизи «манфаат жаноби олийлари» ҳисобланади.

Биз ҳаётни улкан мотор деб фараз қилсак, манфаатни унинг энг ноёб, энг муҳим, энг керакли мурвати деб ҳисоблаш мумкин. Манфаат йўқолса, бутун бошли мотор ҳам ҳаракатдан тўхтаб қолади. Манфаат — ҳамма нарсани ўз ўрнига қўювчи, «қаловини топиб қорни ёндирувчи» ўзига хос «сеҳрли таёқча» ҳисобланади. У билан боғланмаган ҳар қандай эзгу ният ҳам «ҳаром ўлади». Унинг негизида йўқдан бор бўлади ва аксинча. Манфаат душманларни дўстга, дўстларни эса душманга айлантиради.

Меҳнатни муносиб баҳолаб, моддий рағбатлантириш орқали умуман иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш бевосита иқтисодий тафаккурга боғлиқ. Аҳолининг товар ва хизматларни харид эта олиш қобилияти қанчалик юксак бўлса (бу унинг ойлик маоши ва бошқа даромадидан келиб чиқади), жамиятда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари шунчалик яхши ривожланади, иқтисодий юксалиш юз беради.

Аксинча, аҳолининг асосий даромади кунини ўтказишга зўрга етса, у ортиқча истеъмол буюмларини харид қилолмайди, турли хизматлардан минимал даражада фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, бозорда талаб пасайиб кетишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайиш ўрнига, торайиб қолишига олиб келади. Ишчи ва хизматчиларга кам маош тўлаш дастлаб мулкдор (давлат, хусусий шахс, жамоавий мулкдор) учун фойдали бўлса-да, оқибат натижада зарарлидир. Чунки, ишлаб чиқариш, умуман иқтисодиёт ўсмай, ривожланмай қолади. Турғунлик эса, эртами-кечми, инқирозни келтириб чиқаради. Шу боисдан ҳам манфаат масаласи, меҳнатни муносиб моддий рағбатлантириш муаммосига алоҳида эътибор кун тартибидан ҳеч қачон тушиб қолмаслиги лозим.

Шахс фаолияти тўла-тўқис намоён бўладиган, унинг аслида ким эканлигини кўрсатадиган муҳим соҳа, шубҳасиз, меҳнат ҳисобланади. Фойдали натижалар келтирмайдиган, шахс манфаатларига зид мажбурий меҳнат унинг учун энг беҳуда меҳнатдир. Буни яхши англаган ўғри ҳам гўёки ихтиёрий равишда «меҳнат қилиб», «пешона тери тўкиб», жинояти фош бўлиб қолишдек таҳдид остида «ўлжасини» ўмаради. «Эл нонини туя қилаётган» баъзи амалдорлар ҳам, жамият, юрт манфаатларига зид бўлган, ўз эркига асосланиб «меҳнат қиладилар». Улар кимнингдир буйруғисиз ҳам нафс йўриғига асосланиб, «мустақил» равишда Ога Макон мустақиллиги ва миллий хавфсизлигига иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий таҳдидлардан бири бўлмиш коррупция ботқоғига ағанай

оладилар. Бунга ҳам ўзингиз керагича мисол келтира оласиз. Бундай кимсалар ўз «мустақиллиги, эркинлиги» ниқоби остидаги жиноятлари билан юрт мустақиллигини хавф остига қўяётганлари хусусида ўйлаб ҳам кўрмайдилар...

Иқтисодиётни ягона тирик жонга қиёслаш мумкин. Кўп жойларда ўз мансабига нолайик, масъулиятни ҳис этмайдиган, таъмагир амалдор, раҳбар касофатидан бир бўғинда ишларнинг барбод бўлиши, муттасил оқшаши бутун бошли ислоҳотлар механизмнинг бир жойда депсиниб қолишига олиб келиши муқаррар.

Биз иқтисодиёт ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Маънавиятдан Мосуво, фақатгина ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган, жамият манфаатларига зид ҳаракатларга мойил кишилар аслида иқтисодиётни таназзулга етаклайдилар. Иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам табиий равишда қашшоқлашади. Ўз навбатида, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди. Иқтисодиётнинг маънавият билан алоқалари жуда ранг-баранг ва мураккабдир.

Иқтисодиёт маънавият ривожланиши учун моддий шарт-шароитлар яратади. Иқтисодиёт эҳтиёжлари, талаблари маънавиятга нисбатан «буюртмачи» вазифасини ўтайди. Иқтисодиёт ва маънавият реал инсон эҳтиёжларидан, жамиятнинг аниқ вазифаларидан ажралиб қолсалар, ўз мақсадларини белгилашда адашиб кетадилар. Бундай ҳолларда иқтисод иқтисод учун, фақат фойда олиш учун бўлиб қолади. Ушбу мақсадга, гўёки, бутун жамият ҳам, алоҳида инсон ҳам бўйсунishi. Маънавият эса иқтисодиётнинг мафкуравий хизматкорига, чўрисига айланиши лозим бўлиб қолади. Бошқачасига айтганда, инсон камолотидан, жамият ривожланишининг аниқ вазифаларидан, мақсадларидан ажралган иқтисодиёт маънавиятни инкор қилади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти, «Бозор муносабатлари етим-есирларининг, қария ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин... Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини нутиш гуноҳ бўлади» дея огоҳлантирганди.

Ва, аксинча, конкрет инсонни ўйламайдиган маънавият ҳавойи, сароб, мавҳум идеалларга интилади, нафс ва хирсени инкор этиши баҳонасида, аслида, иқтисодий ривожланиш, тараққиётни инкор этади, ҳатто ўзининг энг кескин қўринишларида зоҳидлик ва таркидунёчиликни оқлайди. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт ва маънавият ўртасидаги мавжуд зиддиятларни доимий равишда юмшатиб бормоқ лозим. Чунки, иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, эқли ва жонидир. Бу икки жиҳат — инсоннинг қўш қаноти. Бамисоли жон билан жасад. Иқтисодиёт

ва маънавият бир-бирисиз мукамал вужуд қарор топа олмайди. Маънавият — инсонни ҳайвондан фарқлаб турадиган олий кадрият. У — инсоннинг инсонийлигидир. Бинобарин, инсон ҳаёти — маънавиятнинг бош масаласи. Иқтисодий жабҳадаги ютуқларни, моддий дунё ашёларини санаш, ўлчаш, тарозига солиб кўриш мумкин. Лекин, маънавият даражасининг тўғридан-тўғри ўлчови йўқ. Фақат, у юксалтириш ёки инкирозга юз тутяптими — шуни сезиш мумкин, ҳис этиш мумкин. Тушқун ҳолатнинг олдини олса бўлади, аммо уни ростлаш, юксалтириш эса ўз-ўзидан бўладиган осон иш эмас.

Одам жамиятдан фақат ўмаришни ўйласа, шахсий манфаатдорлик элу юртга наф келтириш асосига қурилмаган бўлса, шахс хатти-ҳаракатлари охир-оқибатда Ватанга хиёнат ё қони зиён бўлиб чиқса — буларнинг барчаси маънавий муҳитнинг бузилганлигидан далолат беради.

Исломот таълимотига биноан, Аллоҳ инсонни қуйидаги уч жиҳат билан яратган:

- ҳайвонлик хусусияти;
- шайтонлик хусусияти;
- фаришталик хусусияти.

Таассуфки, баъзи кишилар батамом ҳайвонийлик домида қолиб кетадилар. Тузоқдан чиқишга уринмайдилар ҳам. Улар ҳаёт деган улугъ неъматни фақат еб-ичишу, кайфу сафо, айш-ишрат, ҳузур-ҳаловат, ётиб-туришдангина иборат деб биладилар. Нафсининг қулига айланиб, ҳайвоний эҳтиёжларини қондириб, лаззатланишдан ўзга ишга ярамайдилар. Нафсонийликнинг талай иллатлари бор, нафснинг ҳам тури кўп. Шарқнинг буюк мутафаккирлари нафсонийликни бевосита ҳайвонийлик билан боғлаб изоҳлашлари ҳам бежиз эмас.

Яна бир тоифа кишилар нафс йўлида шайтонийликни ишга соладилар ва кечаю-кундуз қинғирлик, фирибгарлик, товламачилик билан машғул бўладилар. Улар ўз шахсий манфаатлари йўлида инсофли, самимий, соддадил одамлар меҳнати, номи ва иззат-нафсини уялмай-нетмай, бемалол қурбон қилиб кетаверадилар. Энг ёмони шундаки, улар ўз шайтоний ишларини уддабуронлик, тадбиркорлик, ақллилик маҳсули сифати баҳолайдилар, тўғри йўл топиб, ҳалол меҳнат орқали турмуш кечираётганларни эса гўлу гумроҳ, ландовур деб биладилар.

Шу боисдан ҳам бобоқалон китоб «Авесто»да сўздан қайтиш — диндан, имондан қайтиш деб ҳисобланган. Қундалик ҳаётда бу ижтимоий-ахлоқий тушунча ҳар бир масалада келишувга, аҳдлашув ва битимга татбиқ этилиши мумкин бўлган. Битим бузилишининг энг олий даражаси Ҳақ — Худо билан инсонлараро аҳднинг бузилишидек гуноҳ деб баҳоланган. Бу эса гуноҳнинг катта-кичиги бўлмайди, деган гап эди.

Видевдот китобида (4- фрагард, 1- банд) шундай дейилган: «Ўзгадан қарз олиб, уни қайтармаслик киши молини ўғирламоқдир. Бундай одам қўшнининг молини ўзиники қилиб уйда қанча муддат сакласа, у шунча муддат ўзгалар молини (тинимсиз) кеча-кундуз ўғирлаш билан шуғулланган кабидир». Бундайларга бепарволик, лоқайдлик билан муносабатда бўлиш қораланган. «Авесто»да (Гох, 46- Ясна, 5- банд) «Ўз ҳаётида мустақим бўлган ҳар бир қудратли Ашаван — Ҳақиқат аҳли имдодга муҳтож бўлган бир дурванд (гумроҳ, нопок) девпарастни иссиқ қабул қилиб, хоҳ илохий амрлар билан, хоҳ диний панду насихатлар билан огоҳлантириши ва тубанликдан қайтариб олиши мумкин», деб ҳисобланган. Фирибгар, товламачилар тоифаси «Ўз мақсадларининг қулларига айланган ва ҳақиқатга ишонмайдиган кимсалар ростликдан юз бурадилар, порсолардан жирканадилар, танланган зотларни — азизларни хор тутадилар. Улар ўзлари билан-да жангу жадалдадилар» (Гох, 53- Ясна, 8- банд), деб баҳоланган.

Хайриятки, учинчи бир гуруҳ инсонлар ҳам бор. Улар инсонни Аллоҳнинг энг буюк асари, икки дунё хилқати деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ҳар бир хатти-харакатларида ана шу юксак маънавий эътиқод руҳи акс этиб туради. Инсон деган ном, улар назарида, поклик рамзи сингари муқаддасдир. Бу дунёда бировга ёмонлик қилмай, бошқанинг ҳаққига хиёнат қилмай, ризқига кўз олайтирмай, фариштадек покликка интилиб яшаш мумкин. Очигини айтганда, жамият ҳам ана шундай фариштасифат инсонлар билан нафас олади. Дунёдаги асл моддий ва маънавий бойликлар ана шундай танти, ҳалол, қаноатли, камсуқум, хуллас, юксак маънавиятли инсонлар пешона тери эвазига яратилаётганлиги ҳам сир эмас. Бундай инсонлар хусусида «Авесто»да (Фарвардин қасидаси, 154- банд) шундай ёзилган: «Қаерда бўлмасин ашаван (фазилатли, эзгу, тўғри) эр ва ашаван аёллар руҳониятини олқишлаймиз. Бу эр ва аёллар ўз эзгу эътиқодлари билан Ашах — Ҳақиқат саодати учун ғайрат кўрсатдилар, ғайрат кўрсатяптилар ва ғайрат кўрсатадилар». Ундай зотлар фақат ўзларинигина эмас, ёвузлик ботқоқига ботганларни ҳам поклайдилар, аниқроғи покланишга, эзгуликка даъват этадилар, ҳозирги давр тилида ифодалайдиган бўлсак, тарғиб-ташвиқ қиладилар. «Охират мукофоти умидида Энг Яхши ниятларни доноларга ва нодонларга; шахриёрларга ва шахарвандларга баён қиламиз, токи оламини обод айлаб, унга файз бағишласинлар. Ҳар бир аёл ё эр ўзи дуруст ва яхши деб билган нарчасига амал қилишлари ва бошқаларни ҳам огоҳлантиришлари ҳамда улар ҳам ўша нарсага амал қилишлари керак» (Гох, 35- Ясна, 4,6- бандлар), деб ҳисобланган.

Дунёдаги энг катта бойлик — Инсоннинг ўзи! Шу боис юртимизда иқтисодийetni ўнглашда инсон омили, маънавий-маърифий ишлар



самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Агар биз эртага бугунгидан яхшироқ, фаровонликда яшашни истасак, бугун кечагидан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаримиз даркор. Муаммо ечимининг бошқа йўли йўқ.

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим соҳаларидан бири — иқтисодиёт ва маънавиятнинг уйғунлигини таъминлашдир. Президент фикрича: «Биз иқтисодий ўнглиниш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнглиниш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга асосланиб курашимиз ва уни тўла татбиқ этамиз... Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу».

Иқтисодий ислохотлар ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ижтимоий тузум ёки жамиятда зарурий эҳтиёж ҳисобланади. Бироқ, бу жараён маънавий ислохотлардан ажратиб олинган ҳолда юз берадиган бўлса, жамият тараққиётини тўла таъминлаган деб бўлмайди. Ислохот Каримов нуқтаи назарига кўра: «Бозор муносабатларига ўтиш кўр-кўрона эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, аввало, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин. Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг неча минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган. Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ».

Иқтисодиёт моддий тушунча, ахлоқийлик эса маънавий категория бўлса-да, мана шу икки ҳолатни уйғунлаштирмай туриб, юртимизда янги жамият қуриш мумкин эмаслиги юқоридаги Президент томонидан илгари сурилган ғояда гоят кескин даражада қўйилган.

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро таъсири, юқорида қайд этилганидек, анча мураккаб ва ранг-баранг. Меҳнат билан ахлоқ туташмаса, иқтисодий муносабатларда маънавият масалалари, хусусан инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технологик қарашлар устунлик қилса, ишлаб чиқаришнинг ўсишига қарамай, инсоний муносабатлар таназзулга учрайди, бегоналашув кучаяди. Бундай вазият эса оқибат натижада ижтимоий-иқтисодий таназзулга олиб келиши мумкин.

«Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» номли маърузада Ислом Каримов томонидан қуйидаги ғоя илгари сурилган: «Барчамиз бир ўткир ҳақиқатни яхши англаб олмақдамиз. Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илгор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас».

Таъкидлаш жоизки, бундан 22 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Оддий хўжалик совуни ёки гугурт ҳам юртимизга бошқа мамлакатлардан олиб келинарди. Бугун эса “Made in Uzbekistan” белгисига эга минглаб турдаги товарлар, маиший-техника воситалари, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларимизни тўлдириб, юзлаб хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматига эга маҳсулотларни қўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига туғри келмоқда.

Бу, аввало, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одамлар эркин нафас оладиган жамият барпо этилганидан далолатдир. Бир пайтлар ўзининг хусусий корхонаси ёки ўз ерига эга бўлиш тугул, уйда чопон ёки дўппи тикишга ҳам чўчиган ҳамюртларимиз бугун тадбиркорлик, хунармандчилик билан эмин-эркин шуғулланмоқда. Хориждан ҳамкорлар топиб, ўз товарини ўзи сотмоқда.

Одатда, иқтисодий ўсиш бўлмаса, халқ фаровонлиги юксалмаса, маънавиятнинг кўп соҳалари ривожланмайди: халқ таълими, санъат, оммавий ахборот воситалари, илм-фаннинг моддий базаси ночор аҳволга тушиб қолади, жамият аъзоларининг, айниқса, зиёлиларнинг ижодий изланишлари сусаяди. Айнан шундай вазиятда эса турли шакллардаги мафкуравий муросасизлик, мутаассиблик тарқалиши учун имкониятлар пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожланиши учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради, чунки, иқтисодиётнинг янги технологияларга, янги ғояларга бўлган эҳтиёжлари етарлича қондирилмайди. Иқтисодий тафаккур давр талабларидан ортда қоли

бошлайди. Инсонпарварлик, ҳалоллик етарлича ҳисобга олинмаган жойда иш берувчи билан ишга ёлланувчи ўртасида ижтимоий ҳамкорлик эмас, карама-қаршилиқ, зиддият, антогонизм вужудга келади.

Ижтимоий ҳамкорлик — миллий истиқлол мафқурасининг энг асосий ғояларидан бири ҳисобланади. У турли ирқ, дин ва этносларга мансуб кишилар ҳамда табақа ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлигини ифодалайди. Миллий истиқлол мафқураси тизимида ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг мустаҳкам ўрин эгаллаши жаҳонда, юртимизда ташкилот ва ижтимоий қатламлар, иш берувчилар ва ёлланувчилар, турли институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш зарурати билан изоҳланади. Ижтимоий ҳамкорликка эришилган тақдирдагина жамиятда тинчлик ва тотувлик, барқарор таракқиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Албатта, бундай даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Турли манфаатларга асосланган ғояларни илгари сурган кучларни бир мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушкул вазифа. Лекин, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсади айнан ижтимоий ҳамкорликни тақозо этади.

Ушбу мақсадни янада теранроқ англашга аждодлардан мерос бир ибратли ривоят кўмак бериши мумкин:

Ривоят қилишларича, бир отахон тонг коронгусида остонасида кимдир йиғлаётганини эшитиб қолибди ва:

— Кимсан? Нега йиғлаяпсан? Муддаонг нима? — деб сўрабди.

— Мен Омадман, — дебди йиғлаётган кимса. — Мен сенинг хонадонингда узоқ йиллар қолиб кетдим. Бошқалар эса мени тўхтовсиз ўз уйларига чақирмоқдалар. Энди улар ҳузурига кетмоқчиман. Шунга рухсат берсанг. — Майли, — дебди отахон, — сен биз билан узоқ яшабсан. Демакки, оиламиз аъзосига айланибсан. Рози бўлсанг, бошқалар билан ҳам бир маслаҳат ва машварат қилсам, кенгашсам.

Отахон шундай дея уйга кириб, аёлига бўлган воқеани айтиб берибди.

— Начора, — дебди бағрикенг аёл. — Балки у ҳам зериккандир. Қолаверса, Омаддан бошқалар ҳам умидвор. Биз неки орзу қилган бўлсак, барчасига эришдик. Бундан буёғига омаднинг бўлиши жуда ҳам шарт эмас. Майли кетаверсин, рухсат, — дебди.

Ўғил ҳам Омаднинг кетишига рухсат берибди. Гал келинга келганда, у жавоб беришга ошиқмабди.

— Отажон, яратганга минг қатла шукур. Бизга Омад келгани боис барча орзу-ниятларимизга эришдик. Энди бу ёғига биз уни зўрлаб олиб қололмаймиз. Омад шундай қарорга келган бўлса, майли кета қолсин, бироқ бир шартим бор: у бизнинг аҳиллигимизни ташлаб кетсин, — дея жавоб берибди.

Отахоннинг жавобини эшитган Омад, боягидан қаттиқроқ йиғлай бошлабди. — Сенга рухсат тегди, яна нега йиғлаяпсан? — сўрабди мўйсафид.

— Келининг менга жуда оғир шарт қўйибди. Ахир аҳиллик бор жойдан қандай қилиб кета оламан? — дебди Омад ва бир умр шу оилада қолишга аҳд қилибди...

Ота Маконимизда илк давлатчилик асослари шаклланганига ҳам 3 минг йилдан зиёд замонлар ўтди. Улкан хонадонимизда аҳиллик сақланган даврларда Омад бизни доимо қўллаб келди. Аксинча бўлган замонларда эса эшигимиз остонасида аҳиллик пайдо бўлишини пойлаб ўтирди. 1- Уйғониш ҳисобланмиш Сомонийлар замони, 2- Уйғониш Амир Темур ва Темурийлар даврида Омад биз билан бирга яшади. Юртда уруғ-аймоқчилик муносабатлари, бошбошдоқлик тантана қила бошлагандан сўнг Омад жуда узоқ муддатга Турон, Туркистон, Ўзбекистонни тарк этди. Омад биздан юз ўғиргач, миллий менталитетимизнинг ўзак илдизларига болта урилди. Болтанинг сопи эса минг афсуски, ўзимизники эди. Темурийлардан сўнг XVI асрдан бошлаб бир неча давлатга парчаланган эл орасида субутсизлик, ёлғончилик, тилёғламалик, мутелик, кўрқоклик сингари иллатлар пайдо бўла бошлади. Халқимиз ижтимоий, сиёсий, маънавий, мафкуравий мўлжалларини йўқотиб, одамларда хақиқий хавф билан ваҳима, гина билан адоват, дўст билан душман ўртасидаги фарқни илгаш ва англаш салоҳиятлари сезиларли даражада камайди. Ички душманлар гинани адоватга, хушёрликни ваҳимага, дўстни душманга айлантиришга эриша бошладилар. Ташқи душманлар эса, бир қарашда ишониб бўлмайдиган даражада оз куч, яъни бор-йўғи бир неча минг аскар билан бутун Марказий Осиёни босиб ола бошладилар. XVIII асрда Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ 30 минг лашқари билан юртимизни забт этган. XIX асрда бостириб келган рус империяси қўшинлари сони бир неча минг кишидан иборат бўлгани ҳолда биргина Бухоро амирлигининг 40 минг, Қўқон хонининг 30 минг аскарлари мавжуд эди. Лекин, ўша оз сонли қўшинга эга душман ички парокандалигимиз, гоёвий бирликка эриша олмаганимиз, тарқоқлигимиз сабабли Ота Маконимизни инглиз, французларникидан фарқ қиладиган ўзига хос мустамлака — «рустамлака»га (ибора бизники — Б. И.) айлантирди. Шундан сўнг аждодларимиз руҳидаги лафзи қатъийлик, орият, нафсоният сингари фазилатларга қарши узоқ давом этган мунтазам кураш бошланиб кетди. Ярим асрлик чоризм тутқун, 70 йиллик шўролар мустамлакачилиги сиёсати халқ характеридаги салбий иллатларни ривожлантиришга бор кучини сарфлади. Иложи борица фикрламайдиган, кўрқок, лаббайғўй, итоаткор кишилар тарбиясига асосий эътибор қаратилди...

Бутун XX аср мобайнида сўзда байналмилалчиликни тарғиб этиб, амалда аҳиликка қарши уруш очган СССР деб номланган салтанатдан Омад юз ўгирди.

Аср интиҳосида У яна Ўзбекистон аталмиш хонадонимизга кириб келди. Бугун XXI аср ибтидосида ҳуқуқий демократик давлат ва жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда 3- Уйғониш даври бошланди. Аҳиллик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик сари қадам босганимиз, фикрлайдиган, тафаккурга таянадиган комил инсонлар тарбиясига киришганлигимиз туфайлигина Омад бизга яна кулиб боқди. Унинг бугун умумий уйимиз, ягона Ватан — Ўзбекистонда қолиш-қолмаслиги эса яна барчамизга боғлиқ бўлиб қолди.

Собик СССР замонида якка ҳукмронлик мафқурасига асосланган коммунистик партия томонидан амалга оширилган ижтимоий ҳамкорлик, аҳилликка қарши тўхтовсиз тарғибот-ташвиқот оқибатида атрофимиздаги олам фақат оқ-қора бўёқларда тасвирланган. Миллат амалда бир-бирига қарама-қарши бойлар — камбағаллар, «қизиллар» — «оқлар»га ажратиб ташланди. «Ёт синфлар», уларнинг «думлари», уларга хайрихоҳлар қатагонлар домига тортилиб, жисмонан йўқ қилинди. Шўролар мафқурасида синфий манфаатлар, ҳукмрон партия талаблари умуминсоний гоёлардан устун қўйилган эди.

Ўзбекистонда истиқлолга эришилгач, тарихдан сабоқ олган ҳолда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида яқин ўтмишда кенг тарқалган иллатларга барҳам бериш жараёни бошланди. Яъни, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини пароканда қиладиган, фуқаролар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга чек қўйила бошланди. Бунда, энг аввало ўзимизга душман қидиришга, жамиятни турли қисмларга бўлиб юборишга йўл қўйилмади. Бизда бу — партократ, ана униси — коммунист, буниси — диндор, буниси эса даҳрий деб, ўзаро маломатлар ёғдириш ва оқибатда зиддиятлар, тўқнашувлар йўлидан борилмади. Аксинча, ўтмишдаги хатоликлар учун ҳам, халқимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳам барча бирдек жавобгар, масъул эканлигини, мавжуд муаммоларни фақат ҳамжиҳат бўлиб, ҳамкорликда бартараф эта олиш мумкинлигини тўғри англаб етдик. Айнан шу сабабга кўра Ватан ва эл-юрт манфаатлари йўлида бирлашиш, бор кучларни уйғунлаштириш, эҳтиросларга берилмай, мавжуд имкониятлардан ақл-идрок билан фойдаланиш йўли танлаб олинди. Оғир-вазминлик, мулоҳазакорлик, маслаҳат ва машварат, собитқадамлик, андиша, узокни кўзлаб тадрижий асосда кенгашиб иш тутиш доимий ҳаракат тамойилига айланди.

Бугунги мустақил Ўзбекистон ижтимоий плюрализм, ҳаётнинг барча жиҳатларини эркинлаштириш, мулкнинг турли шакллари тенг ҳуқуқчилигини ҳуқуқий кафолатлаш йўлидан собитқадамлик билан

одимламоқда. Бундай жамиятда эса турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар бўлиши муқаррар. Уларнинг ўз иқтисодий ва сиёсий манфаатлари, интилишлари, мақсадлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Лекин, бу ҳолат миллатни, жамиятни бўлиб юборишга хизмат қилмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсат ўзгаришларни турли инқилобий кескинликларсиз, ижтимоий адоватни авж олдиришга йўл қўймайдиган ижтимоий адолатга асосланиб, ижтимоий ҳамкорлик ва тинч-тотувлик, барқарорлик учун мустахкам асос, замин яратмоқда. Албатта, ижтимоий ҳамкорлик жамиятдаги барча кишилар, партиялар, тоифалар бир хил фикр юритсин, деган маънони англатмайди. Аслида ҳар бир ижтимоий кучнинг дунёқараши, эҳтиёжлари, манфаатлари, ғоялари турлича бўлади ва бинобарин, улар бир-биридан фаркланади. Лекин, улар учун умумий йўналиш, мақсад ягона Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлиб қолаверишига эришиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлаган, шунга мувофиқ ўз дастурини эълон қилган, парламентда ўз фракцияларига эга бўлган сиёсий партиялар ҳамда жамоат ташкилотлари ўз ваколатлари, фаолиятлари доирасидагина аъзолари, тарафдорлари манфаатини ҳимоя қилишлари мумкин, холос.

Бироқ, умумий манфаат — шахс, жамият, Ватан манфаати сингари энг олий кадрятлар мавжудки, барча сиёсий партиялар, ғоялар, мафкуралар ана шу умумий асосларда ягона мақсад йўлида бирлашади. Жамият, эл-юрт кимнинг қайси сиёсий партия ёки ҳаракатга мансуб бўлганига қараб эмас, эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида қилаётган амалий ишларига қараб баҳо беради.

Шундай қилиб, жамиятни сунъий равишда бўлиб ташлаб, турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлари мутлақлаштирадиган таълимотлардан фаркли ўларок, ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли партия, дин, табақа, гуруҳларга мансуб жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-барангликни уйғунлаштиради ва умумий тараққиёт манфаатларига бирлаштиришга хизмат қилади.

Бу қандай шаклларда амалга оширилади?

Биринчидан, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғоягина омма онги ва қалбига сингиб миллий тараққиётни янада тезлаштирувчи кучга айланади.

Иккинчидан, жамиятдаги ҳар бир гуруҳ ёки ижтимоий тоифа ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий феолиятини миллий ғоя ва мафкура билан уйғунлаштириши миллий тараққиётнинг заруратиغا айланади.

Учинчидан, ҳар бир шахс ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида акс эттирадиган миллий ғоянинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий принципи-гамоибли ҳисобланади.

Аҳолининг турли қатламлари орасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликни ижобий жиҳатдан барқарорлаштириш ўз навбатида жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви мавжуд барқарорликнинг ҳам бузилишига олиб келади, ижтимоий адоват, беқарорлик, сиёсий бошбошдоклик ва миллий парокандаликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолат халқ тилида «қош кўяман деб, кўз чиқариш» деб аталади. Яъни, юртимизга нисбатан ахборот урушини олиб бораётганлар, турли вайронкор ғоялар домига тушиб беқарорлик учоғига мой куйганлар «ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади» дейилгани каби иш тутаётганларини англаб ета олмайдилар. Улар ўзга, бузғунчи ғоялар раҳнамолари томонидан ишлатиб «суви сиқиб чиқариб» бўлинган. улоқтириб юборилади, ўзлари ёққан оловнинг қулига айланишлари ҳам ҳеч гап эмас. Буни истиқлолнинг 22 йили мобайнида юртимиз бир неча бор дуч келган турли террорчилик, бузғунчилик фожеалари ҳам яққол исботлаб турибди. Қолаверса, ўзингиз ҳам керагича мисол келтира оласиз.

Ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барчанинг биринчи галда, зиёлилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Барчамиз ижтимоий ҳамкорлик муҳитига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хуруж, таҳдид, хавф-хатарнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғимиз даркор. Бу айниқса иқтисодиёт соҳасига дахлдор. Чунки, аҳолининг маълум бир қисми онгида, аввалгидек камбағалчилик — яхшилик, бойлик — ёмонлик, қорхона ёки ер эгаси ёлланувчиларни эзувчилардир, деган тушунчалар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш субъектлари (ёлловчилар ва ёлланувчилар) ўртасида ижтимоий ҳамкорликни қарор топтириш мақсадида мулкчиликнинг жамоавий турлари — концернлар, ҳиссадорлик жамиятлари, компаниялар... — ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида, тараққиётнинг ўзбек моделига ҳақиқатдан ижтимоий ҳамкорликка таяниш учун шарт-шароит яратмоқда.

Ижтимоий ҳамкорлик нафақат ёлловчи ва ёлланувчи ўртасида, шунингдек, мулкнинг турли шакллари, катта ва кичик бизнес ўртасида ҳам у ёки бу кўринишда қарор топиши мумкин ва лозим. Бозор муносабатлари, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро қатъий ишончга, шеригини ҳар қандай шароитда доғда қолдирмасликка.

фирибгарлик, қаллоблик қилмасликка асосланади. Тадбиркорларнинг бир-бирига ёки қўл остида ишлайдиган ходимига, ишчисига берган ҳаттоки оғзаки ваъдалари юридик тасдиқланган шартномадан кам кучга эга эмас. Тадбиркор маҳсулот етказиб берувчи шеригидан белгиланган вақтда келишилган миқдорда ҳам ашё ёки бутловчи қисмларни ёхуд бошқа зарур маҳсулотларни олишига имони комил. У қўл остидаги хизматчиси ёки ишчиси берилган топшириқни ўз вақтида ва сифатли бажаришига шубҳа қилмайди.

Аслида, ишонч бугунги дунёдаги энг кимматли капиталга айланиб бормоқда. Ишонч бўлмаган жойда эса шубҳа, гумонлар кучаяди. Масъулиятсиз шахс, табиий равишда, ишончсиз шахсдир. Ишонч — инсон фаолиятининг доимий ташаббускори, тинимсиз ҳаракатларининг рағбатлантирувчиси бўлиши билан бирга одамзодни муаллақ холдан, ёлғизлик ва унинг азобидан қуриқлаб турувчи ўзига хос восита ҳамдир.

Ғарбнинг маълум фалсафий оқими асосида инсон бу дунёга ташлаб кетилган ва бинобарин, унинг ўзидан ўзга ёрдамчиси ҳам, халоскори ҳам йўқ, деган қараш шаклланган. Эҳтимол, одамзоднинг ўзидан ўзга таянчи йўқ, деган қараш Ғарб дунёсининг Шарққа нисбатан моддий-техникавий жиҳатдан илгарилаб кетишига сабаб бўлган ўнлаб, юзлаб омиллардан биридир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган Ўзбекистонда эса бу борадаги Ғарб тажрибасини ўрганиш ва ҳаётда қўллаш эҳтиёжи мавжуд. Аслида Ғарб тажрибаси дея баҳолаганимизнинг илдизи аслида қадимий Шарқ заминига бориб қадалади. Бобокалон китоб «Авесто»да лафзи ҳалоллик, сўзнинг устидан чиқиш, шартномага амал қилиш масалалари энг олий қадрият эканлиги таъкидланган. Уни бузганлар жиноятчи ҳисобланган ва мавжуд қонун-қоидаларга асосан жазоланган. Видевдотнинг 4-фрагарди айнан шу ахлоқий-фалсафий масалага бағишланган: «Агар киши сўз бериб тузган битимини бузса, бунинг гуноҳидан қандай қутулиш мумкин?»

Ахура Мазда («Мутлақ оқил зот») деди: — «Бундай кишининг гуноҳи унинг ўзи ва уруғидан бўлган 300 киши томонидан ювилмоғи лозим» (6- банд).

«Агар киши сўз бериб тузган битимини бузса, унинг жазоси қандай?»

Ахура Мазда деди: — «Уни уч юз марта от қамчиси билан савалансин, уч юз марта новда (итоат қамчиси) билан урилсин» (13- банд).

«Ғаровга ўртага одам кўйилса-ю, битим бузилса-чи?»

«От қамчиси билан тўққиз юз марта, шунга марта хивчин билан урилсин» (17- банд).



«Агар одам (экин) даласини гаровга қўйиб тузилган битимни бузса, гуноҳига жазо недир?»

«От қамчиси билан минг марта зарба берилсин. Минг марта хивчин билан урилсин» (18- банд).

Бугунги давр кишилари бундай қадимий, адолатли жазоларни хазм қилишлари анча мушкул. Биз ҳам битимни бузганлар саваланиши тарафдори эмасмиз. Лекин, ҳар қандай ёлғончилик, гуноҳ, жиноят қонунга биноан жазоланмоғи шарт. Биз ҳозирги даврда шартномаларни вақтида бажаришни, ўзаро тўловларни муддатида амалга оширишни ҳали уддалай олмаёмиз. Ўз иериги ва ишчисини алдаш, ваъдабозлик, ёлғончилик ҳолатлари маълум даражада давом этмоқда. Чунки, бу борадаги ҳуқуқий ва ахлоқий онг, иқтисодий тафаккур ҳозирча анча заиф. Корхона ва ишбилармоннинг обрўси, ҳалоллиги, ишончли шерик бўла олиши, иқтисодий этика меъёрлари ҳозирча бизда корхонанинг, тадбиркорнинг фаолияти, аҳволи, даромадига таъсир этувчи омил даражасига кўнгилдагидек кўтарилмаган. Ривожланган мамлакатларда ишончсиз шерик деган баҳонинг ўзиёқ корхона синишига олиб келади. Ноҳалол шерик деган баҳо олган киши бизнесда ортиқча ишлай олмайди. Бизда бўлса, ҳозирча айрим «тадбиркорлар» фақат гирромлик, алдаш, шеригини доғда қолдириб ўз даромадларини ошириш йўлидан бормоқдалар.

Тўғри, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ янгича қараш, хатти-ҳаракат, воқеалар силлиқина, текис йўлдан ривожланади, деб бўлмайди. Ҳозирча бозорни ўзича тушунадиган, унга фақат тор шахсий манфаатлар кўзи билан қарайдиган, жамият, халқ, Ватан, Истиклол манфаатини нупутиб қўядиган, гоҳида мавжуд қонун-қоидаларни писанд қилмайдиган кимсалар ҳам етарлича топилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлида муаммолар кўп. Бу йўлда ўз шахсий манфаатини тикиштирадиган, порахўрлик, тадбиркорлар ҳисобига боқимандаликни ўзига қасб қилиб олаётганлар ҳам бор. Аммо, юртимизда қонун интизоми, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия кучайиб боргани сайин бундай иллатларнинг томири ҳам қиркилиб бораверади. Биз маданий, чуқур ҳуқуқий асосларга таянган бозор муносабатларига эришиш йўлида ҳали анча-мунча тер туқишимиз лозим. Бу ҳам 22 йиллик мустақил тараққиёт йўлимизнинг жиддий ҳулосаларидан биридир.

## **ҚАДРИЯТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ МАСАЛАСИ**

Макон ва замондаги нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар, жамият, моддий ва маънавий бойликлар аҳамияти биргина «қадрият» тушунчаси

орқали ифодаланади. Ғарб дунёсида кадриятлар «Аксиология» фани томонидан ўрганилади. Ушбу атамани ўзбекчага «Қадриятшунослик» сифатида таржима қилиш мумкин.

Қадриятлар ўз табиатига кўра, ижтимоий-тарихий характерга эга. Ижтимоий тараққиёт жараёнида улар ўзгаради, такомиллашади ёки қадриятлик хусусиятини йўқотади. Шу сабабга кўра қадрият тўғрисидаги таълимотлар ҳам такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар бир даврнинг ўзига хос қадриятлари мавжуд. Инсон миясига, қалбига бузгунчи гоёлар воситасида сингдирилган «қадриятлар» янги даврга мос келмай қолиши ҳам шу ҳолат орқали изоҳланади. Шўро замонида миллий қадриятларга, инсон омили, унинг кадр-қиммати масаласига беписанд муносабатда бўлиниши натижасида аксарият кишиларда шаклланиб қолган ўзини улкан давлат машинасининг бир зарраси, мурвати сифатида тасаввур қилиш ҳиссиёти ханузгача тараққиёт йўлига ғов бўлиб келмоқда.

Бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган, тараққиётга ҳалал бераётган яна бир муаммо борки, ундан ҳам тезроқ воз кечиш лозим. Яъни, инсон жамиятдаги ўз ўрни ва қадрини тўғри тушуниб, англаб, билиб олмоғи даркор. Айнан кадр сўзи, туйғуси асосида «қадрият» атамаси шаклланган. Кўпчилик қадрият сўзини ўзича англайди, унга ўзига хос тарзда ёндашади. Шу боис, бу ўринда биз «қадриятлар» тушунчасига қисқача изоҳ бериш фойдадан холи бўлмаса керак деган хулосага келдик.

Қадриятлар дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, маърифат, ҳақиқат, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмуи тушунилади.

Қадриятлар ўзининг моҳияти ва хусусиятига кўра бир неча турларга бўлинади. Унинг муҳим турларидан бири табиий қадриятлар бўлиб, унга инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган табиий шароитлар: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради. Улар яна иқтисодий (меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш қуроллари, моддий нёмаглар...) қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик...) қадриятлардан иборатдир. Илмий-фалсафий, бадий, диний гоёлар ва бошқа шу кабилар маънавий қадриятларни ташкил этади. Яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингарилар эса ахлоқий қадриятлардир. Эстетик қадриятлар ҳақида сўз юритганда, биринчи навбатда, барча табиий ва ижтимоий гўзалликлар кўз олдимизга келади.

Моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг омили бўлган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Умуман кишилар маънавий оламининг шаклланиши ва тараққиёти. уларнинг маънавий бойиши учун кадр-қимматга эга бўлган барча нарсалар маънавий кадрлар дейилади. Улар инсон фаолияти. меҳнати, яратувчанлиги, ижодкорлигининг маҳсули ҳисобланади. Масалан, рассом, журналист, шоир, файласуф, физик ва бошқа шу каби соҳалар вакиллари илмий тадқиқотлар, олам ҳақидаги асарлар муаллифлари сифатида маънавий кадрларни яратувчилардир. Бундай ижодий жараёнда улкан ақлий кучлар сарфланади, тафаккурнинг эски андозалари бартараф этилади. Олимлар фикрлари, шоирлар кечинмалари. илмий кашфиёт сирлари предмети — моддий тусга кирар экан, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари ҳам бунга сафарбар этилади. Яратилган буюмлар оддий эмас, балки маданият предметлари, маънавий ишлаб чиқариш предметлари, буюмлари сифатида юзага келади. Уларда билимнинг асослари, инсоний муносабатлар тажрибалари гавдаланади. бизнинг онгимизга гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги тасавурларни олиб киради. Уларнинг кадрлар сифатида эъзозланишининг сабаби ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, маънавий кадрлар — кишилар маънавий фаолияти маҳсули, билим, ҳаёт, қараш, малакалар самарасидир. Ҳақиқий маънавийлик фақат жонли инсоннинг онгида, унинг тафаккуридадир. Бошқа маънавий кадрлар эса инсон фаолиятининг натижаси бўлиб, маънавийликнинг меҳнат маҳсулотларига, моддий шаклга кўчгани ҳисобланади.

Кишилар ишлаб чиқаришни шунчаки эмас, балки ўз моддий эҳтиёжларини қондириш, истеъмол қилиш учун ташкил этадилар. Моддий кадрлар кишилар эҳтиёжини қондириб, моддий хоссалари ва моддий шаклига кўра ўз аслини сақлаб қолади. Масалан, автомобиль, телевизор, радио ва бошқалар шундай хусусиятга эга. Мана шу моддий шакл йўқолса, маҳсулотнинг моддий харақати тўхтайдими, яъни фойдасиз бўлиб қолади. Машина юрмаса, телевизор кўрсатмаса, радио гапирмаса ... улар моддий кадрлар бўлмай қолади.

Маънавий ишлаб чиқаришда бошқача манзарага дуч келаамиз. Бинобарин, маънавий кадрлардаги асосий нарсалар — предметлик эмас, балки моддий шаклга кирган маънавий мазмундир.

Одатда, «бойлик» деганда одам кўз ўнгида кўпинча моддий нарсалар гавдаланади. Моддий бойликлар кишининг атрофидаги, ёнидаги нарсалар, предметлар холос. Маънавий бойликлар эса инсоннинг ўзидаги — онгидаги тушунча, хусусиятлардир. Айтайлик, дастурхон устида бир ликопча эндигина узилган турли хил мева-чева турибди. У — моддий бойлик. У истеъмол қилиниши билан тугаб битади. Лекин, деворда худди шу манзаранинг — бир ликопча тоза узилган мева-

чеванинг буюк бир рассом ишлаган сурати — натюморт осилган. Бу манзарани томоша килган ҳар бир киши, албатта, унда маънавий, эстетик дид шаклланган бўлса, бундан завқ-шавқ олади. Бундай завқ-шавқнинг чегараси йўқ. Бировнинг иштаҳаси карнай бўлиб кетиши мумкин. Кимдир шундай мевалар битадиган Она заминда дунёга келгани учун фахрланиб, унинг Ота Маконга мухаббати янада жўш уриб кетар...

Бироқ, бу билан маънавий бойликнинг қуввати, заррача бўлсин, камайиб қолмайди. Кайтанга, бир инсон кўнглида тугилган маънавий илҳом маҳсули бўлмиш санъат асари яна қанча кишилар кўнглига маъно юқтиради. Шунини унутмайликки, девордаги мевалар тасвирланган суратдан завқланиши учун аввало, ўша одамнинг қорни тўйган бўлиши керак. Бу эса маънавият ривожининг иқтисод равнақиға чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Маънавий кадрятлардаги асосий хусусият — моддий шаклга кирган маънавий мазмундир. Масалан, китоб, картина, мусиқа асари бизни ташқи кўриниши билан эмас, энг аввало, уларда қандай мазмун ифодаланганлиги билан қизиқтиради. Бундай ҳолат маънавий кадрятлар, улардаги информацион ўзига хос маъно ташувчи хусусиятларни фаҳмлаш орқали эришилади. Масалан, шеъриятдан завқланиш учун уни ўқишнинг ўзигина етарли эмас, балки шоирнинг туйғулари, фикрлари, кечинмаларини англаш ҳам лозим. Тасвирий санъатни тушуниш учун санъатдаги шартлиликнинг моҳиятини аглаб етиш даркор, бунингсиз мусаввир ўз бошидан кечирган ҳолатни тасаввур этиб бўлмайди...

Рассом ҳам оламни бошқаларга ўхшаб мушоҳада этади, унга ўз муносабатини билдиради. Бироқ, «кўрган»ини, кечирганини, кузатишларини ҳамма ҳам моддийлаштира олмайди, бунинг учун, яъни ранглар билан ижод қилиш учун алоҳида қобилият, иқтидор бўлиши лозим. Мусиқачи учун таланти бўлишдан ташқари яна ривожланган туйғу, чуқур эшитиш қобилияти ҳам зарур.

Томошабин, ўқувчи, мусиқа ихлосмандларида санъат ва фан арбоблари даражасидаги ижодий малака етарли бўлмайди. Шу сабабли, улар асарнинг сиртки кўриниши ортида маънавийликнинг энг умумий жиҳатларини кўра олишларида қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Дунёга машҳур мумтоз опера ва балет санъатидан завқлана билиш эса ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Айрим ёшларда Шарқу Ғарбда машҳур ҳамюртимиз Муяссар Раззоқова ижро этган арияларни англашдан кўра рок, реп жанридаги «қўшиқ»ларни тушуниш осондек туюлади. Аниқроғи, олди-кочди қўшиқларни «тушуниш» учун алоҳида тайёргарлик унчалик ҳам шарт эмас. Маънавиятли, маърифатли,

маданиятли шахсларгина санъат конуниятларини ўзга одамларга нисбатан чуқурроқ англаб, улар моҳиятига етиб бора оладилар.

Мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей, коллежларда олиб бориладиган таълим ва тарбиянинг маъноси ҳам маънавий кадриятларни идрок этиш, ахборот истеъмоли маданиятини тарбиялашга йўналтирилган, билимларнинг асосий соҳалари билан муомала қила олиш малакасини шакллантиришни назарда тутади. Моҳиятан, таълим-тарбия маънавий кадриятларни ўзлаштириш йўли ҳамдир.

Кўпинча аждодлар меросига таяниш масаласи кўтарилганда айримлар, боболар-момолар қандай фаолият кўрсатган бўлсалар, биз ҳам ўша йўлдан боришимиз керак, деб ҳисоблайдилар. Аслида, биз мероснинг ҳаммасидан эмас, ХХI асрга ҳам, мустакил Ўзбекистон тараққиётига ҳам хизмат қиладиган кадриятга айланган қисмидангина фойдаланмоғимиз даркор. Яъни, бизга аждодлар томонидан берилган, мерос қолдирилган анорнинг пўчоғини ташлаб юбориб ёки уни керакли, айтайлик, бўёқчилик соҳасига ажратиб қўйиб, ейиш мумкин бўлган қисминигина истеъмол қилмоғимиз лозим. Чунки, ўша боболаримизнинг ўзлари бизга шундай ўғитларни мерос қилиб қолдирганлар.

Яхшиси, улуғ аждодлардан бири Мавлоно Жалолиддин Румийга кулок тутганимиз маъқул: «Агар отангдан сенга сохта олтин қолган бўлса ва уни тоза бир олтинга алмаштириш имкони туғилса, алишмайсанми? Ёки отангдан чўлоқ бир кул мерос қолса-ю, уни даволаш мумкин бўлса, ҳаким ва дори-дармон топилса, сен ногиронликни афзал кўрасанми? Бу отамдан қолган, уни ўзгартиришни истамайман, дейсанми? Ақлли ва соғлом туйғули киши бундай демайди. Ахир Аллоҳ сенга отангнинг ақлидан бошқа ақл, дунёқарашидан ўзга дунёқараш ва ниҳоят, яхшини ёмондан фарқлаш хусусиятидан фарқли хусусият берган. Сен уларни ишлат ва йўқликка судраган эмас, балки тўғри йўлга элтувчи ақлга риоя қил.

Масалан, ит... султоннинг қўлида овга боришни ўрганади. Ота-онасидан ўрганган, кўрган нарсаларини — тўғри келган ёмон жойларда ётиб юришни, топган ўлимтигини еб кетишни унутади. Қирғий ҳам шундай: Султоннинг тарбияси остида ов санъатини ўрганади, ўлимтик ейишни бас қиладди. Кўринадикки, ҳатто парранда-ю ҳайвон ҳам ёмондан яхшини ажрата оляпти ва иккиланмасдан ўргатилган яхшини қабул этипти. Ақл ва тамизда ҳаммадан устун бўлган инсоннинг бу хусусдаги сусткашлиги жуда ёмондир». Демак, ҳар даврнинг ўзига хос кадрияти бўлади. Ўтган замоннинг баъзи кадриятлари янги замонга мос келмаслиги, ҳатто янги давр тараққиётига тўсиқ бўлиши ҳам мумкин.

Кадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатда ва шахснинг ўз хулқини тартибга солишида ижобий роль ўйнайди. Ўз кадр-қимматини

вилаш шахснинг ўзини ўзи назорат қилиши бўлиб, унинг ўз-ўзига нисбатан талабчанлиги ана шунга асосланади.

Ўз-ўзини ҳурмат қилиш кўп жиҳатдан шахснинг тақдирини белгилловчи ғоят муҳим хислатдир, чунки, у инсонни камситадиган, ерга урадиган, хўрлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгида ўз кадр-қимматини йўқотишига сабаб бўладиган қилиқларга йўл қўймайдиган тўсиқдир. Ўз иззат-ҳурматини билмасдан туриб маънавий бойликка етишиш, элда кадр-қиммат топишни тасаввур қилиш қийин. Кадр-қиммат инсонни энг юксакка кўтарадиган, унинг фаолиятига, бутун ишларига олижаноблик бағишлайдиган маънавий тушунча ҳисобланади.

Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати инсонга туғилганидан бошлаб тегишли, ажралмас ва кўчириб бўлмайдиган номоддий неъмат бўлиб, инсоннинг маънавий дунёсини таърифлайди. Сиёсий-ҳуқуқий нуқтан назардан фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги сингари такрорланмайдиган бойликдир.

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаш ҳуқуқининг эътироф этилиши Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг инсон ҳуқуқлари соҳасида дунё стандартларига мос эканлигини билдиради.

Шаън — бу жамиятнинг шахсга баҳоси, жамият аъзоси сифатида фуқаро ижтимоий-маънавий хусусиятларининг ўлчовидир. Жамиятнинг шахсга берадиган баҳоси тўғридан-тўғри фуқаронинг ўзига боғлиқдир, чунки унинг шахси давлатга ва жамиятга, ўзини ўраб турган инсонларга муносабати ҳамда баъзи бир ҳаракатлари ва умумий фаолияти асосида шаклланади. Ҳар бир инсон доимий бўлмаган ўзининг ижтимоий баҳосига эга, чунки шахснинг ижтимоий мавқеи ва мақоми унинг содир этган ҳаракатларига қараб ижобий ёки салбий томонга ўзгариши мумкин. Яъни, одам, кимларнингдир ғаразли мақсади тузоғига илиниб ёки ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини англамаган ҳолда ўз шаънига ўзи доғ тушириб қўйиши ҳам мумкин. Ёки бўлмаса, аввал жамият, жамоа муаммоларига бефарқ, лоқайд бўлган шахс бунёдкор ғоялар таъсирида фаоллашиб, ўз ижтимоий мавқеи ва мақомини юксалтира олиш имкониятига эга.

Кадр-қиммат — ўзининг жамоа ва жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятига, дунёкарашига қараб ўзини ўзи ички баҳолашдир. Шахснинг кадр-қиммати унинг жамиятдаги обрўсини тавсифловчи объектив инсоний сифатлар йиғиндисига асосланади. Булар: маълумоти ва билим савияси, жамиятда тутган ўрни, жамиятда умум эътироф этилган хулқ-атвор қондаларига риоя қилиш даражаси, дунёкараши, ахлоқий кўникмалари, маданият ва хоказолардан иборат бўлади.

Шахсий хусусиятларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолаш ҳар доим хусусий, индивидуалдир. У жамоатчилик баҳоси билан тўғри келиши ёки келмаслиги мумкин. Шу билан бирга, шаън ҳам кадр-қиммат ва жамоатчилик баҳоси сифатида, ҳам ички шахсий баҳо сифатида ўзаро боғлиқ ҳодисалардир. Улар жамоатчилик ва шахс ўртасидаги маълум бир ижтимоий алоқани акс эттиради. Шу муносабат билан шаън ва кадр-қиммат катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг бузилмаслиги қонун билан кўрикланади. Айнан шу сабабга кўра одамнинг ўзини «кичкина киши», фақат буюрилган ишларни қилиш лозим, ҳамма муаммоларни унинг ўрнига давлат ҳал қилиб беради деб ҳисоблаши ўта зарарли тушунчадир.

Нима бўлишидан қатъи назар, ўз кадрини билган киши, албатта, кадр топади. Агар бир бутун бир эл ўз кадрини юксак тутса, жуда катта гап бўларди. Элимизнинг минг йиллардан буён ҳаётда ўз тасдиғини топиб келаётган “Ўз кадрини билмаган киши ўзгаларни ҳам кадрламайди” деган ўғити бор.

Ривоят қилишларича, бир подшоҳ вазири ва навкарлари билан юргини айланиб юриб, ногаҳон катта йўл четида ухлаб ётган икки жулдур либосли, кир-чир гадо болага кўзи тушиб қолибди. Подшоҳ вазирига ўша заҳоти буйруқ берибди: – Гадоларнинг ўнг томондагисини эл олдида ибрат учун қатл этилсин! Навкарлар вазир ишораси билан ўша гадонинг қўл-оёқларини боғлаб, отга ўнгарибдилар. Бироз йўл босилгач, вазир журъат этиб, ҳукмдорга юзланибди: – Шоҳим, мени қийнаётган саволга ўзим ҳеч жавоб топа олмаяпман. Агар малол келмаса, нега икки гадодан фақат бирини жазога буюрганингизни изоҳлаб берсангиз. Подшоҳ жавоб қилибди: – Агар бироз эътибор берганинг ва фаросатингни ишга солганингда бундай саволга ҳожат қолмасди. Тўғри, уларнинг иккиси ҳам бирор фойдали юмуш билан шуғулланиш ўрнига гадолик қилиб юрибдилар. Чап томондагиси жазоланмаганлигининг сабаби шуки, у тагига латту-путта ва хазонларни солиб олиб ухлаётган эди. У гадо бўлса ҳам ўз кадрини англаган. Бу унинг келажакда тузалиб, хозир шуғулланиб юрган ҳунарини ташлашидан нишона. Ўнг томондагиси эса шундоқ тупроққа беланиб ётган эди. У ҳатто ўз кадрини билмайди.

Ўзбек халқининг ноҳақ жабр кўриб, қатл этилган улуг фарзанди Абдурауф Фитрат шундай ёзганди: “Ҳиммати ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир”. Демак, миллат, шу миллат вакили ҳимматли, саботли, курашчан бўлмоғи лозим.

Агар одам ўзини ўзи ҳурмат қилмаса, яхши кўрмаса, кадрламаса уни ҳеч ким кадрламайди. «Фақир киши панада» деб ётиб олганларни ўзга чакқонроқ кимсалар депсаб ўтадилар, агар у энгашган ҳолда, фақат

оёги остига қараб бугуннинг гамидагина тирикчилик қилаётган бўлса, бошқалар унга миниб олишлари мумкин. Бошини тик, қадрини баланд кўтарган, эркин, мустақил кишиларни баъзилар ёмон кўрсалар-да, бирибир улар билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Агар одам ўз ҳаётини фақат бошқалар ихтиёрига ташлаб қўйса, унинг ўз фаолиятининг мақсадига мувофиқлиги, ўз меҳнати билан муносиб турмуш шароитини яратиш мумкинлиги ҳақидаги тасавури сўниб қолади.

Инсон, шахс фақат том маънода мустақил, эркин бўла олгандагина у миллат бунёдкорига ҳам айлана олади. Инсоннинг эркинликка бўлган ишончи ва эътиқоди унинг ижтимоий-амалий ҳаракатини белгилаб беради. Масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, шахснинг ўзи қандай эркинликни хоҳлайди, унинг эркинлиги жамият манфаати билан уйғунми, ана шу истакларнинг қандай аҳамияти бор?! Эркинлик унинг учун идеалми ёки реалликми?! Инсон тафаккурида айнан шу саволларга жавобнинг пайдо бўлиши, сўнгра унинг учун чидаб бўлмас изтиробга айланиши эркин шахснинг шаклланишига олиб келади.

Рус мутафаккири Н. Бердяев «Биз ўз ташки таъкибларимиздан фақат ички руҳий қуллимиздан озод бўлсаккина қутула оламиз», — деб ёзганди. Бу фикрдан чиқадиган хулоса шундан иборатки, эрк ва эркинлик инсоннинг руҳиятидаги ҳодиса бўлиб, демак, инсоннинг ўзини эмас, унинг руҳиятини қулликдан озод этмоқ керак экан. Бундай хулоса инсоннинг эркинлик ҳолатини ва шу билан боғлиқ иллатларни ташқаридан ахтармасдан, ўзликка мурожаат қилишга ундайди. Ўзликни англаш эса ҳақиқатга олиб келувчи бирдан-бир йўл ҳисобланади.

Ҳақиқатни англаш, айниқса, уни инсон иродасига буйсундириш ва маълум мақсадларга йўналтириш ўта мураккаб ҳодиса. Шу боисдан ҳам аксарият одамлар ҳанузгача эркинликдан кўра жамоавийликда ёки эркинликка эришган одамлар тобелигида яшашни афзал кўрадилар.

Ўтмиш меросининг яна бир камчилиги шундаки, оила, ҳар бир одам бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, деб эмас, аксинча — давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам ҳам бой бўлади, деб ҳисобланар эди. Муносабат шундай бўлган ҳолатда ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг самарадорлигига эришиш мумкинлигига умид боғлаш қийин. Бундай дунёқарашнинг истиқлолга зид, ҳалокатли томони шундаки, ҳали ҳам айрим катта ёшли кишилар онгида: давлатимиз бой, у бизни боқиб олиши, ўқитиб қўйиши, иш билан таъминлаши шарт, деган ўй-фикрлар маҳкам ўрнашиб қолган.

Албатта, кишилар онгига сингдирилган сохта ғоялар ҳам яшовчан бўлади. Шўролар даврида амалда давлат қулига айлантирилган кишилар аҳволини ҳам тушуниш мумкин. Аммо, ушбу маъналарнинг салбий жиҳати шундаки, истиқлолнинг ҳақиқий моҳиятини англашга ноқобил айрим катталар, ўзлари хоҳламаган ҳолда, ёшларга вайронкор, коммунистик



ғояларни тарғиб қилиб қўймоқдалар. Уларнинг орасида «Эҳ, ажойиб колхозлар бор эди, ҳамма тенг эди, энди фермер бойиб, қолганлар унинг қўлига қараб қолади», дея афсус чекаётганлар ҳам анчагина топилади.

Шўролар замонида улар учун колхозлар, давлат, иқтисодий тенглик энг улуғ қадрият ҳисобланган. Ўзбек давлатчилиги илк даврида эса масала бошқачароқ, тўғрироқ, бугунги ғояга мосроқ қўйилганди. «Авесто»дан ўқиймиз: «Эй, Спитама Заратуштра! Кимнинг уйи бор, у уйсиз бошпанасиз одамдан афзал. Кимнинг ғамлаган бойлиги бўлса, мол дунёсиз қашшоқдан (албатта) афзал. Кимки гушт еб тўйиш имконига эга бўлса, ундан яхшилик кутиш мумкин. Оч қолган одамдан тўқ одам яхшироқ» (Видевдот, 4-фрагард, 49 — 50-бандлар).

Аслида, инсоннинг ўзи жамиятнинг энг олий қадрияти ҳисобланади. Унинг мавжудлиги, ҳаёти, яшаш тарзи, умрининг мазмун-моҳияти ўта муҳим аҳамият касб этади. Инсон ақл-заковати, меҳнати туфайли пайдо бўлган удум, одат, анъана, илмий ёки бадий асар. кашфиёт ёхуд буюм асрлар ўтса ҳам ўзининг кадр-қиммати билан ижтимоий аҳамият касб етиб, қадриятнинг ажралмас бир қисмига айланади. Улар кадрланадиган нарса ёки объект сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади. Масалан, юртимиздаги қадимий миноралар ёки сайёралар салтанати султони — Улугбек расадхонасида ишлатилган устурлоб (секстант) бугун бевосита ўз вазифасини бажармайди, аммо тарихий-маданий ёдгорлик сифатида ўз аҳамияти ва кадр-қимматини асрлар мобайнида сақлаб қолаверади.

Ҳозирги замонда илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам инсон қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, барча соҳалардаги ислохотларнинг моҳияти ҳам ана шу тамойилдан келиб чиқади. Бу тамойилни амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши ўта муҳим аҳамият касб этади.

Миллат учун долзарб аҳамиятга молик этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакллари миллий қадриятлар деб аталади. Ҳар бир этноснинг ўзига хос қадриятлари бўлади, лекин улар ўзга миллатлар учун кадрли бўлмаслиги ҳам мумкин!

Миллий қадриятлар ўз-ўзидан эмас, миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий, чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайлигина мустабил тузум томонидан топталган миллий қадриятларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки, айнан миллий қадриятлар мамлакатимиз

мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтказиб келаётган миллий кадриятлари минглаб йиллар мобайнида аста-секин, эволюцион равишда шаклланган. Улар Ота юртга эҳтиром, аждодлар хотирасига садоқат, катталарга хурмат, кичикларга иззат, ҳаё, ор-номус, андиша каби хусусиятлар устуворлиги, ўзга этносларникига ўхшамай-диган урф-одат, расм-русум, маросим, анъаналарда ўз аксини топган.

Кадриятлар муайян шароит, муҳит, макон ва замонда шаклланиши сабабли, маҳаллий, миллий, минтақавий ҳамда умуминсоний шакл ва мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий кадриятларнинг энг етуқлари ва миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб, умуммиллий, кейинчалик умуминсоний даражага кўтарилади. Албатта, кадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбаи миллий муҳит ҳисобланади. У, ўз навбатида, миллий кадриятларнинг энг яхши, қадрли, инсоният тараққиётига хизмат қиладиганларини вояга етказиб, жаҳон микёсига олиб чиқади.

Барча этнослар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи моддий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, қадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган гоълар асосидаги фаолият мажмуи — умуминсоний кадриятлар устуворлиги тасмоийлидир. Ҳар бир одам жинси, ирки, миллати, ёши, касби, эътиқодидан қатъи назар авваламбор, инсоният тоифасига қиради. Шу умумий моҳият барча одамлар, этнослар учун бирдай аҳамиятли ва қадрли бўлган предмет, ҳодиса, жараён, муносабатларни фарқлашга имкон беради.

Инсоният аслида келиб чиқиши жиҳатидан бир ёки бир неча марказлардан тарқалган. Америкалик этнолингвист Мерит Рулен узок йиллик илмий тадқиқотлари натижасида ҳозирги даврда 6900 тил, лаҳжа, шеваларда сўзлашаётган этнослар вакиллари бундан 50 минг йил муқаддам ягона тилда гаплашганлар, деган хулосага келган. Ҳозирги даврдаги этнолингвистлардан ҳеч бири унга эътироз билдира олмайди. Аслида, барча одамларнинг ягона истиқомат қилиш макони Курраи Замин ҳисобланади. Турли сиёсий, иқтисодий жараёнлар, ҳарбий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашувини уруш воситасида ҳал этишга уринишлар оқибатида шаклланган давлатлар сони 200 дан зиёд ҳолос. Инсоният сўзлашаётган тиллар сонидан келиб чиқадиган ва ҳар бир этнос ўз давлатига эга бўлиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, 6600 дан зиёд этнос ўзининг миллий давлатига эга эмаслигига амин бўламиз. Лекин, ўз давлатига эга бўлмаган, у ёки бу мамлакат ҳудудида истиқомат қиляётган халқлар ҳам умуминсоний кадриятларни тан оладилар, уларга амал қилишга уринадилар.

Демак, умуминсоний кадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди. У даврлар ўтиши, глобаллашув жараёни ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан мутаносиб равишда такомиллаштиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни бир-бирига яқинлаштириувчи, бирлаштириувчи ва камол топтириувчи кучга айланиб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний кадриятларнинг муҳим жиҳатларидир.

Умуминсоний ва миллий кадриятлар бир-бири билан узвий боғлиқ, улар ўзаро таъсир натижасида янада бойиб боради. Умуминсоний аҳамият касб этувчи миллий кадриятлар ўзаро таъсир оқибатида аста-секин барча этнослар учун муҳим кадриятга айланади. Шу жиҳатдан караганда, умуминсоний кадриятлар миллий кадриятлардан мазмунан кенгроқдир ва келиб чиқиши, генезиси бўйича барча одамзодга тегишлидир. Минглаб йиллик тарих сабоқлари шундан далолат берадики, ҳеч бир этнос бошқаларидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Айниқса ҳозирги тобора глобаллашиб бораётган дунёда бирор халқнинг яқка ўзи маҳдуд, ўз қобиғига ўралган, жаҳон цивилизациясидан алоҳида ҳолда тараққий эта олмайди.

Аслида ҳар қандай умуминсонийлик миллий ва шахсий кадриятлар орқали намоён бўлади. Умуминсонийликнинг устуворлиги бу — ҳар бир инсон бахтли-саодатли, озод ва эркин бўлиши, жамиятда амалга оширилаётган барча ишлар, ўзгаришлар, ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим, деган қарашга асосланади. Ана шу сабабдан ҳам инсон эркинликлари, унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлиги, демократия, фикрлар ранг-баранглиги ва ижтимоий плюрализмга эришиш умуминсоний кадриятлар устуворлигига амал қилиш сифатида баҳоланмоқда. Ҳозирги даврда жаҳонда мавжуд давлатлар ички ва ташқи сиёсатида ана шу тамойилларга амал қилиниши — умуминсонийликнинг устуворлиги ғоясига таяниш, бу ғояни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш сифатида қаралмоқда.

Ҳар бир миллат мавқеи унинг инсоният тараққиётига қўшаётган моддий ва маънавий ҳиссаси билан ўлчанади. Агар миллий ва умуминсоний кадриятлар бир-бирига қарама-қарши қўйилса, бу ҳолат ўз-ўзидан миллий худбинлик ва халқаро низоларга олиб келиши мумкин. Охир-оқибатда эса бундай зиддият бутун инсоният цивилизацияси ривожига тўсиқ бўлиши, халал бериши муқаррар. Шу сабабга кўра, умуминсоний аҳамият касб этган кадриятлар қачон ва қаерда шакллангани, қайси этнос вакиллари ижоди эканлигидан қатъи назар, эҳтиром билан тан олинса, мақбул бўлса қабул қилинса, бундан бутун башарият манфаат, наф кўради. Айнан шу нуктаи назардан ўз тараққиёт

Йўлини ўзи белгилаб олган мустақил республикамизда миллий ва умуминсоний кадриятлар муштараклиги, халқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг, ҳамқадам ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буни Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг куйидаги фикри ҳам яққол тасдиқлаб турибди: «Бугун ёшларимиз қандай кадриятлар сари интиломоқда, қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшамоқда — биз бунга асло лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-рахбар сифатида бу жараёни четдан туриб кузатишга ҳаққимиз йўқ.

**Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яна бир бор чуқур англаб етишимиз шарт — маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмайди.**

Биз фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур».

## **ШАҲС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ**

Ҳар қандай киши ўз тирикчилигини таъминлаш учун озиқ-овқат ейиши, ичиши, ҳаракат қилиши, ўзи билан табиат ўртасидаги модда алмашинувини амалга ошириши зарур. Бироқ, очлик, ташналик туйғуси овқат хазм қилиш жараёнисиз маъно касб этмайди. Ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж муайян органлар ва мускуллар ҳаракатсиз, шунингдек, кишилар билан алоқага кириш истагисиз, тилсиз, тафаккурсиз, ҳиссиётсиз рўй бермайди.

Эҳтиёж — бу зарурият. Биз уларни ўйлаб топмаймиз, уни англаб етишимиз ёки англаб ета олмаслигимиз мумкин. Ҳар қандай эҳтиёж ўз асосига кўра, инсоннинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлиги туфайли юзага келади. Инсоннинг эҳтиёжлари печоглик ранг-баранг бўлса, у ўзининг мақсад ва интилишларида шунчалик бой бўлади.

Маънавий эҳтиёжлар олий эҳтиёжлар сирасига кириб, ўз навбатида, бир қатор турларга бўлинади. Эҳтиёжларни турларга бўлишнинг ўзи нисбий ва шартлидир. Чунки, ҳаётда моддий эҳтиёжлардан бутунлай ажратиб олинган маънавий эҳтиёжларнинг ўзи йўқ, шунингдек, соф биологик, соф ижтимоий эҳтиёжлар ҳам мавжуд эмас. Инсон, ҳаттоки, энг содда эҳтиёжлари билан ҳам ижтимоий моҳият касб этади. Соф

биологик эҳтиёжга ўхшаган, масалан, авлодни давом эттиришга бўлган эҳтиёж ҳам ижтимоий-маънавий эҳтиёжсиз маънога эга бўлмайди. Яъни, авлодни давом эттириш кадр-қимматсиз, юксак ахлоқийсизлик, эстетик идроксиз амал қилмайди. Ҳаттоки, шоир ёки санъаткорнинг энг юксак эҳтиёжлари ҳам моддий мақсадларсиз бўлмайди, яъни у кечаю-кундуз илҳом париси оғушида ижод қилиб, ёзаверса, асарлари босилаверса-ю. лекин, унга гонорар (калам ҳақи) тўланмаса, шоир шеър ёзишни, ҳофиз кўшиқ куйлашни бас қилиб, ўзини моддий манфаат келтирадиган бирор соҳага уриб кетиши мумкин.

Инсоннинг энг биринчи, энг жиддий эҳтиёжи — бу ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёждир. Бусиз инсон ижтимоий аҳамият касб этмас. табиатни, кишиларни, ўзлигини англай олмаган бўларди. Билимга асосланмаган бирон-бир инсоний фаолиятни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Билиш меҳнатдаги жараёни ёритиш учун зарурийдир. Чунки, тайёр маҳсулот айни вақтда билиш фаолиятининг ҳам маҳсулидир.

Билиш билимни чуқурлаштиришга йўналтирилганми ёки амалий ҳаракатга қаратилганми, бундан қатъи назар, мустақилдир. Оддий бир мисол: овчи ваҳший ҳайвонни кузатиш, уни қўлга олиш, яъни овлаш учун ўша ҳайвоннинг хатти-ҳаракати, қилиқларини, у яшайдиган жойни ва шу билан боғлиқ шароитни чуқур ўрганган бўлиши, яъни билиши зарур.

Маданий-тарихий тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, маънавий эҳтиёжлар инсон ижтимоий етуқлигининг муайян босқичида шаклланади: ишлаб чиқариш кучлари ривож топиши туфайли инсон ўзининг кўр-кўрона, факат фойдани кўзловчи ҳожат билан боғланган кучлардан озод бўла боради. Ибтидоий одам илк бора меҳнат фаолиятида ўз эҳтиёжларини моддий ҳаёт амалиёти билан, маънавий ҳаётда эса моддий ҳаёт билан чамбарчас боғлаган. Уни ҳали тўла маънода маънавий ҳаёт деб аташ ҳам мумкин эмасди, чунки эҳтиёжларнинг ўзи моддий интилишдан ажралиб чиқмаган эди. Меҳнат жараёнидагина инсон энг буюк бир фазилатга, яъни ҳаётнинг моддий шаклларига руҳият бахш этиш фазилатига эришади.

Манфаатлар муаммоси ҳар қандай замон ва маконда долзарб масала бўлиб келган. Одатда, манфаатлар эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади. Уларни умумлаштирадиган нарса шуки, эҳтиёж ва манфаат амалий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлардир.

Эҳтиёж манфаатни тугдиради, бунинг устига, бир эҳтиёжнинг ўзи бир неча манфаатни талаб қилиши ҳам мумкин. Демак, инсонда эҳтиёжга қараганда манфаатлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, ейишга бўлган эҳтиёж озиқ-овқат маҳсулотларигагина манфаат тугдирмайди, айни вақтда, у билан узвий боғланган бошқа ҳодисалар тизими, маиший

хизмат кўрсатишга ҳам манфаатли муносабатни тақозо этади. Бу ерда фақат «қорин» ташвишинигина кўриб қолмасдан, балки инсонни ижтимоий муносабатларга олиб кирадиган тизимни ҳам идрок этамиз. Авлодни давом эттириш категорияси икки жинс манфаатини ифодалабгина қолмасдан, ахлоқий, эстетик туйғулар, турмушни яхшилаш, оилани бошқариш сингари ҳодисаларни ҳам талаб қилади.

Одам табиатан роҳат-фароғат, маишат, айш-ишрат, хузур-халоват, шону-шухрат орзусида юради, тўкин-сочинликда бекаму кўст яшашни хоҳлайди. Ана шу эҳтиёж манфаатдорликни келтириб чиқаради. Манфаат ёрдамида ҳаёт ғилдираги доимо айланиб ҳаракатда бўлади. Инсон манфаат кутқуси билангина доимо узлуксиз ҳаракатда бўлади, ўзини ўққа-чўққа уради, машаққатли меҳнат қилади, моддий-маънавий неъматлар яратади, дунёни обод қилади. Одам ўз манфаати йўлида ҳар қандай кийинчилик ва машаққатлардан, ҳатто азоб-уқубатлардан ҳам қайтмайди. Керак бўлса, ҳар қандай тубанликка ҳам боради, алдайди, мунофиқлик қилади, ёлғон гапирди, товламачилик, фирибгарлик қилади, бировларнинг ҳаққини ейишга, мулкни ўзлаштириб олишга уринади, ўғирлик, талончилик қилади, одам ўлдиради, юз минглаб, миллионлаб кишиларни ҳаётдан жудо, ҳалок қилувчи қиргинбарот урушлар олиб боради.

Моддий манфаатдорлик ҳайвонларда ҳам бор, лекин уларда бу ҳолат «инсофлироқ» кечади. Ўлжани керагида, қоринлари очганда, ейиш эҳтиёжи туғилгандагина ўлдириб, биргаллашиб ейдилар. Тўғри, ўлжадан кўпроқ олиш мақсадида кучлироғи заифроғига вовуллаб, пишқириб, ўкириб... ташланади, лекин, одамлар каби ўлжадан катгароқ улуш олиш учун бир-бирини ўлдириб ташламайди. Агар икки йўлбарс манфаати зид келиб, ўлжа таллашиш оқибатида низо чиқса, енгилгани бориб зўрининг устидан арслонга арз қилмайди. Арслонни бошлаб келиб, ўз ўчинини олгандан кўра, мағлубиятини тан олиб, думини қисиб жўнаб қолишни маъқул кўради. Бу борада одам ҳайвондан ҳам ваҳшийроқдир. Озгина манфаат учун ўз опа-синглиси, ака-укаси, ҳатто ота-онасини ўлдириб ташлаш билан боғлиқ мисолларни ҳар ким керагича келтира олади.

Ҳеч ким ҳеч қачон моддий ва маънавий манфаатсиз бирор қадам ҳам босмайди. Одамнинг ҳар бир қадам қўйишида ана шу манфаатдорлик тушунчаси ётади. Амалда ҳаётнинг ўзи доимий манфаатлар курашидан иборат. Инсоф, адолат, садақа, эҳсон — буларнинг бариси бамисоли никоб бўлиб, буларнинг замирида, яъни бойлик, амал, мансаб учун кураш ва шон-шухратга интилиш ётади. Ҳатто отанинг ўз ўғлига сарфлаётган меҳнати, маблағи замирида ҳам сарф-харажат қачондир қайтади, деган умид ва илинж ётади.

Шу ўринда машхур кизикчилар ҳаётида юз бераган кичик бир хангомага эътибор қаратсак, масала янада ойдинлашган бўларди:

Юсуфжон қизик билан Охунжон қизик кўл атрофида ёзда айланиб юришибди. Ҳамма чўмилаяпти, иккита устоз кетишяпти. Охунжон қизик бир ерга келиб, деворга қараб қотиб қолибди.

— Ҳа, юр, Охун, — дебди Юсуфжон қизик.

— Э-э, буёкка келинг, уста, — дебди Охунжон қизик. — Мана, пул топадиган жой! Мана, сизга ўқиб берай: «Чўкиб кетаётганни олиб чиқса — 50 сўм мукофот». Кўрдингизми, ана! Ҳа-а, мен ўзимни сувга ташлайман, Сиз: «Дод!» дейсиз; кўзларимни ола-кула қилиб тураман — 50 сўм мукофот! Ана кўрдингизми, бир кунда ўн марта чўкаман, — дебди.

Юсуфжон қизик: «Ташла ўзингни!» деган экан, Охунжон қизик бир чуқур жойга ўзини ташлаб юборибди. Шўнғиб чиқиб, кўзларини ола-кула қилиб турса ҳам, кулоқларига сув кириб кетаётган бўлса ҳам, Юсуфжон қизик тепасида индамай турганмиш.

— Ҳа, уста, «дод!» демайсизми? Сувнинг тагига кириб кетяпман-ку, — деб бақирибди Охунжон қизик.

— Чўкавер, чўкавер! — дебди Юсуфжон қизик.

— Ахир у ёғига ўтсам ўламан-ку! — деб бақирибди Охунжон қизик.

— Киравер, киравер, — дебди Юсуфжон қизик, — эълоннинг тагини ўкимаган экансан, ўлигини олиб чиққанга 100 сўм берилар экан...

Бундан кўринадики, энг яқин дўстлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро манфаатга асосланади.

Француз ҳаёлий социалисти Ш. Фурьеннинг кўйидаги фикри мағзини чақишга уриниш ҳам фойдадан холи эмас: «Ҳар бир киши бошқа кишига ёмонлик тилашдан манфаатдор, ҳамма жойда шахсий манфаат ижтимоий манфаатдан устун кўйилади. Ҳуқуқшунос ҳамма бадавлат оилаларда ўзаро жанжал ва унда судлашиш учун эзгу даъволашиш ҳукмрон бўлишини истайди. Врач ўз ватандошларига яхши иситмалаш ва шамоллашни раво кўради, зеро одамлар касал бўлмасдан ўлиб кетсалар, у хонавайрон бўлиши мумкин: агар ҳамма жанжаллар ўзаро самимият билан ҳал этилиб қолса, адвокат бошига ҳам худди шу кулфат тушиши мумкин. Ҳарбий одам ўз унвони ошиши учун ўртоқларининг ярми кирилиб кетадиган бир яхши уруш бўлишини хоҳлайди. Рухоний яхши ўлимлар бўлиб туриши ва унга минглаб франк келтиришидан манфаатдор... Архитектор, ғишт терувчи ва дурадгор юзлаб уйларни йўқ қилиб юборадиган ва уларнинг касбига харидорларни кўпайтирадиган яхши ёнғин бўлишини истайдилар.

Шундай қилиб, цивилизация ҳар қисмининг ҳаракати бутунга қарши чиқишдан иборат кулгили механизмнинг гавдаланишидан иборат».

Ҳозирги даврда АҚШда энг кўп ўқиладиган муаллиф, Шарқнинг буюк даҳоси, Ғарб файласуфлари устози, Навоий таъбири билан айтганда, «Буюкликнинг кўз илгамас чўққиси» Жалолиддин Румийдир (1207 — 1273). У ҳам ўз замонасида тараққиёт манбаи ҳисобланмиш карама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни устида кўп бош қотирган ва манфаатлар зиддияти хусусида шундай мулоҳаза қилганди: «Бир хайрнинг майдонга келиши ёхуд ёмонликдан сақланмоқ учун мана шу ёмонликка майл қилган бир нафс бўлиши лозим. Бундай нафсни ишташлик, ёмонликни хоҳлашлик, демакдир. Бирок, у ёмонликка рози бўлмайди, бўлсайди яхшиликни амр этмасди. Масалан, дарс бермоқчи бўлган мударрис толибларнинг билимсиз бўлишини ҳам хоҳлайди. Чунки, билимсизлик бўлмаса, ўқитиш-ўргатиш ҳам бўлмайди. Бир нарса истамоқ, айти пайтда, унинг зарурларини ҳам истамоқ демакдир. Ўқувчиларнинг билимсизлигини хоҳламаган ўқитувчи уларга ҳеч нарса ўргатмайди. Худди шундай, табиб ҳам ўз ҳунарини ишга солиш учун ҳамманинг касал бўлишини истайди. Чунки, унинг ҳақимлиги халқнинг хасталиги билан тирикдир. Лекин, халқнинг бемор бўлишига ҳам рози бўлмайди. Агар бунга рози бўлсайди, касалларни даволамасди. Пул топиш учун нонвой ҳам халқнинг оч бўлишини истайди. Шу билан бирга, халқнинг очлигига унинг кўнгли рози эмас. Йўқса, нон сотмасди.

Амирлар ўз подшоҳларининг душманлари ва мухолифлари бўлишини истайди. Чунки, бусиз уларнинг мардлиги ва султонга бўлган садоқатлари юзага чиқмасди. Султон ҳам мухтож бўлмаса, амирларни бошига тўпласди. Айти пайтда, булар мухолифатга рози эмаслар, йўқса, уларга қарши курашишмасди. Инсон ҳам шундоқдир».

Шу ўринда бевосита манфаат ва энг асосий қадриятларимиздан хотиржамлик ҳамда соғлиқ масаласига дахлдор аждодлардан мерос бир ривоятни мисол сифатида келтирсак муаммо янада ойдинлашган бўларди:

Қадим ўтган замонда бир подшоҳ юртни бошқарган экан. Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, у жуда иззатталаб бўлиб, ҳукмдорнинг бу қусуридан баъзи бир вазирлар, аёнлар усталик билан фойдаланиб қолишга уринар эканлар. Улар подшоҳдан кўпроқ инъом-эҳсон, мукофот олиш илинжида хушомадгўйлик билан ҳукмдорнинг ўзида йўқ хислатлар билан мақтаб, осмону фалакка кўтариб, уни узундан-узоқ дуолар қиларканлар. Фақатгина бир вазир подшоҳ ундан бирор бир муаммо хусусида маслаҳат сўрагандагина қисқа ва лўнда жавоб қайтарар, қилажак дуоסי ҳам шунга яраша «Илоҳим тинчлик-хотиржамлик, тансиҳатлик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин!» деган тилақдан иборат экан. У аслида юрт ҳукмдори зиммасидаги масъулият нечоғлик улканлигини



англаган холда, унинг вақтини ўғирламаслик ниятида барча орзу-умид, ниятларнинг асосий моҳиятинигина айтаркан холос.

Камгап, камтар, доно вазирга ғайрилиги келган ўзга аъёнлар бир куни у подшоҳ қабулида бўлмаган пайтдан фойдаланиб:

— Эй ҳукмдор, фалончи жуда кўп дуоларни билади-ю, лекин Сизга хусумат юзасидан «тинчлик-хотиржамлик, тан-сиҳатлик бўлсин» деб ният қилишидан нарига ўтмайди, — дейишибди.

Кўнглига шубҳа ўрмалаган иззатталаб подшоҳнинг бу вазирга нисбатан қаҳри келиб, жаҳл устида сиртдан уни ўлимга ҳукм этиб юборибди. Бу ҳукмни адолатли деб ҳисоблаган аъёнлар ҳукмдорни яна узундан-узоқ дуо қилишибди. Ҳукмдорнинг қабулига чорланган вазирни жаллод қўлига топширишдан олдин унга энг сўнгги тилагини айтишга изн беришибди.

— Ҳазрати олийлари, — деб гапини бошлабди ўлимга ҳукм этилган вазир. — Менинг энг сўнгги тилагим шуки, агар Сизга малол келмаса, мен билан қўйхонага борсангиз.

Подшоҳга қандай ҳурмат кўрсатишни билмайдиган, аслида жуда узоқни кўзлаб иш кўрадиган вазирнинг сўнгги тилагидан ҳукмдор яна газабланибди. Лекин арслон изидан, йигит, айникса, шоҳ сўзидан қайтмаслигини эслаган ҳукмдор вазирнинг таклифига қунибди.

Шундай қилиб, шоҳ ва вазир қўйхонага йўл олишибди. У ерда шоҳ ўз кўзи билан кўрган ажабтовур воқеадан янада хайратга тушибди.

Қўйхонанинг бир четига кўчқор боғлаб қўйилганмиш. У чўпдай озиб кетган, охур тўла энг сара ем-хашакка қарамас, икки кўзи рўнарасида консираб, хансираб ётган бўрида экан. Оғир жароҳатланган бўри ҳам очликдан сулайиб қолган бўлиб, шундоқ беш-олти кадам наридаги энг тотли емиш — кўчқорга чанг солгани мадори етмай ётган экан.

Бу сир-синоатдан боши қотган ҳукмдор савол назари билан яна вазирга юзланибди.

— Аъло ҳазратлари, -- дебди вазир. — Агар кўчқорда тинчлик-хотиржамлик бўлганида у ҳозир чўпдай озмай, кўрқувдан дағ-дағ титрамай, олдидаги ем-хашакни паққос туширмасмиди? Бўрида эса тани-сиҳатлик бўлганида шундоқ бир сакрашда етадиган жойда боғлок турган кўчқорни гумдон қилмасмиди?

Вазирнинг жавобидан яна хайратга тушган подшоҳ ўлим ҳукмини бекор қилиб, унинг маслаҳати билан кўп йиллар элни бошқарган экан!

Юқорида келтирилган факт, далил ва мисоллар шундан далолат берадики, одамзод бу дунёга манфаат деб аталмиш минглаб ришталар билан чамбарчас боғланган. У ушбу манфаатлар асосида ҳаракат қилади, ўзини ўту чўкка уради, уринади, фаолият юритади.

Шахс манфаати, жамоа манфаати, мамлакат ҳамда жамият манфаати ҳамиша бир-бирини тўлдириб, бир-бирига таъсир этиб туради. Инсон жамият ичида яшар экан, шахсий манфаатини атрофдаги одамлар, халқ ва мамлакат манфаатлари билан уйғунлаштириб бориши керак. Фақат шу жараёндагина у камолга етади, шахс сифатида шаклланади. Акс ҳолда, яъни, ўз манфаати йўлида ўзгалар эҳтиёж ва манфаатларини писанд қилмаса, унинг шахс сифатида емирилиш жараёни бошланади.

Жамиятнинг равнақи, мамлакатнинг тараққиёти фуқароларнинг моддий ва маънавий манфаатлари қай даражада ривожланганлиги ва қай даражада кондирилганлиги билан белгиланади. Ўз қудрати ва салоҳиятини юксалтиришни кўзлаган ҳар бир мамлакат ўз фуқароларининг моддий ҳамда маънавий манфаатларини қондириш борасидаги фаолият ва ҳаракатларига кенг имкониятлар яратади, эркинликлар беради, уларни рағбатлантиради. Бунга жавобан фуқаролар ҳам куч-гайратини юрт равнақи учун тўлиқ сафарбар этади, тақдирини Ватан, эл тақдири билан боғлайди, Ота Макон келажаги учун қайғурувчи ватанпарвар, фидойига айланади. Фақат шундай ҳолдагина шахс ва жамият, фуқаро ва давлат манфаатларининг муштарақлиги ижтимоий жараёнлар йўналишини белгиловчи омил сифатида рўёбга чиқади.

Шу боисдан ҳам Ислом Каримов томонидан «...бизнинг ҳамма ишларимизда — бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими — буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон инсон манфаатларининг устуворлигидир.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини изчил ва босқичма-босқич юксалтириб бориш бўйича бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундан иборат. Шу сабабли барча режаларимиз, ресурс ва имкониятларимиз пировард натижада ана шу бош мақсадимизни амалга оширишга қаратилмоғи керак» — деган ғоя кўп бора таъкидланган.

Ҳар қандай мустабид, тоталитар тузум мулоҳазали, мустақил, эрксевар инсонни хазм қилолмайди. Шу боисдан ҳам Шўролар даврида шахс, жамият ва давлат манфаатларига атайлаб раҳна солинган эди. Большевистик сиёсат давлатни бошқаришни осонлаштириш мақсадида атайлаб шахснинг моддий-иқтисодий эркинликларини бўғиб ташлаган. Бошқачасига айтганда, давлат жамият ва шахс манфаатлари устига миниб олганди. Хусусий мулкка бўлган табиий-туғма эҳтиёжлар тўхтовсиз матбуот, адабиёт орқали қораланган. Ўзига тўқ, бой-бадавлат яшашга интилган тадбиркор кишиларга қарши тарғибот-ташвиқот эса кучайти-

рилган. Кечаги шўролар жамиятида дехқоннинг ўз томорқасидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги колхоз учун деярли текин ишлаб беришдаги унумдорликдан, албатта, анча юкори бўлган. Одатда, текин меҳнатда фақат моддий манфаатсизликкина эмас, шахси жамият томонидан емириб ташланганлигини англай олган меҳнатчининг ўз инсоний қадр-қиммати учун кураши ҳам намоён бўлади. Шу боис у, ўзига хос ижтимоий норозилик ифодаси сифатида, бемалол дала шийпони эшик-деразасини ўғирлаши, молини жамоа хўжалиги пахтазориди боқиши. даладан, корхонадан ташмачилик килиши мумкин эди.

Шўролар даврида шахснинг моддий-иқтисодий эркини чеклаш натижасида жамиятда ташмачилик, ўғрилиқ, коррупция сингари иллатлар кучайган. Бундай сиёсат, табиий равишда, фуқароларни лоқайдлик, бекфарқлик, боқимандалик, тайёрхўрлик, шижоатсизлик, фаолиятсизликка ўргатган. Халқ меҳнати билан тўпланган ғоят улкан бойлик бир гуруҳ сиёсий бошқарувчилар томонидан талон-тарож қилина бошланган. Оқибати эса бугун барчага аён. Шўролар жамиятида маънавий инқироз кучайиб, у иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳам емирилди. Натижада, дунёдаги қудратли давлатлар билан рақобатга бардош бера олмай колган Шўро тузуми тарих сахнасини тарк этишга мажбур бўлди. Бу оқсоч мозийнинг адолатли ҳукми эди. Бинобарин, инсоннинг моддий ва маънавий манфаатларини назар-писанд қилмаслик, унинг эҳтиёжларини зўрлик билан рад этиш шахс эркинлигини ҳам чеқлайди.

Моддий манфаатлари чекланган шахс маънавий-рухий жиҳатдан ҳам инқирозга юз тутди. Ўз навбатида шахс, давлат ва жамият манфаатлари ўртасидаги муштараклик барҳам топади. Бу ҳамма мамлакатлар, барча замонларга дахлдор мозий сабоги.

Шўро даврида синовдан ўтган ёппасига адолатсизликдан кўзланган асосий мақсад, халқни кўрқитиш эди. Миллатни кўрқувда, тушқунликда ва камбағалликда ушлаб туриш тоталитаризмга асосланган коммунистик давлат бошқаруви усулларидан бири бўлган. Пахтага тўхтовсиз захарли моддалар, гербицид сепилганидек, халқ руҳига ҳам доимий равишда куллик рухияти сингдириб борилган.

Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш — люмпенлашув — мулкий киёфасини йўқотиш эди. Люмпенлашув инсоннинг реал ҳаётий асосни ташкил этувчи барча нарсалардан маҳрумлигидир. Агар инсонда ана шу боғлиқлик йўқ экан, унда масъулият ҳам, умрининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиб нимагадир эришиш, фарзандлари, оиласи, қариндош-уруғларига колдирадиган бирор-бир нарсани қўлга киритишга интилиш ҳам бўлмайди. Ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатнинг ўзи боқади, дея боқимандалик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан

Ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи галда, ўз кучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир.

Хукмронлигининг дастлабки давридаёқ иқтисодиётга раҳбарлик қилишга ноқобиллиги аён бўлган большевиклар агитация ва пропаганда воситасида камбағалларни мулкдорларга, тадбиркорларга, бойларга қарши гиж-гижлаб, мисли кўрилмаган ҳасад ва нафрат оловини ёқишга муваффақ бўлдилар. Камбағалнинг фақирлиги учун бойлар сабабчи, бойлар уларнинг ҳақини (қўшимча қийматни) уриб қолиб, терисига сигмай кетмоқда, деган марксистик қараш миллионлаб қўли гул ишбилармонлар ёстиги қуришига, мамлакат иқтисоди вайрон бўлишига, одамлардаги эркин меҳнат ташаббусининг сўнишига сабаб бўлди.

Усталик билан ёқилган ва тўхтовсиз мой қуйиб турилган ҳасад гулханида миллат пешонасини безаган гултож фарзандлар ёниб кул бўлдилар. Бойлар ва бойликка нафрат шу даражада чуқур томир отгандики, аҳолининг муайян қисмида тадбиркорлик фаолиятига, бу иш билан шуғулланувчи одамларга, ўзига тўқ кишиларга нисбатан ишончсизлик, бегонасираш, ҳатто кўролмаслик сингари эскича дунёқараш асоратлари ханузгача яшаб келмоқда. Аксарият кишилар онгида тадбиркор дегани, бу — ҳуқуқбузарликка мойил, қандайдир текин даромад ҳисобидан кун кўрувчи одам, деган нотўғри тасаввур ва қарашлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Албатта, «беайб парвардигор» деганларидек, қалбида эзгулик ва ёвузлик қураши кетаётган одам баъзан «билмайин» тиконни ҳам босиб олиши мумкин. Бир-иккита ярамас, имонсиз тадбиркор, мулкдорнинг кирдикорига қараб, уларнинг барчасига умумий баҳо бериб бўлмайди. Қолаверса, ҳар қандай подани булғай оладиган «бузоклар» ҳамма табақа, синф, тоифанинг ичида мавжуд. «Нур борки, соя бор» деганларидек, бундай ярамас кимсалар ҳам, ўзлари англамаган ҳолда, ўзгаларни огоҳликка чорлайдилар, булганмаслик, қоралари юкмаслиги учун эзгуликка эш бўлган инсонларни ўзларидан нарироқ юришга ундайдилар...

Инглиз иқтисодчиси Адам Смит фикрича, «Инсон табиатан табиийликни ёқтиради. Ҳар бир шахс баҳил, фақат ўз манфаатлари туфайли бойлик тўплайди ва натижада жамият ҳам бойийди». Айнан шу сабабга кўра ўзини мулкдор, мулк ҳўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқариб юборади. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади. Ҳақиқий ҳўжайин раҳбарлик қилаётган

корхонанинг ривожланиш истикболлари ҳамиша ёрқин ва аниқ-равшан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳаммадан кўра юқори, оладиган фойдаси ҳам, ходимларнинг иш ҳақи ҳам анча баланд. Юртда мустақил мулкдорлар, тадбиркорлар қанча кўп бўлса, барча кишиларнинг ўз меҳнатлари эъзига юқори иш ҳақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-шароит шунча тез вужудга келтирилади.

Ишлаб чиқариш соҳасини кўнгилдагидай даражага кўтариш бугун айтилса, эртага амалга ошиб кетаверадиган иш эмас. Катта-катта завод фабрикаларни қўйинг, ўша алмисоқдан қолган оддий кетмоннинг кетмон бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдами тега бошлаши ҳам бирданига бўлмайди. Аввал уни сотиб оламиз. Темирчи уста бир оловга солиб, уни тоблаб бермаса, яна бўлмайди. Кейин бир дарахтнинг шохини кесиб, унга даста ўрнатиш керак. Ерни чопиб, экин экиб, унинг ҳосилидан эҳтиёжимизни қондирганимиздагина кетмон кетмонлигини қилган ҳисобланади. Демак, ҳар қандай қурол, асбоб ишлатилган тақдирдагина фойда келтира бошлайди, манфаатимизга хизмат қилади. Агар кетмон ёки ўроқ ишлатилмай, омборхонада ётаверса, занглайди, ишга яроқсиз бўлиб қолади. У ҳолда биз бармоқларимиз, қўлимиз билан ерни қовлашга, бегона ўт-ўланларни юлишга мажбур бўламиз. Агар қўлнинг бундай ишлардан қўли чиқиб қолган бўлса, у қонаб, яраланиб, яна иш ортиради. Бизни эса янги сарф-харажатлар қилишга мажбурлайди. Демак, кетмон, ўроқ, дастгоҳ, машина, компьютер ... ишлатилсагина қилинган сарф-харажатни оқлаб, эгасига кўмаклаша олади, наф келтира олади. Қурол-асбобни ҳеч қачон ҳеч ким текинга бермайди, шу сабабдан уни пулга олганмиз, уни ишлатмасак, табиийки, зарар кўрамиз. Зарарни эса ҳеч ким хоҳламайди...

Ҳақиқий мулк эгасига туртки ҳам, бирор ишга даъват ҳам шарт эмас. У ўз юмушини ўзи билиб қилаверади. Унга фақат халақит бермаслик лозим ҳолос. Масалан, томорканинг ибратли жиҳати шундаки, у одамлар кўз ўнгида ҳақиқий мулк сифатида намоён бўлади. Шунинг учун одамлар унга ёпишади, кўз қорачиғидек асрайди, бола-чақаси билан ишлайди. Одатдагидан икки – уч баробар кўп ҳосил олади. Бу хусусий мулкнинг афзаллигини исботлайди. Шахсий томорқани фақатгина тўкинчилик ва даромад манбаи деб тушунмаслигимиз лозим. Фарзандларимизнинг биз билан бирга томорқада ишлаши уларда меҳнат малакаси пайдо этиш билан бир қаторда, уларнинг ерга меҳрини, элга, юртга, Ватанга бўлган садоқатини кучайтиради, ҳалол нон топиб ейишга ўргатади, ва табиийки, ёшлар ўртасида ишсизликни қамайтириш учун имконият яратади. Демак, томорқани ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам истиклол

Йилларида бу масалага қишлоқда амалга оширилаётган ислохотлар асосларидан бири сифатида қаралмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида бу соҳа тубдан ўзгарди. Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни ўз ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, истиклол йилларида қишлоқда ҳақиқий мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз фаолиятининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгармоқда. Шу тарзда мулк, манфаат, маънавият, маърифат ва мафкура масалалари узвий тарзда бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетмоқда...

Илмий тадқиқотлар натижалари шундан далolat берадики, мураккаб ва мустақил меҳнат мураккаб ва тадбиркорона фикрлашнинг ҳамда ўзига ва жамиятга нисбатан мустақил муносабатда бўлишнинг шаклланишига асос, замин бўлади. Бошқачасига айтганда, шахс хусусиятлари унинг меҳнат ва фаолиятидаги мустақиллик мазмуни ҳамда даражасига боғлиқ бўлади. Меҳнат фаолияти нисбатан мустақил, ташқи, майда ноқонуний назоратлардан холи бўлган киши ўз меҳнати ботиний моҳияти ва ижтимоий қимматини яхшироқ англайди. Аксинча, ташқи сиқик, назорат кишида шахсий ожизлик ҳиссини туғдиради. Ноқонуний текширувлар, кўз очгани қўймаслик, назоратчиларнинг тамағирлик ҳолатлари, дўк-пўписа, ҳақоратлар шахс дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади, баъзан ҳатто руҳий-асабий хасталикларни ҳам келтириб чиқаради.

Кишининг меҳнат фаолиятида мустақил, эркин ҳаракат қилишга қанчалик йўл берилмаса у ҳаётий фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам ташқи йўл-йўриқларни маслаҳат, буйруқларни кутишга шунчалик мойил бўлиб қолади. Натижада эса биз Ота Маконда амалга оширилаётган ислохотлардан кутилаётган натижага эриша олмай қоламиз, яъни мустақил, тадбиркор, ўз фаолиятида эркин шахсларга эмас, фақат буюрилганини қиладиган бошқарилувчиларгагина эга бўлишимиз мумкин холос. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти, «Лаганбардор, хушомадгўй, ҳар қандай топшириққа ҳам ўйлаб ўтирмасдан «лаббай» деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёсат қилиб олувчиларга энди орамизда йўқ», дея огоҳлантирган эди. Демак, меҳнат, фаолият жараёни иложи борича эркин, турли ноқонуний зуғумлардан холи бўлмоғи даркор.

Шуниси диққатга сазоворки, шахснинг меҳнат жараёнида шаклланган сифатлари унинг турмушида ҳам ўзини тасбиқ этади. Мураккаб ва мустақил меҳнат билан машғул шахслар ишдан бўш вақтларида ҳам

акл-идрок, укувлари жихатидан ўзгалардан кескин ажралиб турадилар. Меҳнатда анча мустақил ва кучли — руҳий мослашиш қобилиятига эга кишилар, Ўз навбатида, фарзандларидаги мустақилликни ҳам шу даражада кадрлайдилар. Бундай ота-оналар фарзандларига асосий йўналишнигина кўрсатиб бериб, улар фаолиятининг майда-чуйдаларигача аралашшишдан ўзларини тия оладилар.

Бунда тескари алоқа ҳам мавжуд: шахснинг ақлий фаоллиги, тадбиркорлиги ва мустақиллиги унинг ўз иши маъноси ва шароитларига бўлган талаблари даражасини оширади. Бу қонунят таълим тизимида ҳам ўзини намоён этади. Шўро тузуми даврида ижодийликдан маҳрум бўлган таълим тизими орқали мавжуд ҳаёт услубига мослашиб кетаверадиган, фаолият учун фақат юқоридан буйруқ кутиб турадиган кишиларнинг икки-уч авлоди шакллантирилди.

Ҳамма нарса коммунистик мафкура қолипи билан ўлчанган замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъи назар, ичидаги гамташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбобми — барибир айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-келмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки, мустақил фикрловчи, ақлли одамлар қиргин-қатагонлар туфайли кўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шу сабабли шаклан ва моҳиятан яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

## **«ЭРКИН, ЁШ АВЛОД» ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ**

Жаҳон микёсида фаровонлик ва ривожланиш индексини белгилашда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилади. Негаки, глобаллашув жараёни кенг тус олган, дунё бозорида рақобат кучайиб бораётган ХХI асрда юксак интеллектуал бойликка, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук авлодга эга бўлган халқ узоққа бора олади. Халқаро индексдаги ушбу соҳага оид таҳлиллар эса айнан шуни — эртага ким қандай ўринда бўлишини, давлатларнинг истикболдаги ривожланишини кўрсатади.

Ўзбекистон бу борадаги кўрсаткичлар бўйича ҳам дунё мамлакатлари орасида юқори ўринларни эгаллаб турибди.

1991 йилгача республикамызда 8214та мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг 4689таси (57 фоизи) лойиҳалаштирилган, 3525та мактаб (43

фоизи) мослаштирилган, улардан 1167таси (33 фоизи) ўтган асрнинг 40 – 60 йилларида ҳашар йўли билан пахса ва хом гиштдан қурилган, мактаб деб аташга тил бормайдиган, бирор-бир меъёрга жавоб бермайдиган биноларда фаолият олиб борарди. Бундан ташқари, ўрнатилган меъёрлар асосида капитал таъмирлашга ҳар 10 – 12 йилда ажратилиши лозим бўлган маблағлар вақтида йўналтирилмаслиги оқибатида лойиҳа асосида қурилган мактаблар ҳам нураб бўлган эди. Янги мактабларни қуриш эса йиллар давомида пайсалга солиб келинган. Масалан, ўтган асрнинг 80-йиллари давомида бор-йўғи 6372 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18та мактаб қурилганди.

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг деярли 100 фоизи саводли. Ялпи ички маҳсулотнинг 10 – 12 фоизи таълимга сарфланмоқда (Энг илгор мамлакатларда бу кўрсаткич 3 – 5 фоиздан ошмайди). Республика халқ тизимида 5215 мактабгача тарбия муассасаси, 9779 умумтаълим мактаби, 303 мусиқа ва санъат мактаби, 432 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 касб-хунар коллежи ва 143та академик лицей барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Бош максалимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзудидаги маърузасига кўра, давлат харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи (1990 йилда 31,5 фоиз, 2000 йилда 42,5 фоиз, 2010 йилда 59,0 фоиз) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим (1990 йилда 17,9 фоиз, 2000 йилда 23,2 фоиз, 2010 йилда 33,3 фоиз), 14,5 фоиздан кўпроғи (2000 йилда 8,7 фоиз, 2010 йилда 12,8 фоиз) соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб болалар таълим жараёнига тўла қамраб олинмаётган бугунги кунда юртимиз аҳолисининг саводхонлиги қарийб 100 фоизга етиши, уларнинг катта қисми олий маълумотга эга экани халқимизнинг улкан ютуғидир. Бундай натижалар, вақти келиб, ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни яъни ўзининг юксак самараларини беради, албатта.

Мамлакатимиз таълим тизими ҳақида сўз оритганда, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад”



халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35- ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2- ўринни эгаллади.

Бу Юртбошимиз раҳнамолигида замонавий билим ва касбуналарни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг натижасидир.

Истиқлол йилларида Ота Юртимизда ёшларнинг энг юксак талаблар даражасида умумий таълим олиши билан бир қаторда уларнинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган яхлит узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш умумиллий дастурлари доирасида юртимиздаги таълим муассасалари — мактаблар, лицей ва коллежларнинг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида кўлами ва маъно-мазмунига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар амалга оширилди.

Лекин, эришилган ютуқлар бизни янада янги марралар сари боришдан тўхтатиб қолмаслиги зарур. Чунки, узлуксиз таълим жараёнидан четда қолган, советлар даврида таълим-тарбия олган, ўша замон коммунистик идеологияси билан заҳарланган айрим катта ёшлиларнинг янги, истиқлол талабларига жавоб бера оладиган даражага чиқиши қийин кечмоқда. Шу маънода шўро тузуми асоратлари ҳанузгача мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнига жиддий хавф солмоқда. Шу сабабга кўра Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юртимизда эркин, мард, жасур, мустақил шахслар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, коммунистик мафкура қолипидан ҳанузгача чиқа олмаган баъзи ота-оналар, аввало оила манфаатини назарда тутган ҳолда, жамият манфаатларига зид тарбия усулларини қўллашда давом этмоқдалар.

«Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, ҳеч бўлмаганда ўз-ўзини бошқариш қобилиятидан бебаҳра айрим кишилар. Ўз навбатида фарзандларини тарбиялашда ҳам қуллик психологиясига хос «Биров сенга иш буюрса (?), дарҳол «хўп» дегин!» тамойилига

асосланадилар. Турли террористик, экстремистик, ақидапарастлик оқимлар тузоғига тушиб қолиб, юртга қўл кўтарган кўрнамак ёшларнинг кўпчилиги ана шундай «хўп бўлади!» қурбонларидир.

Бугун катталар ёшларга «Сенга ўзгалар манфаатига дахл қилмайдиган, қонуний иш айтилсагина «хўп» дейишинг мумкин, акс ҳолда «йўқ!» дея олгин!» қондасини ҳам сингдириб бормоклари даркор. Ислон Каримов фикрича «Юртимизга қарши... тажовуз ва кўпоровчилик хуружларини ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар ижобий маънодаги ворислик, яъни аждодлардан авлодларга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан йироқ, мухити носоғлом бўлган оилаларда ўсган, омади юришмаган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир. Уларнинг кўпчилигини ҳатто ўрта мактабни битиришга ҳам ақл-идроки, кучи етмаган кимсалар ташкил қилади»...

Мустақиллик ёки мутелик шахснинг мангу, доимий хусусиятлари сифатида доимо ҳам сақланиб қолавермайди. Мустақилликнинг шахсий-руҳий асослари кейинчалик шароит тақозоси билан ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Шахснинг шаклланишида илк болаликнинг бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги анча ишончли маълумотлар гўё келажакда ҳам шундай бўлади, деган фаталистик (барибир пешонасига ёзилгани бўлади, қабилидаги) фикрлар тарқалишига олиб келган.

Фатализм — тақдирнинг белгиланган измига бўйсуниб, азалий тақдирга, унинг олдиндан белгилаб қўйилганлигига ишонишга асосланган дунёқараш бўлиб, амалда инсоннинг ижодкорлик ролини инкор этади. Бундай дунёқараш орқали инсон ҳаётида барча нарсалар, келажакда унинг тақдирига азалдан битилган, шу сабабли одам ўз тақдирини ўзгартира олмайди деган ғоя илгари сурилади. Турган ганки, бундай қарашлар одам ўз ҳаёти жараёнида пассив мавжудот сифатида ижодий бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлишига, шунингдек, ўз ҳаёти жоловини ўзи бошқаришига тўсқинлик қилади. Фатализмнинг негизида илоҳий детерминизм ётади. Детерминизмнинг асосида эса оламдаги барча табиий жараёнлар ва жонзотлар ҳаёти Аллоҳ томонидан яратилиб, бошқарилади, деган ғоя мужассамдир.

Шу билан бирга, илоҳий детерминизмга қарама-қарши бўлган индетерминизм дунёқараш ҳам мавжуд. Унга биноан, инсоннинг реал табиати, унинг ҳаёти Аллоҳ томонидан белгиланади, лекин, унинг ахлоқи, хулқ-атвори тарбияга ва ўзининг ижодий-ривожланиш имконияти ва хоҳишига боғлиқ бўлади.

Фатализмнинг ривожланиши инсон томонидан ўз ҳаётини тақдир кўлига топшириб қўйилишига асос яратиб, ҳозирги замондаги фундаменталистик гоялар тарқалишига йўл очади. Детерминизм ва фатализм шахснинг моддий ва маънавий камолотига ҳов гоялар сифатида инсоният маънавий ривожига, жамият ижтимоий тараққиётига тўсқинлик қилади.

Шунга ундаётган кучлар «тақдири азалга» ишонтириб, фуқароларни турли бунёдкорлик фаолиятидан маҳрум этаётганлар ёки бошланиши чакимас, энди буёғи ҳам шундай давом этаверади, деган фикрга таянганлар фатализм ғоясидан кенг фойдаланмоқдалар. Аслида эса болаликда келажакдаги ривожланишнинг фақат асоси, пойдевори таркиб топади, холос. Мустақиллик, эркинликнинг қанчалик қанот ёйиши эса кўп ҳолларда кейинги танлаб олинган ғоя, эътиқод, ҳаёт тарзига боғлиқ бўлади.

Ғарбда анча кенг ёйилган индивидуализм ғояси ҳам инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалигини, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодалайди. Ушбу таълимотда индивидуализмга мойиллик ҳар қандай шахс табиатининг ўзида яширинган деб ҳисобланади.

Индивидуализмнинг мазмун-моҳиятига асосий эътиборни қаратиш. шахсни, яъни «Мен»ни «Биз»га қарама-қарши қўйиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйишни ифодаловчи принцип сифатида анъанавий жамоавийлик тамойилига зиддир.

Индивидуализм, бу билан чекланиб қолмай, оила манфаатини ҳам жамият манфаатидан алоҳидаликда олиб қарайди ва устун қўяди. Натижада, индивидуализм асосида эгоизм — фақат ўз-ўзини яхши кўриш. севиш хусусияти шаклланади. Эгоизм ахлоқий хусусият сифатида худбинликка асосланади. Бошқачасига ифодалаганда, ҳар қандай қулай шароит, имкониятдан фақат ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланиб қолиш хусусияти эгоизмни вужудга келтиради. Эгоизм, моҳиятан ибтидоий жамиятда ўзликни ва фақат ўз ҳаётини асраб қолувчи одам руҳиятида шаклланиб, ривожланган хусусият сифатида ахлоқий-тарбиявий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги Ўзбекистон шароитида ҳам глобаллашув жараёни тезлашиб, “оммавий маданият”, ғарбона ахлоқий кадриятлар ёпирилиб. хужум қилаётган даврда айрим кишилар хулқ-атвори, қарашларида худбинлик, фақат ўзини ўйлаш, жамият манфаатларига белисанд қарашдек ижтимоий-маънавий ҳолатлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Албатта, ҳеч ким шахсий манфаатни инкор эта олмайди. Лекин, дастлаб ўзликни сақлаш, асрашга интилиш сифатида намоён бўлувчи ушбу феномен аста-секинлик билан тадрижий равишда ўзини бошқалардан

устун кўйиш, жамият манфаатини, ўзгаларни менсимаслик сингари жиҳатларни етакчи ўринга чиқара бошлайди.

Инсон характери, табиатида шаклланиб ривожланган бундай гарбона хусусият эгоцентризмни вужудга келтиради. Эгоцентризм ботқоғига ботиб қолган кимса фақат ўз шахсий манфаат, фикрларига таяниб, бошқа кишилар ҳолати ва воқелик таъсирини ҳолисона қабул қила олмайдиган бўлиб қолади. Яъни, барча жараёнлар марказида фақат шахсий манфаат ётганлиги яққол кўзга ташланади. Эгоцентризм шахсий мавқе сифатида бошқаларнинг истак ва хоҳиши билан ҳисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам ўзгалар фикрини инobatга олмаслик ғоясига асосланади. Натижада, бундай балoга мубтало бўлганлар томонидан ижобий, бунёдкор ғоялар ҳам эътироф этилмай қолади.

Шу сабабга кўра оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, бошқа таълим даргоҳларида мустақиллик, эркинлик ғояларининг эгоцентризм ғоясига айланиб кетмаслиги, бола ёшлик чоғиданоқ шахсий, жамият ва миллат манфаатларини уйғунлаштира оладиган бўлиши учун барча чора-тадбирлар кўрилмағи даркор.

Бизни фақат оила, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза этиш ташкилотларигина эмас, асосан жамиятнинг мавжуд ҳаёт тарзи тарбиялайди. Оилада, мактабда болага сингдирилган одоб-ахлоқ қоидалари кейинчалик жамиятдаги маълум бир нопок жараёнларга дуч келгач, синиб кетиши ҳам мумкин. Маънавий-ахлоқий вазияти бузук муҳитга тушиб қолган ёшларнинг ўзини намоён эта олмаган қобилият, иктидори куртақларини совуқ уриб кетади ва у тулға айланишга улгурмайди. Натижада эса ўзимиз эзгу ниятлар ила парваришлаган ниҳол дарахтга айлангач, унинг мевасидан бебаҳра қолишимиз мумкин. Ёки аччиқ мевасини ея олмай, туфлаб ташлашга мажбур бўламиз. Ўзингиз ҳам болалигида жуда зийрак, мустақил, лекин улғайгач маюс, келишувчан бўлиб қолган кишиларни кўп учратгансиз. Бунинг аксича бўлиши ҳам мумкин: масъулиятли қарорлар қабул қилиш тақозо этиладиган шароитларга тушиб қолган киши ўз мустақиллигини кескин оширади. Бундай ҳолатларнинг бадий ифодаси сифатида Ойбекнинг «Кутлуг қон» романидаги Йўлчи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Дахшат» ҳикоясидаги Унсин образларини эсга олишимиз мумкин. Ҳаётда ҳам бундай вазиятни исботловчи мисоллар керагича топилади...

Меҳнат фаолияти туфайли эришилган тажриба ўз навбатида бошқа соҳаларда ҳам ижодий фаолликнинг уйғонишига туртки беради. Меҳнатдан — бўш вақтга, бадий-ижтимоий соҳалардаги фаолликка осонлик билан ўтиш юқоридаги фикр далилидир.

Ҳаётий тажриба мустақилликнинг ривожига кўмаклашади, лекин унинг намоён бўлиши, «бўй-басти» ана шу мустақиллик кўлга киритилган «мактаб» сабоқларига чамбарчас боғлиқдир. Бундай «мактаблар» фақат урф-одат, анъаналаргагина эмас, балки шахсий турмуш тажрибасига ҳам оид бўлади.

Мустақиллик деганда, ҳар доим эркинлик ва ўз ҳаётий фаолиятини назорат қила билиш имкониятлари кўзда тутилади. Лекин, бу назорат бир томондан, ташқарига — шахс манфаатларига мувофиқ жамиятнинг ўзгартиришга, иккинчи томондан, ичкарига — объектив (бизга боғлиқ бўлмаган) шароит ва жамият талабларига яраша ўз шахсий сифат ва эҳтиёжларини ўзгартиришга йўналтирилади. Ривожланган ўз-ўзини назорат — онгли интизомнинг узоқ муддатли муҳим мақсадлар йўлида қисқа муддатли фойдадан воз кеча олиш қобилиятининг зарур шартидир. Бироқ, бу ўринда ҳам меъёрни сақлаш даркор. «Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди» деганларидек меъёридан ортиқча ўз-ўзини назорат қилиш ташқи қарамлик сингари шахсни нисбатан осон, аввалдан яхши маълум, «бош оғриғига сабаб бўлмайдиган» одатий йўлдан боришга ундаб, унинг мавжуд имкониятларини бўғиб қўйиши мумкин. Ҳар қандай асл ижодиёт эса тутқунлик, буйрук, тазйиққа асосланган ҳолда ҳаёт кечира олмайди, шунчаки мавжудлигини кўрсатиб қўйишга уринган тақдирда ҳам барқ уриб ўсмай, тезда сўлиб қолади.

Ўзбекистон Президентининг талаби шундай: «Эски тузум асоратларидан батамом қутилишимиз керак. Янги даврга муносиб бўлиш, дадил ва тадбиркор бўлиш, боқимандалик балосидан, мутелик ва қарамлик кайфиятининг қолган-қутган сарқитларидан қутилишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда».

Биз ўз мавқенимизни эрта баҳолаб олишга, маслак ва ҳаётий режаларимизни юқори баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Аслида, ҳақиқий қўлидан келадиган ва келмайдиган ишни яхши билладиган, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳуда-беҳудага ваъда бериб юборавермайдиган инсон ваъдабоз, субутсиз одамга қараганда ҳурмат ва эҳтиромга тезроқ сазовор бўлади. Ҳар биримизнинг ўзимизга бераётган баҳоимиз, кўзга доимо ҳам яққол ташланавермайдиган асл қиёфамиз ва бизга ўзгалар томонидан берилаётган баҳоларнинг йнгииндисигина ҳақиқий аҳволдан, яъни бизнинг кимлигимиздан дарак беради.

Мустақил, ижодий шахс ташқи тазйиқларга қаршилик кўрсатибгина қолмай, агар керак бўлса, ўзининг шахсий, аввалги даврга хос нуқтан назари ва режаларини танқидий баҳолаб, замон талабларига мос фаолият юритишга, ўз ҳиссий кечинмаларини эркин, мустақил баён этишга ҳам

қобил бўлмоғи даркор. Ҳозирги вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, шаклланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлмаса, турли вайронкор, бузгунчи гоёлар босимига, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амри маҳол.

Мустақиллик шахснинг илк болалигидан бошлаб бирор ҳаракат ёки машғулот билан банд бўлиш ва унинг масъулиятини ҳис этишга ундовчи бутун ҳаётий усуллар ёрдамида шаклланади. Эркинлик, табиийки, мустақил фикрлашни ҳам ўз ичига олади. Бу масалада бизда аҳвол қандай? Яхшиси, Президент фикр-мулоҳазаларига яна бир бор эътибор қаратганимиз маъқул: «Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман, мактабларда болалар мустақил фикрлашга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди, мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У болалардан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим-айтган, деганим-деган»... Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат».

Болани эркин фикрлашга йўл кўймай, фақат ўз хоҳиши билангина яшашга мажбур қилаётган тарбиячи аслида бола ижодий камолоти йўлидаги тўсиқдир.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган қилиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, тараққиёт учун билим керак. Аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик ҳисобланади.

Мустақилликни мустақкомлаш ва уни ҳимоя қилишдек улкан, масъулиятли тарихий вазифани фақат мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш маданиятига эга бўлган мустақил шахслар бажара оладилар. Мустақил шахс инсонпарвар, демократик жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг таъсири натижасида қарор топади. Мустақил шахснинг шаклланишида объектив шарт-шароитлар ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлса-да, субъектив омиллар: оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла, сиёсий партиялар, маданий-маърифий уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларнинг ҳамкорликда, ягона дастурга асосланган маънавий-маърифий, мафкуравий ишларининг таъсири бекиёсдир.

Мустақил шахс уч асосий компонентни: мустақил фикрлашни, мустақил ишлашни ва мустақил яшашни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу компонентлар мустақкам ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, шубҳасиз, бири иккинчисига таъсир ўтказиб туради. Лекин, шахс мустақиллиги, энг аввало, унинг фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Худди шу қобилият туфайли инсон ўзи кўрган, билган, эшитган, атрофида содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнлар моҳиятини, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлайди.

Инсоннинг фикрлаш қобилияти унинг фаҳм-фаросати, ақл-заковат, зеҳни, иқтидорига боғлиқ бўлади. Худди шу сабабга кўра фикрлаш ўзгариб турувчи жараён бўлиб, у ўзининг ривожланиши давомида икки йирик босқични босиб ўтади. Фикрлаш жараёнининг пастки, қуйи босқичи фаҳм-фаросат деб аталади. Фаҳм-фаросат фикрлаш қобилиятининг асосини ташкил этади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг дўстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳазаларидан иборат «Ичиндаги ичиндадир» номли фалсафий-маърифий асарида фаҳм-фаросатга дахлдор муҳим бир мулоҳаза билдирилган: «Ривоят қиладиларки, бир подшоҳ ўғлини хунармандлар тўпига кўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илму нужумдан дарс беришибди. Шоҳ ўғли бутунлай аҳмоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди.

Кунлардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига «Бунда не бор?» дебди. Бола «Қўлингдаги думалоқ, сариқ ва ичи бўш нарсадир» дегач, ҳукмдор хайратда қолиб «Аломатларини тўғри айтдинг, исминни айт» деб буюрибди. Ўғил «Ғалвир бўлса керак» деб жавоб беради. Подшоҳ «Олган таҳсилнинг шарофати билан мени хайрон этиб аломат — белгиларини аниқ айтинг-у, аммо ғалвирнинг ҳовучга сигмаслигига қандай қилиб фаросатинг етмади? деди афсус чекиб.

Худди шундай, — деб давом этади Румий ҳазратлари — замонамиз олимлари ҳам қилни кирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганни, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсадан яқин бўлган борлик бу уларнинг менлиги». Мавлоно Румий инсонни, аввало, кўзини очишга, ўз моҳиятига назар ташлашга, фикрлашга ундайди.

Фикрлаш жараёнининг юқори босқичи ақл ҳисобланади. Фаҳм-фаросат ҳис-туйғуларга асосланса, ақл кўпроқ билимга, илмга таянади.

Шу боисдан ҳам, аниқ, тиник, равон фикрлайдиган кишиларни халкимиз ақлли одамлар деб атайди. Фикрлаш — доимо ҳаракатдаги жараён бўлса, ақл унинг ҳосиласидир. Ақл ёрдамида инсон ҳамиша энг оғир вазиятдан ҳам чиқиб кетиш учун ўзига тўғри йўл топа олади. Энг қийин муаммоларни бартараф этади. Аждодларимиз томонидан фикр-мулоҳазасиз, ақлсиз кишиларни аҳмоқ, галварс, нодон деб аталишида ҳам катта ҳикмат бор. Бу масала хусусида ҳам яна Жалолоддин Румийга мурожаат қилсак, муаммони англаш енгилроқ кўчган бўларди: «...бир қанча аскар бир амирнинг хизматида бўлса ва унга бўйин сунса, амир ҳам бутун ақлу закосини қўл остидагилар аҳволини яхшилашга сарфлайди. Агар хизматкорлар итоат этмай қўйса, амир ҳам ўз ақлини уларнинг эҳтиёжлари қондиришга ишлатмайди. Ақл инсон вужудида бир амир кабидир. Модомики, вужуд раиятлари унга бўйин сунса, барча ишлар текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан қўл-оёқдан ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаъқулчиликни кутиш мумкин. Эртасига эса киши ўзига-ўзи «Ох, нима қилиб қўйдим, нега урдим, нега сўқдим?» дейди. Шунинг учун ҳам раҳбар бўлганда ва унга итоат этилганда, ишлар жойида бўлади. Масалан, ақл «Кетаман!» деганда, оёқ унга бўйин сунсинки, кета олсин. Йўқса, (ақл) кетишни ўйламайди. Шу тарзда ақл вужудда амир ҳисобланади, қолганлар халқдир ва ўз билимлари-ю, нуқтан назарларидан қатъи назар, ақл учун хизматқордирлар. Ақл — улар орасида валий. Агар халқ ақлга итоат қилмаса, ишлари доим пушаймонлик ва паришонлик ичида бўлгуси. Лозим бўлганидек итоат қилинса-чи, уларнинг ўз ақлларига мурожаат этишларига ҳожат қолмайди. Чунки улар масалани ўз ақллари билан (балки) тушуниб етмаслар. Шунинг учун ҳам ақлга бош эгишлари зарур».



Инсон ақлининг самарадорлиги унинг нафақат билимдонлигига, шу билан бирга ўша билимларнинг аниқ мақсадга қаратилганлигига, йўналтирилганлигига боғлиқ бўлади. Ақлли киши фақат кўп билимга эга эканлиги билангина эмас, балки ўша билимларни эзгулик, яхшилик учун сафарбар қилиши билан ажралиб туради. Шу боисдан уч минг йил муқаддам ўзбек давлатчилиги илк даври мафқурасини ўзига жо этган бобокалон китоб «Авесто»да бу масалага жиддий эътибор қаратилган. Виспирад қисмида (15- бўлим, 1,3- бандлар) белгиланган, «Оёқларинг, қўлларинг ва эс-ҳушингни эзгу амал, адолат ва тўғрилиқка йўлла; ёмон ишлардан, бедодлик ва эгриликдан тийил!» деган даъват бир неча бор такрорланган. Бобокалон китоб матнларидаги

«— Эй, Мазда!

Ўзгаларга ёруғликни истаган кишиларга ёруғлик насиб этади.

Ҳақиқат нурлари остида, эзгу ниятдан яралган маърифатингдан бизларга ҳады қил, токи тириклигимизнинг ҳар бир лаҳза, ҳар соат, ҳар бир кунда шодмонликдан баҳраманд бўлайлик» (Гох, 43- Ясна, 2- банд) деган тилак, «— Эй, эзгу ниятга кўнгил қўйган, дил боғлаган зотлар, газабни ичга ютинг, жаҳлнинг бағридан ўтинг, ўзни тундлик, жоҳиллик қаршисида янада қудратлироқ ва саботлироқ айланг. Ашаҳ — ҳақиқатнинг ер юзида ёйилмоғи, пойдор ва устувор бўлмоғи учун пок мардлар сафига қўшилинг!» (Гох, 48- Ясна, 7- банд), «Оламнинг ободлиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду жаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ керак» (Гох, 48- Ясна, 5- банд), деган қақирқлар ўша даврда яшаган аждодларимиз онги ва қалбига сингдирилиб, уларни донишмандлик йўлига бошлаган. Аслида, «Авесто» бўйича, «Йўл бирдир ва у Ашаҳ — Ҳақиқат йўлидир. Қолган барча йўллар йўлсизликдир» (Виспирад, 24- бўлим, 3- банд). Шу сабабга кўра таълимот асочиси:

«— Эй, Мазда!

Ҳақиқатда, мен Зардушт, Ашаҳ — Ҳақиқатнинг шайдоси сенга баланд овозда намоз келтираман.

Зора Яратувчи Эзгу Ниятнинг ёркин нурлари остида мени ўз амр-иродасидан огоҳ айласа, токи забоним одамларни донишмандлик йўлига бошлаб борса» (Гох, 5- Ясна, 6- банд), дея нажот, илтижо қилган.

Ҳақиқатан ҳам ўз билимларини бошқаларнинг фаровон турмуши учун сарфлаган ақл соҳиби чинакам донишманд даражасига кўтарилади. Шу ўринда «фаровон» сўзи этимологиясига қисқача изоҳ бериш зарурияти туғилади, чунки, фаровонлик, фараҳбахш, фарзанд, Фарход, Фарруҳ сингари атамалар илдизи «Авесто» замонида бориб қадалади.

Фарр — саодат, шукух, порлоқ маъносини англатади, у баракат, иқбол сўзлари билан бир қаторда қўлланган. «Авесто»да «Хаврина» шаклида ёзилган. Барака топиш, саодатли бўлиш фаррга боғлиқ, у кишининг яхши амаллари эвазига қўлга киритилади, деб ҳисобланган. Фарр — ёруғлик, равшанлик бахш этувчи, унинг самовий ва илоҳийлиги шундаки, одамларнинг яхшилиги, солиҳ амаллари туфайли қудрат, бойлик, муваффақият сифатида одамларга таъсир кўрсатади, деб билинган.

«Авесто» бўйича, донишмандлик маъно-мазмуни, мақсад-муддаоси — ҳақиқатни қарор топтиришга, эзгуликка қаратилган. Донишмандлик билимсиз, илмсиз содир бўлиши мумкин эмас. Лекин, билим, илм — донишмандлик ҳам эмас. Ҳар қандай илм, билим ҳам яхшиликка хизмат қилавермайди. Террорчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси сингари жиноятлар кўчасига кириб қолганлар ҳам маълум даражадаги билим, илмга таяниб ўз қилмишларини содир этадилар. Донишмандлик эса нодир истеъдод, теран билим, ўткир зеҳннинг юксак ахлоқийлик билан қоришуви асосида шаклланади. Аниқроғи, донишмандлик ақлийлик ва ахлоқийлик қўшилувининг энг баланд нуктасидир.

Ҳозирги замон инсоншунос олимлари инсоннинг фикрлаш қобилиятини бири иккинчиси билан боғлиқ бўлган икки: амалий ва назарий даражаларига бўладилар. Ушбу икки даража ўзаро алоқадорлигининг мустаҳкамлиги фикрлаш тарзида яққол намоён бўлади. Инсоннинг фикрлаш тарзи: очик (ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост, ошқора баён қилиш), устакорлик (ўз нуктан назарини бирдан баён қилмаслик, бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб туриш), хушёр (ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фикрининг яхши-ёмон томонларини зийраклик билан таҳлил қила билиш, минг марта ўйлаб, кейин сўйлаш), ижодий (ўз қарашларини баён этишда ноанъанавий, ностандарт мулоҳазаларга асосланиш), догматив (бир қолипда, бир хил андозада фикр юритиш, мушоҳада қилаётган муаммосининг бир томонини бургтириб кўрсатиш), авторитар (обрў-эътиборга, мансабдорнинг қошқовоғига қараб фикрлаш) каби кўринишларда ўзини намоён этади.

Фикрлаш тарзидаги рўй-ростлик, ошқоралик доимо ўзгариб туради. Ошқора, очик фикрловчи киши муаммолар ечими учун тайёр формула ёки бир хил қолип қидирмайди. У ўзи ўйлаб топган ечимини бошқаларга рўй-рост баён этиб, ўзгаларни бу йўл тўғри эканлигига ишонишга тарғибташвик этади. Фикрлаш тарзида хушёрлик, устакорлик устувор бўлган кишиларда эса ўз атрофида содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни, ўзгаришларни моҳирлик билан ҳар томонлама таҳлил қилиш малакаси кучли бўлади. Бундай фикрлаш хусусиятига эга бўлган кишилар ўз

тажрибалари асосида ҳосил қилинган ҳукм ёки хулосаларни секинлик билан ўзгартирадилар. Бошқачасига ифодалайдиган бўлсак, бундай кишиларнинг фикрлаш тарзи бир вақтлар шаклланган стереотипларга садоқати билан бошқаларнинг фикрлаш усулидан ажралиб туради.

Ижодий фикрлаш тарзи бўлса кундалик турмушда вужудга келган муаммолар ечимларини излаб топишни тақозо этади. Совет ҳокимияти йилларида ижодкорнинг ижодий фикрлаш тарзи билан унинг кундалик ҳатти-ҳаракатидаги номутаносиблик тўғри баҳоланмаган. Бундай номутаносибликнинг ривожланиб кетиши таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Буни Ўзбекистон Президентининг юқорида келтирилган ўринли, ҳақли эътирози ҳам яққол исботлаб турибди. Аввалига ота-оналарининг, сўнгра эса ўқитувчиларнинг бир қолипдаги кўрсатмалари болаларнинг эркин, мустақил фикрлашига йўл бермас эди. Тайёр билимларни ўқувчига етказишга ва уни ўзлаштиришга мўлжалланган догматив таълим услуги фақат битта жавобга, битта ечимнинг тўғрилигига асосланган эди. Ислом Каримов фикрини такрорлайдиган бўлсак: «Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У болалардан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим-айтган, деганим деган»».

Ҳақиқатан ҳам қолган ечимлар, бошқа жавоблар нотўғри, деб ҳисобланар эди. Ана шундай таълим тизими орқали ўқувчиларда олам ва одам тўғрисида бир қолипдаги тасаввур ҳосил қилинган. Бундай бирёкламалик, ўз навбатида, бошқача фикрлаш тарзига шарт-шароит яратмай, улар ривожига тўсиқ бўлган. Натижада, совет таълим тизимида таҳсил олган кишилар дарсликлар, ўқув қўлланмаларида баён қилинган маълумотлардан бошқа хабарлардан бебаҳра қолганлар. Турган гапки, ўзгача фикр юритган ўқувчи, талаба, ўқитувчи бошида коммунистик идеологиянинг сиёсий бўялган таёғи синар эди. Бундай советча таълим-тарбия асосида фикр юритган миллионлаб ёшлар воқеа, ҳодиса, ўзгаришларга «яхши» ёки «ёмон», ижобий ёхуд салбий деб баҳо беришга ўрганиб қолганлар.

Инсоннинг фикрлаш тарзи бир қатор омилларга, чунончи, туғма интеллектуал қобилият, иқтидор, истеъдодга, болаликда олган таълим-тарбиясига, меҳнат ва ижтимоий фаолиятининг характериغا, миллий ва умуминсоний маданият меъёрларини ўзлаштириш даражасига боғлиқ бўлади. Ушбу омилларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш механизмида бир қатор муаммолар бўлишига қарамай мустақил, эркин фикрловчи шахс ҳамиша ўзини ўзи бошқаришга эҳтиёж сезади. Инсон

майда-чуйда назорат, чеклашлардан қанчалик холи бўлса, мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш учун шунчалик реал имконият вужудга келади. Айнан шунинг учун ҳам мустақил фикрлаш маданияти, ўз навбатида, мустақил фаолият кўрсатиш ва мустақил яшаш жараёнида ривожланиб, мустаҳкамланиб боради.

Ўзининг катъий фикрига эга бўлмаган киши тарозининг палласи босиши ёки шамолнинг қайси томонга эсишига қараб фаолият юритади. Худди шундай фикрловчи кишилар ҳалол меҳнат қилаётганлар фаолиятига ҳам холис баҳо бера олмайдилар. Шундай қилиб, инсон фикрлаш тарзида бири иккинчисига зид, беқарор ўзгарувчан майллар мавжуд бўлади. Худди шундай беқарор майллар таъсирда баъзан билиб, гоҳо билмасдан инсон ўзининг хатти-ҳаракатидаги нуқсонларни камайтириб, бошқаларникини эса бўрттириб кўрсатиша уринади. Оқибатда бундай кишиларда ижтимоий турмушда содир бўладиган воқеа, ҳодиса, жараёнларга ўз масъулиятини камайтириш, ўзига бўлган иззат-ҳурматни ошириш эҳтиёжи ўсиб боради. Лекин, шуни ёддан кўтармаслигимиз лозимки, шахснинг фикрлаш тарзида ҳам ўзгариш рўй бериб туради. Бундай ўзгариш, турган гапки, ижобий ёхуд салбий томонга бўлиши мумкин. Мабодо жамиятдаги ижобий ўзгариш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, миллий ғоя тарғибот-ташвиқоти таъсирчанлиги натижасида бирор кишининг фикрлаш тарзида ижобий — эзгуликка томон силжиш рўй берса, бундай ўзгариш жамиятнинг ғалабаси, хайрли ишлар оқибати бўлади.

Авторитар, догматик фикрлаш тарзи фикрлаш маданиятидаги «ижобий» ёки «салбий» томонларини мутлақлаштиради. Киминг фикрлаш маданиятида «ўзимники» ва «бировники» деб ўйлаш тарзи ҳаддан ташқари устуворлик қилса, бундай кишилар ўта хавфли бўладилар. Улар ўз атрофларидаги кишиларга шубҳа билан қарайдилар. Турли рақиблар, ғанимлар, душманлар, рақобатчи кишиларининг таъқиби остида яшайдилар. Фақат ўз манфаати ҳақида ўйлаш, эгоцентризм, яъни худбинлик, бошқаларнинг қувончлари-ю ташвишларига шерик, ҳамдард бўлишига йўл бермайди. Бундай худбинлар фикрлаш тарзида бошқаларнинг қувонч ва ташвишларини ўз манфаати чиғиригидан ўтказиб таҳлил қилиш одат тусига қриб қолади. Педагог олим, профессор Муҳаммаджон Қуронов таъбири билан айтганда, «У сизга «фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса» деб қарайди. Инсон деб эмас. Ватанига ҳам. Шундай яшаб ўтади». Шўролар даврида бундай фикрлаш услубига «Ким биз билан бўлмаса, — у бизга қарши». — деган шиор остида бошқаларга ҳам назар солиш, муносабатда бўлиш қўшилганлиги туфайли

миллионлаб кишилар коммунистик идеология катағони тегирмонида янчиб ташланган эди.

Ҳозирги замон кишисининг фикрлаш тарзи ўз ўтмишдошлариникидан кескин фарк килади. Жумладан, бугунги кишилар фикрлаш тарзида бири — иккинчисига мутлако зид ҳукмлар, хулосалар тез-тез учраб туради. Ўзининг кечаги нуктаи назарига бугун мутлако қарама-қарши мулоҳаза юритаётган кишиларга дуч келиб турамыз. Бундай фикрлаш тарзи бир томондан, юксак интеллектуал савия, профессионал малака, миллий ва умумбашарий муаммолардан бохабарлик, иккинчи томондан, баён этилган таклиф ёки мулоҳаза, олға сурилган ғояни турмушга татбиқ этиш учун шахсий масъулият, шахсий манфаатдорликнинг камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Айрим фуқаролар фикрлаш тарзида кечагина келажакни ҳаддан ташқари улуғлаш кайфияти устуворлик қилган бўлса, бугун ўтмишни улуғлаш, ҳозирги муаммолар ечимини мозийдан излаб топишга уриниш ҳолатлари кучайгандек туюлади...

Мустақил шахс ҳамиша ўзининг фикрлаш тарзига танкидий нуктаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув, ўз навбатида, фикрлаш маданиятидаги нуқсонларни тезроқ бартараф этишга қўмақлашади. Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазалар далолат берганидек, инсон мустақил шахс даражасига қўтарилмоғи учун мустақил фикр юритиш малакасига эга бўлмоғи даркор.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мустақиллик ҳар доим ҳавф-хатарга алоқадор бўлади. Иккинчи томондан, ҳавф-хатарсиз ахлоқий интилиш ҳам, шахсий ҳаёт мукамаллигини ҳис этиш ҳам, қийинчиликларни енгиб ўтиш шодлиги ҳам бўлмайди. Мустақил фикрлайдиган, фаолият юритадиган шахслар «эл қатори» юрганларнинг тинчини бузиши ҳам бор гап. Мустақил кишилар мутғасил равишда кимларнингдир осойишталигини, роҳатини бузиб туришса-да, барибир, айнан уларсиз жамият тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг ўта муҳим бир фикрига эътиборни жалб этсак: «... Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган: билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди.

У ҳар нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб қўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади».

Мустақиллик фақат нон билан чой эмас, у аввало, маънавий, яъни одамни инсон қиладиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган

тушунчадир. «Халқ» деган сўз билан «халқа» деган атама ўртасида муштараклик бор. Қадимда занжирнинг қувватиши аниқлаш учун энг ожиз халқа синаб кўрилган. Сабаби, юзта халқа мустаҳкам бўлгани билан биттаси нобоп бўлса, занжир худди ўша жойидан узилиб кетади... Тоталитар жамиятда ҳокими мутлақликка интилувчи, ўзгалар манфаати ва эркинлигини писанд қилмовчи давлат билан шахс ўртасидаги барча ижтимоий ҳалқалар атайлаб узиб ташланади. Демократия бўлса, аксинча демократик институтлар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган жамият ўртасида мустаҳкам ҳалқани талаб этади.

Фуқаролар ва давлат ўртасида одамларнинг турли интилишлари, манфаатларини акс эттирувчи юзлаб ташкилот, бирлашма, гуруҳ сингари ҳалқалар мавжуд. Кишилар ҳам улар таркибига маълум бир бурч, маъсулиятни ҳис этган ҳолда эркин равишда кирадилар. Бугунги жамиятда давлат ғоят катта, бош ислохотчи ролини ўйнаётганлиги боис нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳам сиёсий саҳнада, умумий мақсадни кўздан қочирмаган ҳолда ўз манфаатларига асосланган, ўзларига мос роль ўйнайдилар. Натижада, Шўро давридагидек, ҳокимиятни фақат бир кўлда жамлаб олиб, шахс мустақиллиги, эркинлигига таҳдид солиш имконияти пасаяди. Яъни, бир актёр театри, бутунлай бўлмаса-да, аста-секин ўз ўрнини сериалга бўшата боради. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари ўтиш бошланади. Бу ҳолат фақат мулк ва фикрлар хилма-хиллиги, яъни плюрализмга асосланган жамият ва давлат тузилишидагина юз беради.

Демократик жамият диққат марказида биринчи навбатда Инсон туради. Амалга оширилаётган барча ислохотлар Инсон номидан, Инсоннинг маъсулияти остида ҳамда Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган. Ҳокимият инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга мажбурдир. Давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг ҳар қандай шаклда чекланишига Конституцияга хилоф ҳаракат сифатида қаралмоғи лозим. Демократия ҳокимият ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларнинг очик-ошкоралиги (транспарент-лиги) билан белгиланади.

Тоталитар-мустабид тузумдан фарқли равишда, демократия ҳеч қачон Инсонга таҳдид солмайди, у доимо Инсонга эркин танлов учун шароит яратишга мажбурдир. Демократия, энг аввало инсоннинг ички дунёси, ўй-фикри, ишончи, эрки, ўзаро муносабат ҳамда адолатли жамият ҳақидаги тушунчаларини таъминлайди. Ишончсизлик, ҳақиқатни яшириш, сиёсий тўрачилик, демагогия (сўз билан чайқовчилик қилиш)

хамда ҳақиқатга нисбатан бузгунчилик қилиш — амалда демократияга қарши қурашдан бошқа нарса эмас.

XXI аср ибтидосида Ота Маконда эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган, ўзи билиб, бировнинг турткиси ё буйруғи билан эмас, мустақил фаолият юрита оладиган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий гоёмизга айланмоқда. Озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз, халқ ва Ватан манфаатларини уйғунлаштира оладиган шахслар тарбияси олдимизда кўндаланг турган ниҳоятда муҳим, келажакни ҳал қилувчи вазифа ҳисобланади.

Қўрқок, ландовур, муте, боқиманда кимсалар оиласи, юрти у ёқда турсин, ҳатто ўзларини ҳам турли таҳдид ва гоъвий хуружлардан асрай олмайдилар. Ота Макон истиқлолини фақат эркин фикр юрита оладиган, интизомли, мард, тадбиркор, масъулиятли, мустақил шахсларгина мустаҳкамлай оладилар.

Бугунги кунда ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган қараш ва кайфиятлари маълум бир сиёсий кучлар учун «маъқул» йўналишга ўзгартирилган халқдан аҳолига айлантирилганлар кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгаллик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, имони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга бунёдкор шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Бугунги дунёнинг сиёсий ва мафкуравий манзараси .....	7
Мустақиллик тушунчаси .....	16
Эркинлик ҳуқуқи .....	26
Масъулият нима дегани? .....	33
Маънавиятнинг бош белгиси .....	40
Фуқаролик масъулияти ва бурчи .....	47
Иқтисодиёт ва маънавият .....	58
Қадрият ва кадр-қиммат масаласи .....	73
Шахс, жамият ва давлат манфаатлари .....	84
«Эркин, ёш авлод» тарбияси масаласи .....	95

Қўлланма маънавият тарғиботчилари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оксоколлари), масъул котиблари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарларига бепул тарқатилади.



НАМАНГАН ШАҲАР МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ  
НАМАНГАН ШАҲАР БЎЛИМИ

Бахтиёр ИСОҚОВ

**МУСТАҚИЛЛИК –  
МУАЗЗАМ  
МАСЪУЛИЯТ**

*Энг улуғ ва энг азиз байрам, халқимиз гурури ва ифтихори манбаи –  
“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил  
Ўзбекистон!” шиори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат  
мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-  
ташвиқот ишларида фойдаланиш учун қўлланма*

Муҳаррир:	Тоҳиржон Мадаминов
Бадий муҳаррир:	Фарход Исоқов
Дизайнер:	Комила Қаюмова
Мусахҳих:	Дилдора Исоқова
Саҳифаловчи:	Наргиза Исоқова

Мазкур услубий қўлланма Наманган шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашининг 2013 йил 5 июлдаги 04/02-44 - сонли йиғилиши қарори билан маъқулланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Теришга берилди 15.07.2013. Босишга рухсат этилди 30.07.2013 й.  
Бичими 60x42 1/16, Ҳажми 7,5 босма табоқ.  
Хизмат доирасида фойдаланиш учун. Адади 1000 нусха.

“Фахризода” кўп тармокли кичик корхонаси

босмахонасида чоп этилди

Корхона манзили: Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ кучаси, 2А- уй.

